

30-42
2019

30-42 VII-X
2019

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Mahalla

№ 30 (1744-1747) 2019 йил 4 — 11 июль

ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

info@mahalladosh.uz

www.mahalladosh.uz

БУГУНГИ СОНДА:

**Сайлов кодекси
тасдиқланди.
Нималар ўзгарди?** 5.

**Япон қизи
маҳаллага ибратли
келин бўлди** 22.

**Ўсмирлар жиноятининг
ҳар 100 тасидан 45 таси
ўғрилиқдир** 23.

**Диарея болалар учун
қанчалик хавфли?** 27.

**Имтиёзли кредитнинг
имконсиз даромади** 12.

**Оқсоқол ортиқча
юкламаларни
бажаришга мажбурми?** 13.

**Таъмагир раиснинг
кирдикорлари** 16.

**Талабанинг баҳосини
чўнтаги эмас, билими
белгилаши керак** 17.

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

2-3.



**Орол денгизидаги махфий
ҳудуд сири нимада?** 24. 31.

Отабек
МУҲАММАДЗОҲИД:

**«Санъат
хоҳлаган
одам келиб-
кетадиган бекатга
айланмаслиги
керак»** 24.



ХАЛҚ ИШОНЧИ



Танзила
НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий
Мажлиси Сенати
раиси:

— Аҳоли нарозили-
гини биринчи марта
кимга айтиши керак,
албатта, маҳаллага,
райсга айтиши керак.
Йигин раиси ва ма-
ҳалла фаоллари эса

сектор раҳбарлари билан биргаликда мавжуд муам-
моларни ҳал этиши лозим. Бунинг учун бизга Пре-
зидентимиз томонидан махсус — «маҳалла — сектор
— Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосида
хамкорлик тизими яратиб берилди. Бундай тизим
дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам йўқ.
Бизда барча муаммони жойида ҳал қилиш мумкин.
Лекин одамларимизнинг маҳаллага бўлган ишонч-
сизлиги туфайли уларнинг халлигига Президентнинг
Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонасига йўл-
лаётган ариза ва шикоятлари давом этмоқда.

Нима учун фуқаролар йиғинлари ва бошқа жамоат
ташкилотлари жойлардаги оғрикли нукталарни,
одамларни қийнаётган ижтимоий муаммоларни,
айниқса, халқнинг яхши яшاشи учун салбий таъсир
кўрсатаётган ичимлик суви, йўл масаласи, пенсия,
ойлик ва ижтимоий объектларнинг ҳолати бўйича
бонг кўтариб чиқмайди. Биз жойларда аҳоли билан
мулоқотда бўлганимизда фуқаролар йиғинлари ва
жамоат ташкилотлари мавжуд муаммолар ечимини
маҳаллий кенгашлар билан биргаликда маҳаллий
хокимликлар олдида, керак бўлса, вазирлик раҳбар-
ларини чакиртириб унинг ечимини ҳал этишни талаб
этишмайди, деган ҳақли эътирозларни кўп эшитдик.
Мана шундай масалаларни ҳал этиш учун ҳар бири-
миз каттиқ ҳаракат қилишимиз керак.



Светлана
ОРТИКОВА,
Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий
Мажлиси Сенати
раисининг ўрин-
босари:

— Фуқаролар йи-
гинлари раислари
(оқсоқоллари) сай-
ловини пухта, юко-
ри савияда ўтказиш
учун дастлаб фуқа-

ролар йиғинлари раисларига қўйилаётган талаблар
бўйича **тавсиялар**, Фуқаролар йиғинлари раислари
(оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш-
га қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳар-
лар комиссиялари ҳамда фуқаролар йиғини раиси
(оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бў-
йича ишчи гуруҳларининг вазифалари белгиланган
йўриқнома ҳамда фуқаролар йиғини раиси лавози-
мига номзодларнинг билим даражаси, савияси ва
дунёқарашини аниқлаш бўйича **саволнома** ишлаб
чиқилди. Бундан ташқари, сайлов натижаларига
қўра, маҳалла органларини шакллантиришга оид
ҳужжатлар намуналари тўплами ҳам ишлаб чи-
қилиб, барча ҳудудларга етказилди.

Бу йилги фуқаролар йиғини раиси лавозимига тав-
сия этилган номзодлар ташкилотчилиги ва етакчилик
қобилиятларига, аҳолининг ҳурмати ва эътиборига
сазовор бўлган фидойи ва жонқур фуқаролар ораси-
дан сараланди. Ҳар бир фуқаролар йиғини раислиги-
га 2 нафардан ортиқ номзодлар кўрсатилди. Сайлов-
лар ёпик, бюллетень асосида овоз бериш кабинала-
рида амалга оширилди. Сайланган раисларнинг 1025
нафари аёллар. Уларнинг 17,7 фоизи 45 ёшгача, 36,6
фоизи 55 ёшгача бўлган раисларни ташкил этади.
Шундан 5239 нафари олий, 3620 нафари ўрта махсус,
234 нафари ўрта маълумотга эга. Улар орасида ўқи-
тувчи, иктисодчи, муҳандис, агроном, ҳуқуқшунос,
шифокор, қурувчи ва бошқа касб эгалари ҳам бор.

Маҳалла институтининг жойларда халқнинг маслақдоши
ва қўмақдошига, таъбир жоиз бўлса, «адолат тарозиси»га
айланганини, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган
ишончини янада мустаҳкамлайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

**Жорий йилнинг май ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган фуқаролар
йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида 9093 та фуқаролар йиғинида
овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг вакили сифатида 2 млн. 58
мингдан ортиқ киши иштирок этди. Сайланган оқсоқолларнинг 6208
нафари ушбу лавозимга биринчи марта киришмоқда. Уларнинг 57,6 фоизи
олий маълумотга эга бўлиб, раисларнинг 11,2 фоизи аёллардир. 164 нафар
оқсоқол маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳисобланади.**

Бу ҳақда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-
лари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика
кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-
ти Кенгашининг жорий йил мамлакатимизда ўтказилган
фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови
яқунларига бағишланган мажлисида таъкидланди. Қайд
этилганидек, республикаимиз миқёсида юқори ташкилий
савияда ўтказилган ушбу муҳим сиёсий тадбир мамла-
катимизда демократия асосларини янада мустаҳкамлаш,
ички ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида қўйил-
ган яна бир муҳим қадам бўлди.

Дарҳақиқат, бу йилги фуқаролар йиғинлари раислари
(оқсоқоллари) сайлови жамиятнинг янада ислоҳ қилиш
ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш
шароитида бўлиб ўтди. Жумладан, 2018 йил 15 октябрда
«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғри-
сида»ги қонуннинг янги тахрири қабул қилинди. Унда
фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) уч йил муддатга сай-
ланиши, яширин овоз бериш, фуқаролар йиғинлари раис-
лари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга
қўмаклашувчи республика комиссиясининг вазолатлари,
фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш
ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида
12 фоизини ташкил этиши лозимлиги каби янги қоидалар
мустаҳкамлаб қўйилди. Сайлов жараёни айнан шу қои-
даларга мувофиқ ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов
ҳуқуқи тамойиллари асосида ўтказилганлиги мажлисида
алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ташкилий ишлар самараси

Дастлаб сайловни юқори савияда ташкил этиш ва
ўтказиш учун барча зарур шароитларни таъминлаш
мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019
йил 15 февралдаги қарори билан Фуқаролар йиғинлари
раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўт-
казишга қўмаклашувчи республика комиссияси тузилиб,
сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар
режаси тасдиқланди. Унга қўра, Фуқаролар йиғинлари

раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтқа-
зишга қўмаклашувчи республика комиссияси ва ҳудудий
комиссиялар бу йўналишдаги кенг қўламли чора-тадбир-
ларни самарали мувофиқлаштириб борди. Бунда, аввало,
фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституция-
вий ҳуқуқларини сўзсиз рўёбга чиқарилишига алоҳида
аҳамият қаратилди.

Республика комиссияси томонидан Фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқ-
лаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа ман-
фаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни таш-
кил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи ҳудудий, туман ва
шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари
учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти
ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини
тушунтириш бўйича семинар ва давра суҳбатлари ўтқа-
зилди. Шу билан бир қаторда, сайловга тайёргарлик кў-
риш ва уни ўтказишга оид ҳужжатлар тўплами ва бошқа
ҳуқуқий адабиётларнинг жойларга ўз вақтида етказиб
берилгани сайлов жараёнида қонунийликнинг тўлиқ
таъминланишига хизмат қилди.

Шунингдек, қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга-
ликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида
фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семи-
нар-тренинглар ўтказилди.

Сайловда 22 минг 264 нафар номзод қатнашди

Бўлиб ўтган сайлов яқунлари хақида сўз юритилар
экан, мажлис иштирокчилари томонидан унда 9093 та
фуқаролар йиғинида мамлакатимиздаги овоз бериш ҳу-
қуқига эга фуқароларнинг вакили сифатида 2 миллион 58
мингдан ортиқ кишилар ва 22264 нафар тавсия этилган
номзод беvosита қатнашганини қайд этилди. Шунда бир
маҳалла раислигига ўртача 2,4 нафардан номзод тўғри
қелганини сайловнинг муқобил асосда ўтказилганидан
далолат беради.

Ҳамюртларимиз маҳаллага бош бўлишдек масъулият-

Қўлами кенг вазифалар ижросига масъулмиз



Мансур
ЙЎЛДОШЕВ,
Қорақалпоғистон Рес-
публикаси

Тахиятош туманидаги
«Тахиятош» маҳалла фу-
қаролар йиғини раиси:

— Илгари маҳалла раиси
сайлови ўтганини биров
билиб, биров билмай қо-
ларди. Бу йилги сайлов-
ларда халқ катта қизиқиш

билан қатнашди. Унда нафақат ёши катталар,
балки ёшлар ҳам фаол иштирок этди. Сайлов
жараёнида ҳам кўтаринки руҳда, шаффоф, қо-
нуний тарзда ўтди. Фуқаролар фаоллиги ошиб,
ўзи ишонган номзодга овоз беришди. Мен ҳам
78,4 фоиз овоз олиб йиғин раислигига сайландим.
Энди маҳалладошларимнинг ишончини оқлашим
керак. Олдимизда жуда кўп долзарб масалалар ту-

рибди. Асосий муаммо — исҳисизлик. Шу боис, ав-
вало, ҳудудда тадбиркорлиқни ривожлантиришга
эътибор қаратяпмиз. Бу борада давлат ва жамоат
ташкилотлари, айниқса, Президентнинг Халқ қа-
булхонаси ва сектор раҳбари билан ҳамкорликда
иш олиб борапмиз. Олдимизда кутубхона, болалар
ўйингоҳи, спорт тўғралакларини ташкил этиш ма-
саласи ҳам турибди. Худуд ободлигини таъмин-
лаш, аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам
сайлов дастуридан ўрин олган вазифалардан.
Бундай кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш
учун Президентнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли
муаммолари билан ишлашда маҳалла институти-
нинг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги фармони билан биз, йиғин раисла-
рига катта имкониятлар яратилмоқда. Эндilikда
мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун маҳаллий
ҳокимият вакиллари ҳам эшигини каттароқ очиб
қўйиши керак.

Шавкат Мирзиёев «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонунни имзолади.

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ



ли ишни кимга ишониб топшириш масаласига бу галги сайловларда ҳар қачонгидан ҳам жиддийроқ ёндашди. Бу эса сайланган раисларнинг сифат таркибини ҳам юксалтирди. Натижада 6208 нафар номзод биринчи марта фуқаролар йиғини раислигига сайланди. Сайланган раисларнинг 11,2 фоизи хотин-қизлар. 164 нафари маҳаллий Кенгашлар депутатларидир.

Бўлиб ўтган сайловнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, маҳалла оксоколлигига бу гал кўпроқ касби бўйича ўқитувчи бўлган инсонлар сайланди. Бу эса халқимизнинг устоз-мураббийларга эҳтиром билан эканлигини, ўз фарзандларига билим ва тарбия берган инсонларга маҳалла оксоколи бўлишдек масъулиятли ишни ишониб топширишга тайёрликларини билдиради. Бу ҳам бўлса, юртимизда педагог кадрларни қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларга бўлган муносабатни тубдан яхшилаш борасида қўйилаётган қадамларнинг яна бир самараси, деб баҳолаш мумкин.

Сайловга оид 15 мингдан ортиқ материал эълон қилинди

Сайловнинг демократик принциплар асосида ўтказилишини таъминлаш – ишчи гуруҳлар ва умуман, жараёнга алоқадор барча тузилмаларнинг асосий вазифаси бўлди. Уни амалга оширишда муҳим сиёсий воқеликнинг барча босқичларини кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар ҳузурида тузилган ахборот хизматлари самарали иш олиб борди. Бунинг натижасида марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 15 мингдан ор-

тиқ материаллар эълон қилинди. Хусусан, телерадиоканаллар эфирда 6,5 мингта яқин, газета ва журналларда мингдан ортиқ, интернет нашрларида 7,6 мингта материал жойлаштирилган.

Таъкидланганидек, сайлов жараёнида тегишли конун ҳужжатлари жиддий бузилган ҳолатлар қайд этилмади.

Мажлисда фуқаролар йиғинлари раисларининг маҳалла институтини янада ривожлантириш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи конун ҳужжатларини такомиллаштириш борасидаги ишларни кучайтириш бўйича долзарб вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайлови жараёнидаги ҳар жиҳаддан пухта ҳозирлик қилиниб, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунинг амалий натижаси шафқат ва ошқоралик мезонлари асосида ўтган фуқаролар йиғинлари сайловларида ўз исботини топди. Эътиборли жиҳати, сайловда бевосита иштирок этган сайловчилар вакиллари сонининг оширилгани ва номзодлар яширин овоз бериш йўли билан сайланаётгани аҳоли ўртасида ҳурмат, эътибор топан, ташаббускор номзодларни саралаш ва сайлаш имкониятини берди.

Шавкат ЖАВЛОНОВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси:

– Сайлов жараёнида маҳалла раисларига муносиб номзодларни сайлаш бўйича Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда 11 маротаба видеоселектор йиғилиши ўтказиб, камчиликларни мунтазам муҳокама қилиб бордик. Республика ишчи гуруҳи эса фуқаролар йиғинлари раисларига кўрсатилган 38137 нафар номзод билан суҳбатлар ўтказиб, уларнинг 24 653 нафарига ижобий тавсиялар беришди. Натижада, 9093 та фуқаролар йиғинига ташкилотчилик, етакчилик қобилияти эга, аҳолининг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлган фидойи ва жонқуяр фуқаролар орасидан раислар сайланди. Маҳалла оксоқолларининг аксарияти янги сайланганлар. Шу боис уларни келгуси 3 йил давомида аҳоли билан ишлаш, тизимда учраётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда билим ва малакасини ҳамда масъулиятини ошириш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида фуқаролар йиғинлари раислари учун ташкил этилаётган икки ҳафталик (88 соат) ўқувларга жалб этилган профессор-ўқитувчилар ва мутахассис-амалиётчиларнинг малакаларини ошириш юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди. Улар республикамизнинг 67 та минтақасига бириктирилиб, ҳар бир минтақа учун алоҳида дарс жадваллари ишлаб чиқилди. Жойларда йиғин раислари учун ташкил этиладиган ўқувларни юқори савияда ўтказиш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ўқув дастури, маъруза тезислари, 10 та мавзулар бўйича видео дарсларнинг электрон шакли, кириш ва чиқиш тест саволлари ҳамда бопка тарқатма материаллар ишлаб чиқилиб, ҳудудларга юборилди.

Ўқувларнинг биринчи босқичида 4296 нафар йиғин раисининг малакаси оширилди. Ҳозирги кунда 3771 нафар фуқаролар йиғини раиси малакасини оширмоқда.

Энди маҳалла раислари ўқувлар жараёнида олган билимларини амалиётда қўллашлари, маҳаллаларда ишни тизимли ташкил қилишлари, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш бўйича секторлар, Халқ қабулхоналари ҳамда давлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари ва фақат натижа бўйича ишлашлари ҳамда мухтарам Президентимиз билдирган ишончини оқлашлари керак.

Маҳаллаларда ишни самарали ташкил этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, маҳалла раислари ўқув жараёнида олган билимларини ўз иш фаолиятларида қўллашлари учун Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий, туман (шаҳар) кенгашлари раислари услубий-амалий кўмаклаштиришлари зарур. Бу борада ҳудудий, туман (шаҳар) кенгашлари раислари ўз хизмат вазифаларига бўлган масъулиятини ошириш лозим.

Иккинчидан, фуқаролар йиғинида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича ҳудуддаги муаммолардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган 2019 йилнинг июнь-сентябрь ойларига мўлжалланган **Харакатлар режаси** ижросини таъминлаш лозим. Шунингдек, **Харакатлар режаси** ижросини ҳар ойда сектор раҳбарлари билан биргаликда туман (шаҳар) маҳаллалар кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилишлари керак.

Учинчидан, сектор раҳбарлари билан биргаликда тантанали равишда «Фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, сайловда сайланган раисларни гувоҳнома билан таъминлашлари зарур.

Тўртинчидан, сайловларда биринчи маротаба сайланган раислар маҳаллаларда ишни тўғри ташкил этиши учун ҳудуддаги тажрибали маҳалла раислари билан ўзаро тажриба алмашиш тизимини жорий қилишлари зарур.

Бешинчидан, мамлакатимизда қабул қилинаётган конун ҳужжатларида айнан маҳалланинг ролини очиб беришга қаратилган қисқа ва тушунарли тилда шарҳлар тайёрлаш ҳамда фуқаролар йиғинлари раисларига қўлланма сифатида етказилиши лозим.

Олтинчидан, фуқаролар йиғинлари ходимларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бопка тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралаштириш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклашнинг қатъиян таъқиқлаш лозим. Бу борада 2016 йилда ўтказилган сайловларда сайланган 35 фойиз раислар лавозимидан озод этилганлиги сабаб бўлиши лозим.

Маҳаллада оддий юмушлар бўлмайд



Мартабахон ЖАЛИЛОВА,
Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Ўқчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– Бу йилги фуқаролар йиғинлари раислари сайлови ҳар жиҳаддан юқори савияда ўтказилди. Биринчи навбатда, ушбу муҳим сиёсий тадбир демократия асосларини тўлаланичга намоён этди. Бугунги раис ташаббускор, ишбилармон, тадбиркор бўлиши керак. Улар, аввало, маҳалла ахлини рози қилиб, кексалар ҳолидан хабардор бўлиб, ёшларни тўғри йўлга бошлаши зарур. Албатта, маҳалла юмуши оддий ишлар сирасидан эмас. Бугунгача бўлган фаолиятим давомида маҳалламиздаги мавжуд муаммолар, аҳолининг қийнаётган масалаларни ўргандим, маҳалладошларим

турмуш тарзи билан яқиндан танишдим. Маҳалламиз тоза ичимлик суви билан таъминланган. Лекин ички йўллари таъмирлаш, асфальтлаш талаб этилади. Айни кунда 4 километрдан ортиқ ички йўللарга асфальт ётқириш ишларини туман йўл харитасига киритиш бўйича тақлифлар билан чиқдик. Маҳалламиздаги айрим кўчаларга оғирлиги 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк машиналарининг юришини таъқиқловчи белгилар қўйилган. Лекин бу қондага ҳамма ҳам амал қилаётгани йўқ. Бу аҳолининг ҳақси эътирозига, йўл транспорт билан боғлиқ қўлаб қўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда. Айни дамда бу масалада мутасаддилар билан ҳам-жиҳатда иш олиб боряпмиз. Бундан ташқари, Президентимизнинг беш ташаббуслари доирасида маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қараяпмиз. Шу кунга қадар маҳалла ҳудудида кутубхона, спорт тўғрисидаги фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳозирда тикувчилик тармоғи ташкил этиш борасида иш олиб боряпмиз.

Шавкат Мирзиёев Японияга боради.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг май ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоллари) сайловида 9093 нафар номзод демократик тамойиллар асосида ушбу лавозимга сайланди. Шу кунларда уларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув-семинарлар барча ҳудудларда давом этмоқда. Хўш, бу тадбирлар янги маҳалла раисларига нима берапти? Семинарларда қандай масалалар ўртага ташланипти? Муаммолар ечими қай йўсинда ҳал этилмоқда? Иштирокчиларнинг айтиш саволларга доир жавоблари билан қизиқдик.

Ҳар бир раис йиғин етакчисига айланиши шарт

АХИЛ ЖАМОА УЧУН ОҚИЛОНА БОШҚАРУВ КЕРАК

Момосулов БЕРДИҚУЛОВА,
Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидаги «Чирокчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:



— Бугунги шиддатли даврда ахил жамоани шакллантириш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, бандликка кўмаклашиш, одамларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ва сафарбар этиш орқали фуқаролар йиғинларидаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳар биримиздан етакчилик маҳоратини пухта эгаллашни талаб этади. Шу боис Яқкабоғ ва Чирокчи тумани маҳалла раислари учун ташкил этилган ўқув-семинар давомида ўз билимимизни янада мустаҳкамладик.

Машғулотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, ижтимоий соҳаларга ажратилаётган бюджет ва ҳомийлик маблағларини мақсади ишлатиш юзасидан янги ғоялар, ташаббуслар ҳақида тўлиқ тушунчаларга эга бўлдик.

Бундан бундан олган билим ва кўникмаларимизни амалиётга астойдил татбиқ қилишга киришамиз. Менинг олдимга қўйган биринчи галдаги мақсадим — маҳаллада кутубхона, ўқув зали ва спорт тўғрисидаги очилди. Қолаверса, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ва кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича эътиборни янада кучайтиришга ҳаракат қиламиз.

ҲАҚИҚИЙ РАИСЛИКНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КАТТА ЭКАН



Панжи САИДОВ,
Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Оби» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бугун ўзимни том маънода ҳақиқий маҳалла раиси сифатида ҳис қилман. Менга ана шундай ишончни, ғайрат-шижоатни, бир ҳудуднинг етак-

чиси, одамларнинг дарду ташвиши билан яшовчи инсон қандай сифатларга, билимларга эга бўлиши кераклигини минтақавий ўқув-семинарлари кўрсатиб берди.

Очиғи, 2011 йилдан бундан олган раиси лавозимида ишлаб келаётган бўлсам-да, ўқув-семинарларининг бу қадар очик мулоқот, эркин фикрлашув, ўзаро тажриба алмашиш майдонига айлантирилиши қизғин эдим. Шу ўринда бизга дарс бераётган мутахассисларни танлашда уларнинг касбий қобилияти, иш тажрибаси, билими, дунёқараши алоҳида эътиборга олинганини ҳам таъкидлашни истардим. Сабаби, улар мав-

зуларни бизга халқчил, тушунарли шаклда, қизиқarli усуллардан фойдаланган ҳолда етакчилик бераётгани, бу ҳам ҳар бир мавзунини, ҳар бир бандни кенгрок тушунишимизга замин ҳозирлаётган.

Семинарда олган билимларимизни энди маҳалламизга борганда кенг тарғиб қиламиз. Ўқув дастурларидан жой олган ҳар бир бандни, ҳар бир мавзунини яна бир бор чуқур ўрганиб, уларни маҳаллалар фаолиятига кенг татбиқ этиш, шу орқали фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, маҳаллани том маънода халқчил тузилмага айлантиришга ҳаракат қиламиз.

ХАЛҚ ДАРДИ, МУАММОЛАРИ БИЛАН ЯШАЙДИГАН ФУРСАТ ЕТДИ



Донохон МАМАЖОНОВА,
Фарғона шаҳар «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:


— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ташкил этилган ўқув-семинар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Айниқса, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти бобма-боб, модда-модда кўриб чиқилгани янги раислар учун ушбу қонунда маҳалла фуқаролар йиғини қандай тузилма эканлиги, унинг фаолиятига доир ваколат ва мажбуриятлари ҳақидаги саволларга тўлақонли жавоб олишига ёрдам берди.

Бугун маҳалла фуқаролар йиғинимизда 4 минг 685 нафардан ортиқ аҳоли умргузаронлиқ қилмоқда. Ҳар бир оиланинг ўзига хос яшаш тарзи, муаммолари бор. Ўқув-семинарда ана шундай ҳолатларда қандай иш олиб бориш, қайси қонун нормаларига суяниш, жамоатчилик назоратининг амалий иш фаолиятини тўғри йўлга солиш муҳим вазифалар эканлигини англадик. Фаолиятимизнинг яна бир муҳим жиҳати аҳоли муносабатлари билан қонун доирасида иш олиб бориш. Тўғриси айтганда, шу пайга қадар бу борадаги ишлар расмийлик ва ҳисобот учун олиб борилад эди. Қувонарлиси, ўқув-семинарда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонун нормалари ҳақида малакали мутахассислар ёдамида амалий машғулотлар олиб бориладигани биз учун анчайин фойдали бўлди. Шу боис ўтказилган семинардан сўнг ўзимни маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида самарали фаолият олиб боришга тайёр деб ҳисоблайман.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз биз, маҳалла раисларининг самарали фаолият олиб боришимиз учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган экан, бу ғамхўрликка муносиб жавоб кайтаришимиз, маҳаллани энг халқчил тузилмага айлантиришдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшимиз зарур.

ФАОЛИЯТДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖИХАТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мустафакул ТЎРАЕВ,
Мирзабод туманидаги «Мирзачўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:



— Жорий йилнинг май ойида ўтказилган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида маҳалладошларим менга ишонч билдириб, раис сифатида қайта сайланди. Фаолиятимда ўзгариш қилишга, халқка кўпроқ наф келтиришда менга Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши мутахассислари томонидан фуқаролар йиғинлари раисларининг малакасини ошириш бўйича ўтказилган ҳудудий ўқув-семинари катта ёрдам берди.

Семинарда таъкидланганидек, ҳеч бир муаммо эътиборсиз қолмаслиги лозим. Энг муҳими, аҳолини қийнаётган масалалар бевосита уйма-уй юриб, кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқишни жорий этиш орқали самарадорликка эришиш мумкин. Бу эса нафақат маҳалла раиси, балки фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги жамоатчилик комиссияларидан ҳам фаоллиқни талаб этади. Уларга нафақат муаммоларни кўтариб чиқиш, балки баргараф қилишда бевосита иштирок этиш, рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш сингари ваколатлар берилгани соҳадаги муаммоларга ижобий счим топишда қўл келиши шубҳасиз.

Рецепт асосида бериладиган дориларни электрон тижорат орқали сотиш тақиқланди.

Сайлов кодекси тасдиқланди. Нималар ўзгарди?

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Оила, Меҳнат, Уй-жой, Бюджет, Божхона каби 17 та кодекс амал қилмоқда. Ушбу кодекслар жамиятдаги муҳим ижтимоий муносабатларни батафсил ҳуқуқий тартибга солиш учун қабул қилинган.

Бугунги кунга қадар парламент томонидан 900 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган бўлса, уларнинг 17 таси шундай кодекслардир. Кодекснинг жорий қонундан фарқи шундаки, у муайян соҳадаги муносабатларни мантиқий изчиликда ва батафсил тартибга солиди. Айрим йўналишларда қонун ҳужжатлари кўпайиб кетганда, улар жамланиб, кодекслаштирилади.

Жорий йилнинг 25 июнь куни 18-кодекс, яъни Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Ушбу кодекс орқали жамиятдаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланган — сайловларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Келажакда ушбу Сайлов кодекси ҳозирда амалда бўлган бешта сайловларга оид қонунлар, яъни «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларнинг ўрнига амал қилади.

Юқорида кайд этилган бешта қонунда мавжуд 180 та моддадаги айрим тақрорлашлар бартараф этилгани ҳолда 103 та моддага жамланди. Бу фуқароларга қўлайлик яратди, яъни аввалги бешта қонуннинг ўрнига барча сайлов жараёнларида битта кодексдан фойдаланилади.

Юқоридаги фикрларга таяниб, «факат бешта қонундаги нормалар жамланиб, битта кодекс шаклига келтирилибди-да, шунинг нимаси янгилик?!» деган фикрга бормаслик лозим. Чунки ушбу кодекс орқали сайлов тизимини янада демакратлаштиришга оид ўндан ортиқ ўта муҳим янгиликлар ҳам жорий этилди.

Янги кодексдаги асосий янгиликлар нималардан иборат:

Биринчидан, Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти

чиқариб ташланмоқда. Бунда Қонунчилик палатасида амалдаги депутатлик ўринлари (150 ўрин) саклаб қолинади. Мазкур масала доимо сайловларни кузатувчи ва унга баҳо берувчи халқаро ташкилотларнинг эътирозига сабаб бўлар эди. Чунки халқаро сайлов стандартларида икки палатали парламентда унинг ҳеч бўлмаса, битта палатаси юз фоиз умумхалқ сайловлари асосида шаклланиши лозим, деган норма мавжуд. Ушбу янгилик Сайлов кодексини халқаро мезонларга мослигини таъминлайди.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинмоқда. Ҳозирга қадар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эди. Бу сайловларда кўплаб муаммоларни, аҳоли эътирозларини келтириб чиқарди. Жамиятда сиёсий партиялар ролини янада қўлайлаштириш учун бундан кейин барча вакиллик органларига факатгина сиёсий партиялар томонидан номзод кўрсатиш амалиёти кенгайтирилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби қонун билан тартибга солинади. Бу миллий сайлов тизими учун мутлақо янги амалиёт бўлиб, келгусида юртимизда сайловчиларнинг электрон рўйхати шакллантирилади. Бу орқали сайловчиларнинг аниқ ҳисобини юритиш, уларнинг сайлов жараёнларида иштирокида қўлайлик яратилади. Сайловчилар рўйхатига кирмай қолганда юзага келадиган сарсонгарчиликларнинг олди олинади. Масалан, фуқаронинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойлари ўзгарганда ҳам уларни электрон рўйхатдан тезда топиш ва расмийлаштириш имкони юзага келади.

Тўртинчидан, муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов кунини овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенининг жорий этиш орқали («сайлов varaқаси» тушунчаси чиқариб ташланди. Бу «сайлов бюллетени» ва «сайлов varaқаси» каби тушунчаларнинг талқин этиш-

Келажакда ушбу Сайлов кодекси ҳозирда амалда бўлган бешта сайловларга оид қонунлар, яъни «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларнинг ўрнига амал қилади.

даги баъзи янгилишларнинг олдини олади.

Бешинчидан, илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиб, бу масалани қонун даражасида белгилаш амалиёти жорий этилмоқда. Ҳозирга қадар Сенат аъзолари Низом асосида сайланган. Улар, аввало, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат сифатида Қонун асосида сайланиб, Сенатга Низом асосида сайланиши турли эътирозларга сабаб бўлар эди. Ушбу янгилик юқоридаги каби муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Олтинчидан, ижтимоий ҳаффи қатта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланмоқда. Ҳозирги кунда бундай тоифадаги маҳкумлар сони 2300 нафарни ташкил этмоқда. Бу орқали кўпроқ эҳтиётсизлик орқали жиноят содир этган шахсларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш назарда тутилган.

Еттинчидан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 3 дан 5 кишигача қўпайтириш назарда тутилмоқда. Бу вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Саккизинчидан, номзодлар



ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатларини сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланиши тартиби белгиланмоқда. Бу ҳам жуда муҳим янгилик бўлиб, сайловдаги ташвиқотини самарали ташкил этилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўққизинчидан, сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир неча номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Ўнинчидан, овоз бериш жараёнида сайловчиларга бир неча белгилардан (+, √, X) бирини қўйиш имконияти берилди.

Сайлов кодекси асосида бир қатор янгиликлар ҳам амалга жорий этилади

— сайлов участкасида овозларни санаб баённомасининг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгиланмоқда;

— овоз бериш тугатилган кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар (овозларни санаб чиқиш, баённома тузиш ва бошқа) кўрсатилмоқда;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш тартиби белгиланмоқда;

— сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган максимал четга чиқиши 10 фоиздан ошмаслиги шарти белгиланмоқда;

— Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда ягона сайлов участкаларини тузиш назарда тутилмоқда.

— сайлов комиссияси аъзолари учун янги талаблар ўрнатилмоқда. Бунда номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек,

номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда;

— сайловчилар рўйхатига ўзгаришлар киритиш сайловга уч кун қолганида тўхтатилиши белгиланмоқда;

— муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугатиш белгиланмоқда (олдинги 1 кун ўрнига);

— сиёсий партиянинг у ёки бу шахсни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан 15 кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ўрнатилмоқда;

— ташвиқот ишларини бошлашда барча номзодлар учун ягона муддат, яъни уларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан эътиборан бошланиши кўрсатилмоқда;

— сайлов кунини ва овоз бериш бошланишидан 1 кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш таққиланмоқда;

— сайловларни ўтказиш ёки ташкил этишнинг бошқа масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартиби киритилди.

Бундан ташқари, қонун билан юқорида кайд этилган бешта қонунларни ҳамда уларга кейинчалик киритилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчаларни киритган қонунлар ўз кучини йўқотган деб топиш таклиф этилмоқда.

Умуман, мазкур янги Сайлов кодексининг амалга киритилиши жамият ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловларнинг адолатли ўтказилишига, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини замонавий қонунлар асосида кафолатлашга замин яратди.

Шўхрат ЯКУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Юксак марраларга ундаган рағбат

ЁШЛАР КУНИНИ НАФАҚАТ ЮРТИМИЗДАГИ, ҲАТТО ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ҲАМ ЎЗИГА ХОС БАЙРАМ СИФАТИДА НИШОНЛАДИ



Тургун
ҚИРГИЗБОВ,
Фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш
органлари фаолияти-
ни мувофиқлашти-
риш бўйича Респуб-
лика кенгаши раиси
ўринбосари.



Йигит-кизлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, имкониятлар эшиги кенг очилган. Бунга жавобан ёшларимиз ҳам билим ва салоҳияти билан нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсида ўзларини намойён этаётир.

Рости, юртимизда байрамлар кўп, бироқ шу вақтгача ёшларга бағишланган алоҳида байрам йўқ эди. Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 30 июнь кун «Қамолот» ЁИХнинг IV қурултойида сўзлаган нутқида аини ҳолатга эътибор қаратиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун — 30 июнь санасини мамлакатимизда **Ёшлар кун**и сифатида нишонлашни таклиф этди.

Мазкур ташаббус мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий ифодаси бўлди. 30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини эътиб белгилангани фарзандларимиз учун ўзига хос қувончли байрам бўлиши билан бирга, уларни янги, юксак марраларга қорловчи бекиёс рағбат ҳамдир. Бу жиҳатлар ўтган икки йил давомида ўз тасдиғини топиб улгурди.

Жумладан, Ёшлар кунини мамлакатдаги барча ёшлар учун чинакам байрамга айланди. Бу куннинг нафақат юртимиздаги, ҳатто чет эллардаги ўзбек ёшлари ҳам ўзига хос байрам сифатида нишонлашига эришилди. Байрам қайфияти маҳаллалар, касалхоналар, ҳарбий қисмлар, завод-фабрикалар, давлат ташкилотлари, хатто жазони ижро этиш муассасаларига қадар кириб борди. Бу кун муносабати билан ҳукумат аъзолари, расмийлар, мутахассислар ва, албатта, ёшлар вакиллари иштирокида турли учрашувлар ташкил

этилиб, ёшларга оид муаммолар юзасидан фикр алмашиш, ечим ва таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

«Маҳалла — ҳам ота, ҳам она»

Ёшлар ҳақида сўз юритганда, уларнинг келажаги кўп жиҳатдан оила ва маҳалла муҳитига боғлиқ экани ойдинлашади. Чунки бола шу масканда дўстлар орттиради, фикрлашни, борлиққа ўз нигоҳлари билан қарашни ўрганади. Шу далилларнинг ўзбек тарбияда маҳалланинг ўрни нечоғли баян ва қимматли эканини кўрсатади. «Маҳалла — тарбия ўчоғи», «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» каби пурмаъно маталларнинг асрлар давомида яшаб келаётганининг боиси ҳам шундан.

Бугун Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ва маҳалла раисларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари йигит-кизлар билан самарали ишлашда ўз тажрибаларига эга бўлиб улгурди. Маҳаллалардаги Вояга етмаганлар, спорт ва ёшлар масалалари бўйича комиссиялар эса уларга ҳар жабҳада қўмақдошу маслакдош.

Қандай лойиҳа ва ташаббуслар илгари сурилмоқда?

Йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, янада жонлантириш масақлида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши янги лойиҳа ва ташаббусларга қўл урмоқда. Чунончи, илгор иш тажрибаларини аммаллаштириш мақсадида «Ёшлар билан ишловчи энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» кўрик-танлов ташкил этилди. Якунига етган вилоят босқичларида энг яхши тажрибалар сарала олдинди ва оммалаштириладиган бўлди.

«Мен ўқиган китоб» кўрик-танлови эса минглаб китобсевар ёшларни бир ерда жамлаб, ўзаро дўстлашиши, фикр алмашиши, пиروварида мутлоага кизиқишини оширишга хизмат қилляпти. Спортнинг 7 тури бўйича маҳалла ёшлари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган спорт ўйинлари янги иқтидор эгаларини кашф қилишда аини мўлдоо бўлаётир. «Менинг шажарам» акцияси, «Маҳаллада ёшлар билан мулоқот» тадбирларида ёш авлодни ўйлантираётган муаммолар ўрганилмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган беғта ташаббус доирасидаги тадбирлар эса ёшлар ҳаётидаги яна бир катта воқеалик бўлди. Ана шу муҳим ташаб-

бусларни ҳаётга самарали тағбиқ этишда нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари, балки ота-оналар ҳам фаоллик кўрсатишлари шарт. Сирасини айтганда, мақсад ва вазифалар аниқ бўлсагина ишда самара бўлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшлар муаммоси — барчамизнинг муаммоси, агарда биз бир ёкадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, юксак марраларга эришишимизга шубҳа йўқ.

Ҳаракат ва мақсадинг борми, барча имкониятлар эшиги очиқ



Сарвиноз ШОКИРОВА,
Сирдарё вилояти Гулистон
шаҳридаги «Сарвиноз
Собиоровна файз» фермер
хўжалиги раҳбари:

— Дадамнинг айтишича, бир пайтлар аёл кишининг фермерлик фаолияти билан шугулланиши ғайриоддий ҳодисадек туюлар экан. Аммо шижоат ва қучли истак мени ер билан тиллашишга ундади. Аини пайтда пахта, ғалла, пилла етиштириш билан бирга, боғдорчилик билан ҳам шугулланаман.

Биласизми, 2017 йилнинг 30 июнь санаси бир умр ёдимдан чиқмайди. Шу кунни пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида ўтказилган тарихий анжуманда бевосита иштирок этиш баробарида, давлатимиз раҳбарига ўзим каби ёш фермерларни техника воситалари билан таъминлашда амалий ёрдам зарурлигини билдирдим. Таклифим шу қундаёқ қўллаб-қувватланди: тадбирдан ўйимизга етиб келмасимданок даламизга бир эмас, иккита трактор келтириб қўйилди. Бундай юксак эъзоз туфайли қўшқанотга эга бўлдим, десам, муболага бўлмайди.

«Ёшлар кунини» эса икки йилдан буён катта-катта марралар, улкан ютуқлар билан кутиб оляйман. Бу йил ҳам шундай бўлди — фермер хўжалигимиз давлат режаларини орғиги билан бажарди.

Шу юрт фарзанди эканимдан фахрланаман. Зеро, ҳеч бир давлатда ёшларга бу қадар эътибор қаратилмайди. Бизда иқтидор буй кўрсатса бас, қўмакка шай қўллар бисёр. Ҳаракат, интилиш, мақсадинг борми, бўлди, барча имкониятлар эшиги очик. Буни ўз ҳаётим мисолида кўриб, амин бўлиб турибман.

Аслида ёшликнинг ҳар бир фасл-мавсуми, олдими ва нафасида бир-бирини такрорламайдиган шижоат, иштиёқ уфуриб туради. Шунинг учун бўлса керак, инсон умр дафтарининг бу саҳифалари рангоранг битилади. Хотиралар эсланганда қайта-қайта ўқилади...

Юксак марраларга қорловчи бекиёс рағбат

Дунё аҳолисининг қарийб 20 фоизини ёшлар ташкил қилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади. Юртимизда

Янги марралар сари интилиш даври



Қамолжон АЛИКОВ,
Самарқанд вилояти
Самарқанд шаҳридаги
«Регистон Қамолжон» ху-
сусий қорхонаси раҳбари:

— Давлатимизнинг биз, ёшларга ғамхўрлигини ҳар кунини ўз ҳаётим мисолида хис қиламан. Такдир тақозоси билан 12 ёшимда ота-онамдан айрилдим ва бемор холам қарамоғида қолдим. 8-синфда ўқиётганимда қандолат махсусотлари ишлаб чиқарувчи цехда ун қорувчи бўлиб ишлай бошладим. Мактабни татомлаб, коллежга ўқишга кирдим, аммо у ерда ҳам тўлақонли таълим олишга имконим бўлмади, ишлашга мажбур эдим. Очғни, қандолат цехида кўп нарсаларни ўргандим, муҳими, ўз бизнесимни бошлаш нияти тугилди.

Ниҳоят, илк қадам ҳам ташланди — кредит олиш ҳаракатига тушдим. Бунда энг катта қўмакни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи берди — менга тадбиркорликни бошлаш учун бино ва имтиёзли кредит ажратилди. Бундай имкониятдан фойдаланиб, қисқа фурсатда ширинликлар ишлаб чиқарувчи «Registon Kamoljon» хусусий қорхонасини очдим, унга яқин тенгдошимни иш билан таъминладим.

Мамлакатимизда 30 июнь — «Ёшлар кун»и сифатида нишонланаётгани жамиятда келажагимиз ворисларининг ўрни нечоғли юксак эканининг ифодасидир. Баралла айтсаманки, йигит-кизлар ҳаётида қайта уйғониш, дунёга ўзгача нигоҳ билан қўқиш, янги марралар сари интилиш даври бошланди. Президентимиз ана шундай эзгу амаллар сари қорловчи экан, нега биз, ёшлар бор қучимиз билан олдинга интилмаслигимиз керак?! Сўз берамизки, ҳамиша жамиятнинг олдинги сафида борамиз. Мана шу юртининг, халқнинг фидойи фарзандлари эканимизни амалда кўрсатамиз.

Тошкент давлат юридик университетиде янги магистратура йўналиши очилади.

«Yoshlar – kelajagimiz»: келажак бугундан бошланади


БИРОҚ БИЗНЕС-ЛОЙИХАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА МОЛИЯЛАШТИРИЛМАЯПТИ

Пешку тумани Бухоро вилоятининг бошқа ҳудудларига нисбатан саноати кам тараққий этган масканларидан бири ҳисобланади. Шу боис куни кеча — Ёшлар куни арафасида туманнинг «Навбахор» маҳалласида фаолият бошлаган янги корхона туман ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди.

— «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси туман филиалидан олинган 300 млн. сўм кредит эвазига қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этдик, — дейди ёш тадбиркор Бекзод Алиев. — Ишлаб чиқариш усулларини Хитойдан харид қилганимиз. Ҳозирча корхонамизда 7 нафар киши меҳнат қилаяпти. Яна бир ойдан сўнг улар сонини икки баробарга кўпайтирмақчимиз.

Мутахассисларнинг фикрича, «Best Builder» ёрлиғи остида тақдим этилаётган шпаклёвка, гипс, родбан, эмульсия, шунингдек, қурилиш жараёнида ишлатиладиган етти турдаги елимлар сифати бугун бозорларимизни эгаллаган маҳаллий ва импорт маҳсулотлари билан тенгма-тенг рақобатлаша олади. Нархи ҳам бирмунча арзон. Масалан, бозорда ўн килограммли копчадаги қурилган шпаклёвка 25-30 минг сўм атрофида бўлса, «Best Builder»нинг ушбу турдаги маҳсулоти 18 минг сўмдан тақдим этилмоқда.

— Туманимиз ерлари қатрида қурилиш-боп фойдалани қазилмалар сероб, — дейди тадбиркор. — Ҳисоблаб кўрсам нафқатдан ганч, балки гранит ва бошқа хомашёлардан икки юз турга яқин қурилиш маҳсулотлари тайёрлаш имкони мавжуд экан. Бу эса тадбиркорлар учун янги синов



ва даромад, жамият учун эса иш ўрни манбаидир.

«Yoshlar — kelajagimiz» дастури доирасида Ёшлар кунида ишга туширилган аҳамиятли лойиҳалардан яна бири Шофиркон тумани Чандир кишлоғидаги «Ёшлар меҳнат гузари»дир.

Тадбиркор Ҳаётжон Очилов томонидан тижорат банкининг 300 миллион сўмлик кредити кўмағида қуриб битказилган мазкур замонавий иншоотда барча қулайликлар яратилган. Бу ерда 6 та хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, 20 та янги иш ўрни яратилди.

Гузарда минимаркет, полик-чехол тикиш устaxonаси, тикув цехи, гўзаллик салони каби ёшлар учун зарур савдо, маданий-маърифий, маиший хизматлар кўрсатилади.

Умуман, «Yoshlar — kelajagimiz» дастури бугун ёшларимиз орасида умидли тадбиркорларни рўёбга чиқариш, улар ишжояти ва интилишларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, ўтган йили жамғарма кафилиги остида банкининг 290 миллион сўмлик кредити эвазига иш бошлаган Азизбек Нарзуллаевнинг салқин ва минерал ичимликлар ишлаб чиқариш лойиҳасига кўпчилик умидсизлик билан қараган эди. Ахир, шундоқ ҳам маҳсулотлар билан тўлиб-тошган салқин

ичимликлар бозоридан жой олишнинг ўзи бўладими?! Аммо 25 ёшли тадбиркор буни уйдалади. Ўтган бир йил ичида маҳсулотлари ички бозорни тўлдирибгина қолмай, қўшни Қозғистонга ҳам экспорт қилина бошланди.

Айни пайтда 15 нафар тенгқурларини иш билан таъминлаган Азизбек келусида сутни қайта ишлаш лойиҳасини ҳам ишга туширишни режалаштирган.

Ракамлар нима дейди?

— «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаби юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган, — дейди жамғарма Бухоро шаҳар филиали раҳбари, вилоят координатори Шерзод Раҳмонов. — Ўтган 2018 йил давомида 259 нафар ёшларнинг 24 миллиард 8 миллион сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб, 1 477 та янги иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайлида 114 нафар ёш тадбиркорга 23 миллиард 74 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди ҳамда 790 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йил якунига қадар дастур доирасида 383 нафар ёшнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун 87 миллиард 965 миллион (шундан, «Халк банки» 27,045 млрд. сўм, Ташки иқтисодий фаолият «Ўзмилийбанк» 42,231 млрд. сўм ва «Ҳамкорбанк» 18,689 млрд.) сўм имтиёзли кредит ажратилиши орқали 2779 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, дастур шарофати билан жойларда ёшларга тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва бизнес муҳитини таъминлаш мақсадида вилоят қоворқинг маркази ҳамда Когон шаҳри, Вобекент, Пешку, Шофиркон, Олот туманларида сартарошхона, тикувчилик, гўзаллик салони, умумий овқатланиш хизмати ҳамда миллий ширинликлар ишлаб чиқариш цехини ўз ичига жамлаган «Ёшлар меҳнат гузарлари» комплекслари фойдаланишга топширилди.

Ёшлар тадбиркорлигига ҳамма ҳам хайрихоҳми?

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси бугун ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз ишини бошлашда сармоя ажратишга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этаётганини юқоридаги мисоллар орқали ҳам кўрдик.

Аммо дастур доирасида режалаштирилган баъзи лойиҳаларнинг амалга оширилмаганилиги, ёшлар орасида ўз бизнес-лойиҳаларини амалда татбиқ этишда банк ва бошқа ташкилотлар томонидан бюрократик тўсқинликка учраганилиги ҳақидаги мурожаатларнинг қайд этилиши «ёшлар тадбиркорлигига ҳамма ҳам хайрихоҳми?» деган саволни келтириб чиқармоқда.

Масалан, ракамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2018 йилда вилоятда 24 лойиҳага 5,573 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш белгиланган эди. Аммо амалда 3,152 млрд. сўм эвазига 16 та (8 та кам!) лойиҳа молиялаштирилди.

2019 йил ҳам яримлаганига қарамай, жорий йилда режадагига нисбатан 30 фойз лойиҳага кредитлар йўналтирилган. Банклар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, «Ҳамкорбанк» томонидан 58 та лойиҳадан 16 тасига (28 фойз), «Миллий банк» томонидан 206 та лойиҳадан 49 тасига (24 фойз) кредит ажратилган, ҳоло, Бу борада фақатгина «Халк банки»нинг ярим йилликдаги кўрсаткичларини қоникларни дейиш мумкин: 119 та лойиҳадан 49 таси (41 фойз) молиялаштирилган.

— Бу борада масаланинг икки жиҳатини кўрсатиш жоиз, — дейди «Ҳамкорбанк» Бухоро вилояти бўлими маъсул ходими Асидбек Ибрагимов. — Биринчидан, лойиҳа ташаббускорлари тегишли ҳужжатларни тўлиқлигича тақдим эта олишмаяпти. Иккинчи жиҳати эса маблаг масаласига бориб тақаллади. Айни пайтда бошқа лойиҳаларни ҳам молиялаштириш учун биз «Ҳамкорбанк» республика бошқарувида мурожаат қилганимиз. Ресурс ажратилиши билан қолган лойиҳаларга ҳам кредит бериш бошланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Yoshlar — kelajagimiz» дастури фақатгина ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш эмас, балки эртанги бизнесимиз таянчларини бугундан тарбиялаб бориш, мамлакатда босқичма-босқич кучли тадбиркорлик муҳитини ҳам яратишдир. Бугун айрим сансалорлик ва бюрократик тўсиқлар вақидан тадбиркорликка нисбатан ишғеки сўнган ёшларимиздан биз эртага қандай иқтисодий жасорат ва муваффақиятни кутамиз.

Яна бир жиҳатини унутмайлик, бугун кредит сўраб эшигимиз олдида турган ёш тадбиркор яна 20-30 йилдан сўнг бизнинг нафақа пулларимизни шакллантирувчи солиқ тўловчи бўлади. Демакки, эртага нафақамиз миқдори ҳам, ўз вақтида етказилиши ҳам уларнинг бугун қай даражада бизнес муҳитига қиришиб кетини, ушбу жараёнда бизнинг қўллаб-қувватлашимизга боғлиқ.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Жамғармадан қандай тартибда кредит олиш мумкин?



— «Хар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича кредит олиш борасида маҳалламизга мурожаат этганимизда биз, ёшлар учун «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси томонидан ажратиладиган кредитлар қулайлиги ҳақида маслаҳат беришди. Айтинг-чи, ушбу жамғарма кредитлари ва маблағларидан фойдаланиш қандай тартиб ва шартларда амалга оширилади?

Бекзод ҲАЛИМОВ.
Бухоро шаҳри.

Маъруф САМАДОВ,
«Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси Бухоро шаҳар филиали бош мутахассиси:

— Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси маблағларидан ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали

йиллик 7 фойз («Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида 8 фойз) ставка билан имтиёзли кредит ва молликни лизингга олиш мумкин.

Жамғарма «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастуридан ўзини олган лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит ҳажмининг тенг ярмиси миқдоридаги тўловларни амалга оширишда қайил бўлади. Давлат дастурида белгиланган бизнес-лойиҳасини амалга оширишда лойиҳа ташаббускорларининг хоҳишига кўра, ҳам маблағ, ҳам иш юритиш нуктаи назардан, 50 фойзгача бўлган улушга эғалик қилади. Кейинчалик ушбу улуш босқичма-босқич лойиҳа ташаббускори ихтиёрига ўтказилади.

Шунингдек, уй шароитида меҳнат қилаётган ёшларга 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиш ва кейинчалик реализация қилишда кўмаклашади.

Бошқарув компаниялари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнини эгаллашди.

Ислохотлар аҳоли манфаатларига хизмат қилмоқда...(ми?)

Давлат солиқ қўмитаси берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 июлида онлайн назорат-касса машиналари бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган тажриба лойиҳаси якунига етказилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 февралдаги «Тошкент шаҳрида онлайн назорат-касса машиналарини қўллаш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан амалиётга татбиқ этилди.



дан сўнггина амалга оширилган савдо ҳақида хабардор бўлинган. Онлайн НКМ тизимини жорий қилиш солиқ органлари томонидан тўлиқ назоратга олиниши ва бу бизнес ҳамда солиқ органлари ўртасидаги муносабатларнинг ошкоролиги учун муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, онлайн НКМнинг ўрнатилиши туфайли тадбиркорлар нақд пул тушуми мажбуриятдан халос бўлиб, пулни ўзлари истаганча назорат қилиши, у орқали фаолиятини янада ривожлантириши мумкин бўлади.

Энди чекнинг қоғоз нусхасини сақлаб юришга ҳожат йўқ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш ҳамда пул тушумлари устидан жамоат назоратини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилди. Ушбу ҳужжатда ҳам савдо шохобчалари эгалари, ҳам харидорлар учун қатор имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, фармонда ҳар бир

касса учун онлайн НКМ харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар тадбиркорлик субъектларининг фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ёки қатъий белгиланган солиқ тўлови ҳисобидан, бироқ тўлов муддатиде амалда бўлган меҳнат-га ҳақ тўлашни энг кам миқдорнинг 10 бараваридан ошмаган миқдорда қамайитирилиши тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, соҳадаги ислохотларни янада жаддаллаштириш мақсадида қабул қилиниши кутилаётган янги фармонга мувофиқ, харидорлар онлайн НКМ орқали берилган чеклар ҳақиқийлигини мобил қурилмалар ёрдамида QR-кодни аниқлаш дастури орқали текшириб олиши мумкин. Бу дастурларни аҳоли «App Store» ва «Google Play»дан bepul юклаб олиши имконига эга.

Бу амалиёт орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Сифатсиз ёки нуқсонли маҳсулотларни сотиб олган харидор уни қайтариб бериш имконига эга бўлади. Қолаверса, чекнинг қоғоз нусхасини сақлаб юриш талаб этилмайди. Маҳсулотнинг харид қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар ДСКнинг маълумотлар базасида ҳамда

харидорнинг мобил телефонида ишончли тарзда сақланади.

«Афсуски, одамларимизда савдо маданияти ҳали тўла шаклланмаган»

Юртимиз аҳолиси ўртасида солиқ маданиятини юксалтириш мақсадида турли интерактив ўйинлар ташкил қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқин ойларида чеклар бўйича ютуқли ўйинлар ўтказиш кўзда тутилган. Бундай ютуқли ўйинлар иштирокчиси бўлиш учун SOLIQ мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Ютуқли ўйинлар ўтказилишидан аввал кенг жамоатчиликка эълон қилинади ва унинг омади иштирокчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

— Чет элда ўқиб юрган кезларим қизиқ воқеа бўлганди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими раҳбари Музаффар Назаров. — Бир кун и дарсдан чиқиб, олийгоҳимиз яқинидаги дўкандан тезпишар егулик харид қилиб, кетаётсам, маҳаллий ҳокимият вакили мени тўхтаптиб, маҳсулот чекини талаб қилди. Унга чек олмасангизми, шойиб кетаётганлигини айтганимда, қатъий ўртасида «Сиз олган ҳар бир маҳсулотингиз учун сотувчидан чек талаб қилишингиз шарт. Агар бундай қилмасангиз, унинг ноқонуний ҳаракатида шерик ҳисобланасиз» деганди. Ўшандан кейин ҳамма жойида харид чекини олишга эътибор қиладиган бўлдим. Афсуски, юртимиз аҳолиси ўртасида савдо маданиятини кўнгалдагидек деб бўлмайди. Тан олайлик, баъзан бирор нима харид қилиш учун савдо дўконига кирсак, чек талаб қилишни унутамиз ёки ишонччи хоҳламаймиз. Аслида бу эътиборсизлигимиз туфайли қимнингидир ноқонуний фаолият юритишига кўмак бераётганлигини ҳаётимизга ҳам келтирмаймиз. Ўйлайманки, тизимга жорий этилаётган янги лойиҳа аҳолининг савдо маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

«Ишонч телефони» ишончлими?

«Ишонч телефони» — фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита. Эътиборлиси, тизимда йўлга қўйилган бундай мулоқот усули аҳоли муносабатларини атрофича ўрганиш ва уларга тегишли ечим топишда қўл келмоқда.

Биргина Тошкент шаҳар давлат солиқ органлари «Ишонч телефони»га 2019 йилнинг 1 июлига қадар жисмоний ва юридик шахслардан жами 262 та мурожаат келиб тушган. Тахлилларга кўра, 115 та мурожаат назорат касса машинаси чеки бермаслик, 33 таси савдо ва хизмат кўрсатиш

шохобчаларида тўлов терминаллари ишламаётганлиги, 8 таси тегишли ҳужжатсиз маҳсулотлар сотиш ва 106 таси бошқа қонун бузилиш ҳолатлари билан боғлиқ.

Мисол учун, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси «Ишонч телефони»га келиб тушган мурожаатда пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани Шерозий кўчасидаги умумий овқатланиш шохобчасида харид чеки берилмаганлиги айтилган. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган назорат тадбири давомида ошхона ҳисобчиси Турғун Алимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мижозга 18 минг сўмга харид чеки бермаганлиги ҳамда қўнлик савдодан тушган 8 миллион 750,5 минг сўм нақд пулни назорат-касса машинаси хотирасига киритмагани аниқланди.

Назорат тадбирида қорхона раҳбарлари билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, солиққа оид қонунчилик талаблари тушунтирилди.

Қишлоқдаги тадбиркорлар қанча солиқ тўлайди?

Ёдингизда бўлса, 2018 йил якунига қадар яқка тартибдаги тадбиркорлар(ЯТТ)нинг йиллик айланмаси 50 миллион сўм бўлгани, 5 миллиард сўмми, фарқи йўқ, агар фаолият тури ва жойлашган ери бир хил бўлса, бир хил ставкада қатъий белгиланган солиқ тўларди. Эътиборлиси, 2019 йил 1 январдан эса барча ЯТТ йиллик товар айланмасига қараб солиқ тўлаши белгиланди. ЯТТни қўллаб-қувватлаш, уларга бўлган солиқ юкни қамайитириш мақсадида қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 30-40 фоизга пасайтирилди.

— Сартарошлик фаолиятим учун 2018 йил ҳар ойида 86 минг 120 сўм миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлагандим, — дейди Фаргона вилояти Бағдод туманидан тадбиркор Валишер Иброҳимов. — Ҳозир эса солиқ ставкалари анча пасайган. Тўғриси, қишлоқ жойида фаолият олиб бораганимиз учун бу қўлайлик фаолиятимизни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Сўнги сўз ўрнида

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, юртимизда солиқ соҳасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилган экан, ушбу ҳаракатга бош қўшиб, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда ташаббус кўрсатиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлмоғи лозим. Зеро, очик-ошқора, адолатли ва рағбатлантирувчи солиқ сиёсати иқтисодиётимиз ривожининг муҳим асоси ҳамда халқимиз фаровонлигининг ишончли қафолатидир.

Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда
Саъдулло ТУРСУНОВ
тайёрлади.

37 млрд. сўмдан ортиқ товар айланмаси

2019 йил 22 июнь ҳолатига кўра, турли йўналишда фаолият олиб боровчи 175 дан ортиқ савдо шохобчаларида ихтиёрийлик асосида фискал модулга эга онлайн НКМлар ўрнатилиб, 80 мингдан ортиқ қабул қилинган харид чекларида жами 37 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги товар айланмаси қайд этилди.

— Онлайн назорат-касса машинасининг афзаллиги шундаки, аввалги касса апаратуридан фарқли ўлароқ, ушбу қурилмалар орқали реал вақт режимида харид чеклари ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий товар айланмаси ҳақидаги маълумотлар солиқ органларига юборилади, — дейди Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими давлат солиқ катта инспектори Акмал Назаров. — Эски услубдаги касса апаратуралари бўйича маълумотлар унинг ҳотирасида йиғилиб борган ва фақатгина жойларга келиб солиқ хизмати органлари томонидан маълумот олинган-

МЕНДА САВОЛ БОР...

Янгиликнинг афзалликлари нималардан иборат?



— Яқинда ҳўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизими юртимизнинг бир неча ҳудудида тажриба сифатида жорий этилгани ҳақида ўқиб қолдим. Айтингчи, ушбу лойиҳанинг афзалликлари нимадан иборат? У тадбиркорлар учун қандай қўлайликлар яратоми?

Шокир РАҲМАТОВ, тадбиркор.
Тошкент шаҳри.

Акмал НАЗАРОВ,

Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими давлат солиқ катта инспектори:

— Республика ҳудудида барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун 2019 йил 1 июлдан бошлаб ихтиёрий равишда, 2020 йил 1 январдан бошлаб эса мажбурий тартибда

ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизими кенг жорий этилади.

Айни пайтда нафақат тажриба ўтказилаётган 3 та ҳудуд — Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятлари, балки республикамизнинг барча ҳудудларида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварақ-фактураларнинг автоматлаштирилган тизимдан ихтиёрий равишда фойдаланиш бўйича қизиқиш билдирилмоқда.

Мазкур тизимнинг қўлайлиги шундаки, қорхонадан туриб контрагентларга (бошқа ташкилотларга) ҳисобварақ-фактураларни тезкор жўнатиш имконияти мавжуд. Бунинг учун электрон рақамли қалит ва интернетга уланган компьютер бўлса кифоя. Қолаверса, электрон ҳисобварақ-фактуралар керакли ҳужжатларни хавфсиз сақлаш ва тезкор топиш имконини беради, шунингдек, уни тўдириш вақтида ҚҚС бўйича ҳатолар ўтиб кетиш эҳтимолини пасайтиради.

Сирдарёда «Бизнес-акселератор» ўқув-амалий маркази ташкил этилди.

Куёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш керак

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН КЎПЛАБ ҚАРОР ВА ФАРМОНЛАР, ҚАТОР УЧРАШУВ ВА КЕНГАШЛАРДА АЙТИЛГАН ФИКРЛАРГА ҚАРАМАСДАН ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ҲАМОҲАНГ ЭМАСЛИГИ СЕЗИЛМОҚДА

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб яшаш учун курашнинг асосий омили энергия яратиш бўлиб келган. Дастлаб чақмоқ тошлар ёрдамида учкун чиқарилиб, ҳар хил эҳтиёжлар учун олов ҳосил қилинган бўлса, кейинчалик жамиятнинг ривожига энергия билан белгиланадиган бўлиб қолди. Бугунга келиб қайси мамлакатда электр энергияси кўпроқ ишлаб чиқилса, шу давлат жаҳон ҳамжамиятида устунлик қилишга даъвогар бўлмоқда.



Шундай экан, мамлакатимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Умуман, соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш қай тарзда кечаётир? Айни ҳусусда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Андижон давлат университети профессори **Сирожиддин Зайнобиддинов** билан суҳбатлашдик.

— Мамлакат истиқболи энергия таъминоти билан қамбарчас боғлиқ, — дейди **С.Зайнобиддинов**. — Шу боис Юртбошимиз Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, соҳа мутахассисларига 2030 йилгача санаот ва иқтисодиётимизнинг энергетик мустақиллигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб бердилар. Ҳусусан, Ўзбекистонда атом электр станцияси (АЭС) қуриш зарурияти вужудга келгани эътиборга олиниб, 1, 2 гига ватт қувватли 2 та блокни қуриш старт олди. Бундай АЭСнинг қурилиши мамлакатимизда айни пайтда фойдаланаётган электр энергияси учун 1 йилда сарфлаётган 15 млрд. куб метр газни ёки 4 млрд. тонна кўмирни тежаб, аввало, уларни экспорт қилиш ҳисобига каттагина даромад тўпланади.

Куёш сандони имкониятлари даражасида ишламаяпти

Олдимизга қўйган чора-тадбирнинг муваффақиятли бажарилиши яқин 8-10 йил ичида мамлакатимизда

йирик фотоэлектр станция ишга туширилишини ҳамда яримўтказгичлар ва электрон техника соҳасида олим ва мутахассислар катта гуруҳи пайдо бўлишини таъминлайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ЎзФАСида ҳозирда мавжуд, ноёб қурилма Куёш сандони (Тошкент вилояти Паркент туманида) имкониятлари даражасида ишламаяпти. Агар қурилма режалаштирилган вазибаларни бажариш даражасига чиқарилса, унинг ёрдамида космос ва ҳарбий технологиялар учун қимматбаҳо, қийин эрувчи моддалар олиш, Куёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида йирик мутахассислар тайёрлаш имкониятлари янада жадаллашган бўлар эди.

Мамлакатимиз физик олимлари томонидан халқ хўжалигида қўлланилиши мумкин бўлган кўплаб қурилмалар ва технологиялар яратилмоқдаки, уларни пайсалга солмасдан амалиётга жорий этиш катта иқтисодий самара берган бўларди.

Мисол учун, ЎзФАСининг Ядро физикаси институтида қишлоқ ва озик-овқат маҳсулотларига электрон тезлатгичлар ёрдамида ишлов бериш орқали уларни табиий сифатларини бузмаган ҳолда сакланиш муддатларини ва истеъмол сифатини яхшилаш имкониятини берувчи радиациявий ишлов бериш технологиялари ишлаб чиқилган. Ўрта қуввати 1 та электрон кучайтиргич бир йилда 15000 тонна маҳсулотта ишлов бериш имкониятига эга. Бундан ташқари, унинг ёрдамида 40000 метр куб ҳажмдаги медицина асбоблари ва фармацевтика ашёлари стерилизация қилиниши мумкин.

Ишлатилиши қулай, хавфсиз ва энергия тежамкор бундай қурилма йилига 1,8 млн. АҚШ долларигача самара келтириши билан бирга, айни соҳада илмий изланишлар олиб бориб диссертациялар тайёрлаш, атом ва ядро физикаси, электроника соҳаларида мутахассислар тайёрлаш имконини беради. Шундай битта тезлатгични Андижон давлат

университетига олиб берилса, вилоят халқ хўжалиги катта иқтисодий фойда кўради.

Кадрлар тайёрлаш даражаси қониқарсиз...

Маълумки, замонавий фан ва технологияларнинг ривожига микроэлектроника, электрон асбобсозликнинг бугунги босқичини таъминлади. Кейинги тараққиёт яна ҳам нозик 10⁻⁹м доираси ўлчамларидаги заррачалар билан ишловчи нанотехнологияларни вужудга келтирмоқда. Ҳозирги кунда нанотехнология электроника ва тиббиёт соҳаларида жадал қилиб бормоқда. Бундай технологиялар асосида яратилган асбоблар электрон асбоблар ишлаш тезликларини, сифатини, ўлчамларини миллионлаб марта яхшилашга мўлжалланган митти электрон қурилмалар инсон қон томирлари бўйлаб ҳаракатланиб, организмдаги ҳатто шикастланган ҳужайраларини топади, даволаш имконини беради. Улар ёрдамида нанометр қалинлигида найчалар ва тодалар олинмоқда, булар фан ва техника соҳасида инкилобий ўзгаришларга олиб келиши кутиляпти. Бундай ҳолатни эътироф этган ҳолда ҳукуматимиз қарори билан ЎзМУ қошида нанотехнологиялар тадқиқот маркази ташкил этилди.

Марказга бу соҳадаги жаҳон фани ва тараққиёти ютуқларини умумлаштириш, уларнинг таҳлили асосида ЎзФА, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва олий ўқув юртилари учун тақлифлар тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ташкил этиш вазифалари юклатилган.

Афсуски, шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган мутахассис ва кадрлар тайёрлаш олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида замон талаблари даражасида ташкил этилмаган.

Республикаимиз олий ўқув юртилари, айниқса вилоятлар, минтакаларда физика ва техника соҳаларида илмий тадқиқот ишларини самарали олиб боришга замонавий асбоб-усуналар, технологияларда қўлланиладиган электрон техника хомашёлари тақчиллиги халал бермоқда. Тошкент шаҳрида ташкил этилган муассасаларро юқори технологиялар маркази каби бошқа вилоятларда ҳам марказлар ташкил этилса, жойларда минтақавий муаммоларни ҳал этиш, сифатли мутахассислар тайёрлаш



бўйича тадқиқотлар сезиларли ривожланган бўлар эди.

Олимлар кенгашини тузиш зарур

Умуман олганда, Фарғона водийси олий ўқув юртилари ва бошқа муассасалардаги олимлар ва мутахассислар салмоғи, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиқлар, тадбиркорлар ва маънавий тарбия соҳасидаги муаммоларни ўз жойларида ечиш, уларга ёрдам бериш учун водийнинг олим ва мутахассислари кенгашини тузиш зарур.

Яна бир муаммо — минтакаларда физика, математика ва информатика соҳаларида ўқитувчилар таркибида илмий ва методик салоҳият нисбатан паст, бу эса савияси юқори бўлган физиклар ва математиклар тайёрлашга салбий таъсир этмоқда. Водий учун аниқ фанлар методикаси ва физиканинг бирор йўналишида илмий даража берувчи илмий кенгаш очилса, муаммо ўз ечимини топган бўлар эди.

Жаҳон андозаларига мос келадиган олий маълумотли мутахассис тайёрлаш фақатгина олий ўқув юртиларида таълимнинг сифатигагина боғлиқ бўлмай, ўрта таълимга жуда ҳам боғлиқ.

Шуни ҳисобга олган ҳолда республикаимизда бўлаётган улкан бунёдкорлик ва ижодкорлик ишларига монанд равишда юқори савияли иқтидорли ёшларни тарбиялаш, уларда билимларни чуқур эгаллаш билан бирга, ихтирочилик, ижодкорлик ва кашфиётчилик малакаларини ҳам шакллантириш мақсадида Андижонда таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг мужассамлаштирувчи янги турдаги чуқурлаштирилган физика-математика мактаб-интернатини ташкил этиш

мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу марказда водий ёшларини махсус танлов асосида 7-синфдан қабул қилиб, уларга юқори малакали ўқитувчилар таълим беришини ҳамда умумтаълим фанларидан ташқари, кўпроқ ихтирочилик, кашфиётчилик, ишлаб чиқариш билан шуғулланишга йўналтириш даркор. Бундай марказ қошида радиоэлектроника, робототехника, яримўтказгичли микроэлектроника, нанофизика, ядро физикаси каби юқори интеллектуал салоҳият талаб этувчи илмий тўғарақлар, иқтидорли ёшларнинг гоёлари, ихтиро ва кашфиётларини амалда сынаб кўриш, намунавий қурилмалар ясашга мўлжалланган кичик ишлаб чиқариш цехлари, лабораториялари ташкил қилинса, нур устига нурдир. Бу марказга ўқитувчи-устоз ва мутахассислар жиддий танлов асосида қабул қилинса, мамлакатимиз ва чет эллардан машҳур олимлар, педагоглар ва мохир усталар вақтинчалик ишлаш, маслаҳатлар учун даврий равишда тақлиф этиб турилса, ўқитувчи ва устоз мураббийларга ўз имкониятларини тўла намоён қилиш учун барча шароитлар яратиб берилса, мамлакатимизнинг кадрларга эҳтиёжларини тўла қондирувчи мустаҳкам асос вужудга келад.

Ўзбекистонда олий таълим ривожига қаратилган кўплаб қарор ва фармонлар, қатор учрашув ва кенгашларда айтилган фикрларга қарамасдан тизимдаги ўзгаришлар замон талабларига ҳамоҳанг эмаслиги сезилмоқда. Бунинг учун тизимнинг барча иштирокчиларини ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишга ундаш, назоратни кучайтириш зарур, албатта.

Шоҳрух САИДОВ
ёзиб олди.

Бухоро шаҳрида илк бор гуллар байрами ўтказилди.

«Ўрикзор» маҳалласига трансформатор, яккатеракликларга эса симёғоч керак

АММО МУТАСАДДИЛАР ФАҚАТ «БАЖАРАМИЗ» БИЛАН ЧЕКЛАНМОҚДА

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамлиликнинг олий мезонидир...»

Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз қалбидан чуқур жой олган бу сўзлари мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, чуқур ислохотларни жадаллаштириш, давлат идораларини одамларга янада яқинлаштириш, жойлардаги раҳбарларни аҳоли муаммоларини ўз вақтида ўрганиб, унга ижобий ечим топишга ундамоқда. Аммо, тан олиш лозим, хали ҳам ҳудудларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида камчиликларга йўл қўяётган, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш масаласига суҳбатчи билан ёндашадиган масъуллар борки, уларнинг бепарволиги туфайли кўплаб одамлар сарсон бўлмоқда.

«Одамлар пулни кўчадан «супуриб» олмайди-ку!»


Шу кунларда тахририятимизга юртдошларимиз томонидан кўплаб ёзма ва оғзаки мурожаатлар бўлмоқда. Уларда жамиятимиздаги оғрикли масалалар, турмуш ҳаётида учраётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ёрдам беришимиз сўралган.

— Бир неча ойдан буён электр таъминотидаги узиллишлардан азият чекамиз, — дейди Тошкент вилояти Бекобод туманидаги «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Гуломжон Ризаев. — Муаммо маҳалламизга электр токи узатувчи эски трансформатор сабабли келиб чиқмоқда. Тўғриси, уни «ямайвериб» эсимиз кетди. Баъзан маҳалламизда ҳафталаб «свет» бўлмайди. Мазкур масала бўйича масъул таъкилот раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдик. Қолаверса, электр кучланиши жуда паст. Ҳатто, 12 вольтли телевизорни аранг ишлатамиз. Айрим вақтларда фазага катта кучланишдаги электр токи келиб музаткич, телевизор, совуқкичларимиз ишдан чиқмоқда. Ахир, одамлар бу маънавий техникаларга етишгунча қанча тер тўккан?! Улар пулни кўчадан «супуриб» олмайди-ку. Илтимос, бу муаммони ҳал этишга амалий ёрдам берсангиз...

«Муаммо бўйича бир неча бор «электросет»га мурожаат қилдик»

Айтиш лозимки, бугун Бекобод туманидаги «Ўрикзор» маҳалласида 3220 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда ҳудудда аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани туфайли электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Натигада маҳалладаги электр трансформаторга тушаётган қўшимча босим ортидан тармоқда тез-тез узиллишлар кузатишмоқда.

Биз ушбу муаммо юзасидан «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нажмиддин Асроров билан суҳбатлашдик. — Маҳалламиздаги трансформатор жуда эски — чамаси, 1960 йилларда ўрнатилган. — дейди Н.Асроров — Эски буюмни тузатганинг билан аввалгидек ишлаши қийин. Шунга қарамай, одамларимиз узоқ йиллардан буён ундан амал-тақал қилиб фойдаланиб келмоқда.



Аммо сўнгги йилларда трансформаторнинг носозлиги боис маҳалла аҳоли электр таъминоти бўйича қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалани ижобий ҳал этиш бўйича бир неча бор туман электр тармоқ таъминоти корхонаси мутасаддиларига мурожаат қилдик. Улар: «Сабр қилинглар, қўлдан келганча ёрдам берамиз. Янги трансформатор келиши билан энг биринчи гада сизларга ўрнатиб берамиз», дейишмоқда. Кутаямиз, бирор ўзгариш бўлиб қолар.

Маълумотларга кўра, бугун юртимизда 79 минг 122 та трансформатор пунктлари орқали аҳолига электр токи етказиб беришда фойдаланилмоқда. Бекобод туманида эса 500 га яқин электр трансформатор бўлиб, 2000 йилдан то бугунга қадар уларнинг аттиги 20 таси янгисига алмаштирилган. Қолганлари эса эски замоннинг эски матохлари. Хўш, аллақачон хизматини ўтаб бўлган трансформаторлар қачон алмаштирилади? Бунинг вақти келмадимикан?!

«Ишлаб турган трансформатор алмаштирилмайди»

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017–2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида»ги қарори ва «Обод қилиш» ҳамда «Обод

маҳалла» дастурлари асосида ўтган йил юртимизда маҳаллий ва инвестиция маблағлари ҳисобидан электр линияларида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди, — дейди «Худудий электр тармоқлари» АЖ Матбўт хизмати раҳбари Обиджон Дилмуродов. — Унга кўра, 7229,6 км. электр узатиш тармоқлари ва 2500 та трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилинди. Бунинг натижасида 660 дан ортиқ маҳаллада яшовчи 267 мингдан ортиқ истеъмолчиларнинг электр энергия таъминоти яқинлашди. Жорий йил яна 2590 та трансформатор пунктларини модернизация ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Яна бир гап. Эски бўлса-да, ишлаб турган трансформатор алмаштирилмайди. Қачонки, аҳоли сони ортиб, қўрилмага қўшимча юклама тушаётган бўлса, ўрнига янги ва катта кучланишга мўлжалланган трансформатор ўрнатилади. Аммо шунда ҳам биз фақат давлат дастурлари бўйича ҳудудларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари доирасида аҳоли пунктларига янги трансформаторларни ўрнатамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан тегишли маблағ ҳам ажратилади. Давлат дастурига кирмаган ҳудудлар аҳолиси эса бу муаммо бўйича маҳаллий ҳокимият вакиллариغا мурожаат қилиши лозим.

Кучланишнинг пасайишига сув насослари сабаб бўлмоқда

Юқоридаги мурожаатда электр токи кучланишининг пастлиги ва бунинг оқибатида одамларнинг шахсий маънавий техника воситаларига жиддий зарар етаетгани таъкидланган эди. Хўш, бу масала юзасидан туман масъул идора раҳбари нима дейди?

— Аҳолини қийнаётган муаммоларни имкон қадар бартараф этишга, мурожаатлар бўйича жойларга чиқиб, асл ҳолатни ўрганишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди Бекобод туман электр тармоқ таъминоти корхонаси раҳбари Илҳом Аҳмедов. — Дарҳақиқат, ўрикзорликлар анчадан буён трансформатор масаласида бизга мурожаат қилмоқда. Аммо ҳозир янги ускуна йўқ. Бўлиши билан биринчи гада шу ҳудудга олиб бориб ўрнатамиз. Энди кучланишнинг пастлигига келсак, юқоридаги туманимизга паст кучланишли электр токи беришмоқда. Тўғриси айтганда, бу нафақат Бекобод, балки бутун вилоятимиздаги туманларда кузатилаётган ҳолат. Шунингдек, бу муаммонинг юзага келишига туманимиздаги фермер хўжаликлари экинларни сугориш учун 700 дан ортиқ сув насосларидан фойдаланаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Маълумот учун айтишим лозимки, бундай насосларнинг биттаси ўртача 70–80 та хонадонга зарур бўладиган электр токни сарф этади.

Бу эса ўз-ўзидан кучланишга салбий таъсир қилади. Ҳозирда ушбу муаммони ҳам бартараф этиш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Насиб бўлса, яқин ойлarda масала ижобий ечим топади.

Сурхондарё вилояти Қизилқум туманидаги «Яккатерак» маҳалласи вилоят марказидан қарийб 100 километр олисда жойлашган. Афсуски, электр токи таъминоти бўйича муаммолар ушбу маҳаллани ҳам четлаб ўтмаган. Аҳолининг айтишича, маҳалланинг маълум қисмида яшовчи одамлар мана, бир йилдан ортиқ вақт бўлдики, электр тоқисиз яшамокда. Хўш нега?

«Мутасаддилар симёғоч ўрнатиб берамиз дейишган. Аммо қани ўша симёғоч?»

— Шу йил 10 майда бўлган сайловда маҳалла раислигига илк бор сайландим, — дейди «Яккатерак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамаражаб Эшмаматов. — Бугунги кунда ҳудудда 4058 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Дарҳақиқат, маҳалламизда электр таъминоти бўйича муаммолар бор, аммо бу бутун ҳудуд «свет»сиз қолди, дегани эмас. Аҳоли сонининг ортиши туфайли бундан бир неча йил аввал 4–5 хўжалик маҳалламизда четидаси кенг майдонга ноқонуний равишда уй солиб, яшай бошлаган. Ҳозирга келиб эса бу ерда 25–30 хўжалик истиқомат қилмоқда. Электр бўйича муаммо ҳам аини шу ҳудудга тегишли.

Жорий йил май-июнь ойларида туман электр тармоқ таъминоти корхонаси раҳбарининг маҳалламизда 2 марта сайёр қабули ўтказилди. Тadbир доирасида мутахассислар томонидан ҳудудимиздаги ҳақиқий ҳолат атрофида ўрганилиб, қўшимча симёғочлар зарурлиги аниқланди. Шу кунгача маҳалламизда фойдаланилмаётган 5–6 та симёғоч бу ерга олиб келиб ўрнатилди. Яна 15 та симёғоч билан муаммо тўла ҳал бўлади. Аммо қани ўша симёғоч?

Туман электр тармоқ таъминоти корхонаси раҳбари Фахриддин Ўрозовнинг таъкидлашича, аввал бу жойда яшаган аҳолининг уй-йўл кадастр ҳужжатлари бўлмаган. Шу боис ушбу ҳудудга электр тармоғи тортилмаган. Яқин-яқинларгача бу ерга бориш учун ҳатто автомобиль юрадиган йўл ҳам бўлмаган. Яқинда йўл очилиб, бир неча симёғоч олиб бориб ўрнатилган.

Раҳбарнинг айтишича, яқин кунларда масала ижобий ҳал этилди.

Хулоса ўрнида

Ҳа, муаммо бор, аммо уни ҳал қилиш учун мутасаддилардан ишга масъулият, фидоилик талаб этилади.

Биз ушбу мақолани ёзиш орқали кимндир айбдор қилмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз — аҳолини қийнаётган муаммолар ўз вақтида бартараф этилса, халқимиз Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун хис этса. Ўйлаймизки, мақолада кўтарилган муаммолар тез орада бартараф этилади.

Савдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Ангрен темир йўл вокзали куриб, фойдаланишга топширилди.

(Репортаж)

Маҳоратли ва иқтидорли ёшлар қўлаб-қувватланмоқда

Ёз – ўтмоқда соз! Бу айни пайтда таътил кунларини турли спорт тўғрақларида, маданият масканларию кутубхоналарда ўтказётган минглаб наманганлик ўғил-қизларнинг эътирофи. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилган, уюшмаган ёшларни бирлаштирувчи фестивал ҳам ёш авлод хотирасида ёрқин таассуротлар қолдирди. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасидаги ушбу тадбирда, асосан, уюшмаган ёшлар қамраб олинди.

«Кичкина деманг бизни...»

Бугун кўпчилик кундалик юмушларини ёзининг жазирасида бошланмасдан, куннинг биринчи ярмида бажаришни режалаштиради. Фестивалнинг спорт мусобақалари ҳам тонг саҳардан бошланди ва иштирокчию мухлисларнинг кўпчилигидан катта спорт байрамига айланиб кетди. Уйчи туманидаги мухташам спорт залига жамланган курашчилар даврасидамиз. «Маҳалламиз пахлавонлари» мусобақасида 13-14 ёшлилар ўртасида ўғил болалар 46, 50, 55 кг. вазнда, киз болалар эса 44, 48, 52 кг. вазнда гиламга чиқдилар. Қизгин ва мurosасиз ҳолда ўтган беллашувлар мазкур спорт тури нафақат ўғил болалар ўртасида, балки кизлар орасида ҳам оммалашаб бораётганидан дарак бермоқда. Гиламга тушган, ҳакамнинг «кураш» деган кўрсатмасидан сўнг орадан бир неча сониялар ўтиб, рақибнинг курагини ерга теккизган кизча эътиборимизни тортди.

— Кураш билан шуғуллани бошласангиз энди бир йил тўлмоқда, — дейди Наманган туманидаги «Миришкор» маҳалласида яшовчи Рухшона Солиева. — Маҳалламиздаги 25-сонли мактаб қошидаги тўғараққа қатнайман. «Маҳалламиз пахлавонлари» мусобақасининг туман босқичида ғолиб чиқиб, вилоятда иштирок этмаккан. Бу мен учун катта бахт. Насиб қилса, бу мусобақа менга мамлакат, жаҳон чемпионатлари эшигини очиб беради.

Ана шундай катта мақсад билан гиламга тушган Рухшона яқунда ҳам совринли ўринлардан бирини қўлга киритди. Қизиги, фестивалда иштирок этаётган ёш спортчиларнинг қай бирини суҳбатга қорласак, ана шундай эзгу ният, улкан режалар хақида эшитганимиздан қувондик.

Маҳалла раиси — волейбол мураббийси

Фестивалда вилоятда волейбол бўйича таниқли спорт мураббийси Тоҳиржон Исабевни учратиб қолдик.

— Айни пайтда Наманган туманидаги «Дехқонбод» маҳалла фуқаролар йиғини

раисман, — дейди Т.Исабев. — Ушбу тадбир мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилининг мароқли ўтказишда қўл келди. Бу — шунчаки қуруқ гап эмас, асл ҳақиқат. Бугунги мусобақаларда маҳалламиздан 12 нафар вакил қатнашяпти. Улар орасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган иштирокчилар бор.

Айни пайтда маҳалламизда волейбол спорт тури оммалашган. Мазкур йўналишда вилоят терма жамоасининг катта қисмини бизнинг ёшларимиз ташкил этади. Биргина мисол, Жавоҳир Мамадалиев яқинда волейбол бўйича Ўзбекистон биринчилигида олтин медаль олиб, Наманган давлат университетига имтиёзли кириш

Ҳар тонг туриб, маҳалламиз кўчаларида оилавий югурамиз, бадантарбия қиламиз. Шунданми, доим тетик-бардам юрамиз. Иш ва ўқишимизда



ёшгача бўлган йигит-қизлар фаол катнашиб, ғолиб чиққан 2 нафардан вакиллар вилоятда ҳам ўз билим ва иқтидорларини намойён эдилар.

Улар дастлаб «Буюк мутафаккир ва адиблар» шартлида экспертлар комиссияси томонидан тавсия этилган улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндалари хақида маълумот беришлари сўралди. «Бадий асарлар билимдони» шартлида эса тавсия этилган бадий асарларнинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамиятини шарҳлаб бердилар. Ва ниҳоят, «Шеърят» шартлида иштирокчилар экспертлар комиссияси томонидан тавсия этилган шеърлар парчани давом эттириш билан бирга, унинг мазмун-моҳиятини ҳам очиб бердилар. Яқунда барча шартларда энг юқори балл тўплаган Косонсой тумани вакиллари ғолиб бўлишди.

— Айни пайтда Косонсой туманидаги 28-мактабнинг 11-синфини битирдим, — дейди «Маҳдуми Аъзам» маҳалласидан Муҳлис Назарова. — Бўш вақтимда кўп китоб ўқийман. Ҳозирда олийгоҳда ўқш учун тест имтиҳонларига тайёргарлик кўрияман. Шу боис илмий китоблар мутолаасида эътибор қаратганман. Бугунги танловда қатнашишдан мақсад ғолиблик эмас, балки билимларимни яна бир бор синовдан ўтказишни эди. Ғолиб чиққанамдан кечик қувончдаман.

Ана шундай таассуротларга бой ўтган фестивалга «Ёшлар маркази»да яқун ясалди. Тантанали ўтган тадбирда «Мен ўқиган китоб» танлови ҳамда спорт мусобақалари ғолиб ҳамда совриндорлари, фестивалнинг фаол иштирокчилари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Илҳомжон РАХМАТОВ
«Mahalla»



имкониятини қўлга киритди. Умуман олганда, ўтган уч йил ичида тўрт нафар волейболчимиз мазкур олийгоҳда шундай имтиёз билан тахсил олмоқда.

Очиги, спорт мураббийининг маҳалла етакчиси сифатидаги фаолиятда ҳам ўз билим ва тажрибаларини кенг ишга солгани кўриниб турибди. Ана шундай ҳулоса билан, очик стадионга ўтамиз. Бу ерда оилавий спортчиларнинг кизгин беллашувлари устидан чиқдик.

— Ўзим «Чуст-Абдулазиз» фермер хўжалиғи раҳбариман, — дейди Чуст туманидаги «Сариқамш-Мирзаобод» маҳалласида истикомат қилувчи Абдулазиз Сўлтонов.

— Турмуш ўртоғим — ҳамишра. Икки ўғлимиз маҳалладаги «қўл жанги» тўсарағига қатнашади. Уйимизда алоҳида хонани спорт машғулоти учун ажратганмиз. Замонавий спорт жиҳозларимиз бор.

унум бор. Ўтган йили «Биз — ақл-идроқли оилаларимиз» танловида вилоятда биринчи ўринни қўлга киритган эдик. Бу йил «Отам, онам ва мен — спортчи оила» мусобақасида фахрли 3-ўринга сазовор бўлдик. Келгуси йили республикага чиқиш мақсадимиз бор.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда июнь ойи — ёшлар ойлиги деб эълон қилингани боис ўтган ой давомида ҳар бир маҳаллада ўнлаб маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ташкил этилди. Айниқса, маҳаллалар ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган ва бирмунча оммалашган «Маҳалламиз пахлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчи оила» каби турли мусобақалар сафи янада кенгайди.

— Фестиваль доирасида шу каби 5 та спорт турини қамраб олган беллашувлар бўлиб ўтди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари Шухрат Кенжаев.

— Ҳусусан, Уйчи туманидаги марказий стадионда ҳар бир шаҳар ва туманларда спортнинг кураш бўйича «Маҳалламиз пахлавонлари», шахмат-шахка йўналишида «Биз — ақл-идроқли оилаларимиз», стол тенниси бўйича «Маҳалламиз стол теннисчилари», енгил атлетиканинг югуриш спорт тури спринт йўналиши бўйича «Биз — эгил ва чаққонимиз» ҳамда «Отам, онам ва мен — спортчи оила» мусобақаларининг ҳудудий ғолиблигини қўлга киритган ўғил-қизлар ўзаро куч синашдилар.

Мақсад — ютиш эмас, иқтидорни кўрсатиш

Фестиваль таркибидан ўрин олган яна бир йирик тадбир — «Мен ўқиган китоб» кўриктанловининг вилоят босқичи Наманган шаҳридаги мухташам Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Маҳалла ёшлари ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларнинг бой маънавий мероси, улуғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган мазкур танловнинг ҳудудий босқичларида 14 ёшдан 20 ёшгача ҳамда 21 ёшдан 30

Ўзбекистон жаҳон паспортлари индексида янада пастлади.

Имтиёзли кредитнинг имконсиз даромади

БУНДАН КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗАРАР?

Яхши яшашга, фаровон ҳаёт кечиришга интилган киши борки, қандайдир қўшимча ишни йўлга қўйиш, тадбиркорлик қилиш, кўпроқ даромад топиш ҳаракатида. Зотан, Президентимиз томонидан аҳолининг тадбиркорлик кўникмасини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва пировард натижада одамларнинг реал даромадларини кўпайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилинаётганидан кўзланган мақсад ҳам шу аслида.

Шунга мутаносиб одамларнинг ҳам оилавий тадбиркорликка бўлган қизиқиши кун сайин ортиб борапти. Буни тадбиркорликни бошлаш истагидаги юртдошларимиз сони кўпلىгидан ҳам билиш мумкин.

— Имтиёзли кредит олиб тадбиркорликни йўлга қўйишнинг айтишига, тўғрисики бироқ чўчидим, — дейди Ғузур тумани «Шерали» маҳалласида яшовчи ногиронлиги бўлган фуқаро Ҳуснора Тўраева. — Лекин онам билан келишиб товуқ боқиб режасини айтдик, сўнг бунга имкониятимиз етмаслигини ўйлаб, икки бош она-бола қўй олишга қарор қилдик.

Аммо орадан бир неча кун ўтиб, кизнинг уйига она-бола қўй эмас, балки икки бош қўчқор олиб келинади. Энг кизини, она-бола қўйнинг нархи бир ярим миллион, дейилганди, иккита қўчқорнинг нархи ҳам шунча экан.

Табиики, бу қўчқорлар пулига мос эмаслигини кўрган киз ва унинг ёлғиз боқувчиси бўлган нафақадаги онаси аввалига уларни олишни рад этади. Кейин эса ширин ҳаёллар билан «нима бўлса бўлар» кабилида йўл тутиб, қабул қилади. Мутасаддилар ана шу вазиятдан фойдаланиб, киздан махсулотдан рози эканлиги ҳақидаги хатни олади, онасининг раҳмат айтиб қилган дуосини видеоасвирга туширади.

Аммо қўйларнинг нархи хаддан ортиқ қимматлиги боис барибир оиланинг бундан кўнгли тўлмайди. Таниш-билишлар ҳам бу пулга маҳаллий бозордан тўртта шундай қўчқор олиш мумкинлигини айтиша-

ди. Ҳуснора яқинлари орқали қўйларни бозорга ҳам чиқариб кўради, аммо ярим нархига ҳам сўрашмайди. Шундан сўнг банк ходимига телефон қилиб, қўйларни олмаслигини айтади, лекин «энди бунинг иложи йўқ», деган жавобни эшитади.

Унинг тинимсиз банкка, маҳалла фаолларига кўнглироқ қилаверишига мутасаддилар жиддий эътибор қаратишмай, ўзига хос инжиқликка йўйишади. Чунки қўйни олган вақти у жуда хурсанд бўлган, онаси раҳмат айтиб, узундан-узок дуо қилган.

Ажойиб ҳаёлпарастлик

Биргина «Шерали» маҳалласининг ўзида бешта кам таъминланган оила имтиёзли

деган саволимиз эса аёлни уйга толдирди.

— Ҳа, нархи анча қиммат. Боқаверайлик-чи, балки ўз пулига бориб қолар, — дейди Зубайда опа.

Тўғри айтади, балки ўз танини қоплар, бу ҳолда даромад, фойда ҳақида гапириш эса ажойиб ҳаёлпарастликдан бошқа нарса эмасдек.

4 та қўчқор — 6 миллион сўм

Мана, ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Уларга нари борса, 20 килограммдан гўшт берадиган тўртта қўчқор 6 миллион сўмга нархлаб берилган. Уч йил ичида қайтариладиган кредит фонзини ҳам қўшсангиз, хар бирининг баҳоси қарийб 1 миллион 800



кредит асосида қўй олган. Аммо шу вақтга қадар икки фуқаро қўйларни қайтарган. Ҳуснора ҳам қайтармоқчи. Масъулларнинг гапига ишонадиган бўлсак, бу ҳолатларнинг барига феъл-атвор сабаб эмиш...

Шу маҳаллада яшайдиган Баҳодир Ҳабибов ҳам оиласига қўшимча даромад келтириш мақсадида имтиёзли кредит олиб, таъминотчи орқали тўртта қўчқор харид қилган. Оила бекаси Зубайда Жумаева ҳовлига мол киргани, яна бир қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлганидан хурсанд.

— Бу ишимиздан, айниқса, ўғлимнинг секинчи чекиси, — дейди Зубайда Жумаева. — Кеча-қундуз ана шу қўйларнинг олдида жўлмайди. Жуда меҳр билан парваришляпти. Шу мол бўлмаса, бекорчиликдан қўча чангитиб ҳам юрадими-да. Мен ўғлимга иш топишга хурсандман.

«Бу қўчқорларни боқиб, қанча даромад олмақчисиз?»,

минг сўмни ташкил этади. Агар бу қўчқорларни 6 ой жуда зўр боксангиз, қирк килограммнинг нари-берисида гўшт бериши мумкин. Ўшанда истеъмолчи олган қўйларнинг нархи қопланиши мумкин. Улар еган ем-хашак, кредит фонзи нима бўлади энди? Бундай ҳолда камбағал бой бўладими ёки янада ғарибга айланидими?!

Қўш, таъминотчи қорхоналар нимага асосан нарх белгилайпти? Негиз бозордан 800 минг сўмга олиш мумкин бўлган қўчқорни улар бир ярим миллиондан сотишмоқда?

— Биз Қозғистондан зотдор қўйларни олиб келамиз, — дейди Ғузур туманидаги «Нозима Абдуллох файз» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Самандар Усмонов. — Биласиз, бошқа давлатдан мол олиб келиш осон иш эмас.

Бир «партия» мол олиб келиш учун одамларимиз ҳафталаб юради. Бу жуда қийин иш, йўл узок. Барча харажатларни ҳисоб-китоб қилсангиз, бизга ҳам кўп фойда қолмаётганини тушунасиз.

Шу ўринда бир қатор саволлар пайдо бўлади. Негиз имтиёзли кредитга фақат хориждан келтирилган қўйларни олиш керак? Бу борада барча масъуллар бир хил жавоб айтишмоқда: тегишли қарорда аҳолига зотдор молларни бериш таъкидланган. Таъминотчи ҳам, тижорат банкига ҳам қўйилаётган талаб шундай.

Аммо олиб келинаётган қўйларнинг ҳақиқатан ҳам, зотдор эканлигига қандай қаролат бор? Мисол учун, Германия, Украина ёки Польшадан келтирилаётган насли ситирлар тегишли паспортга эга ва бунда уларнинг зоти, аниқ ёши, насл хусусиятлари, сотган ташкилот номи ҳақида тўлиқ маълумотлар бор. Қозғистондан олиб келинаётгани айтилаётган қўйларда бундай эмас. Кўринишидан ҳам ҳеч қандай зотдорга ўхшамайди. Худди ўзимизнинг бозорлардан териб олинган хашаки қўйларни эслатади. Она-бола деб сотилаётган, аслида бир-бирига бегона қўйлар, тумшуги оқариб, қарилгидан, орилгидан мункиллаб қолган совлиқлар чиндан ҳам, насли моллар сифатида қўшни республикадан олиб келинаётими?!

— «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида «Шерали» маҳалласи ишчи гуруҳига бириктирилганман,

— дейди «Агробанк» Ғузур туман бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Нормаматов. — Низом талабидан келиб чиқиб жорий йилда ушбу маҳалланинг ўнга яқин фуқаросига чорва, парранда, асаларчилик, иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредит ажратилган. Хар ҳафта кредит олган хонадонларга кириб, аҳолини ўргатиб борамиз. Чорва кредити бўйича олинган қўчқорларни шу маҳаллада яшовчи, чорва бўйича мутахассиси бор фуқароларнинг ўзлари бориб, таъминотчи қорхонадан танлаб олиб келишган. Ҳуснора Тўраева ҳам ўз хоҳиши билан иккита қўчқор олган. Агар хоҳламаса, қўйларни қайтариб бераман деса, уларни бошқа кредит олмақчи бўлган фуқарога олиб берамиз. Бу бўйича муаммо бўлмайди.

Қўш, бундай «мурувват»дан ким наф қўради?

Шундай экан, бугун статистик рақамларни бўрттириш учун олиб югураётган, бизнинг худуддан мана шунча фуқарога имтиёзли кредит берилди, қўй, товуқ олиб, иссиқхона қуриб шунча киши оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди, дея бонг ураётган мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўришмас экан, кам таъминланган аҳолининг реал даромадини ошириш борасида бошланган бу ишлотлардан қатта самара кутиш кийин.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ:

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 14 июндаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида, шунингдек, «Хар бир оила — тадбиркор», «Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари бошлангандан буён жорий йилда вилоят бўйича ўттиз мингдан ошқик фуқаро банкдан имтиёзли кредит олиб, қайсидир фаолият турини йўлга қўйган. Бу борада Чирокчи, Нишон, Деҳқонобод ҳамда Қарши туманлари аҳолиси айниқса фаол.

Алоҳида фаолият турлари бўйича оладиган бўлсак, аҳолида бошқа соҳаларга қараганда чорвачилик, паррандачилик ҳамда иссиқхона қуришга бўлган қизиқиш жуда юқори. Мисол учун, «Хар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича жорий йилнинг ўтган даври давомида 2 минг 300 нафардан зиёд киши зотли қорамол боқиб, 2 минг 800 нафардан зиёд паррандачилик, 4 минг 600 нафардан ортиги иссиқхона хўжалиги фаолиятини йўлга қўйган бўлса, 7 минг нафардан зиёд оила имтиёзли кредит асосида зотли қўй боқишни бошлаган.

Андижонда мамлакатдаги биринчи экологик аэропорт қурилади.

Оқсоқол ортиқча юкламаларни бажаришга мажбурми?

УЛАРНИ МОДДИЙ
РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАСИ
ҚАЙ АҲВОЛДА?

Бугун фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши, жамиятнинг равиқ топиши ва мамлакат ривожига маҳалланинг тутган ўрни беқиёс. Шу маънода тузилма зиммасига жуда катта ва залворли вазифалар юклатилган. Айниқса, таълим-тарбия, маърифат, маънавият ва ижтимоий ҳимоя масалалари долзарб аҳамият касб этади. Агар маҳалла раиси ушбу жиҳатларни тизимли йўлга қўя олса, кўплаб муаммолар жойида ҳал бўлиши аниқ. Шундагина одамлар ҳам ўз ҳаётидан рози бўлиб яшайди. Бунинг учун эса, албатта, вақт, салоҳият ва тажриба талаб этилади.



Хўш, яқиндагина сайланган маҳалла раислари шундай масъулиятли вазифаларни адо этишга тайёрми? Шарт-шароит ва имкониятлар етарлими? Ривожланиш ва олдинга кадам босишга қандай муаммолар тўсқинлик қилмоқда?

Вазифалар бисёр

— Маҳалла фаолиятини тизимли ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг бир қатор фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинган, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фахриддин Пўлатов. — Лекин шунга қарамадан, тизимни тўлақонли ҳаракатга келтирувчи механизмлар ишлаб чиқилмагани уларни ҳаётга татбиқ этиш бора-сида бир қатор муаммоларни юзга келтирмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида маҳалла тизими фаолияти ўзини ўзи бошқариш органи сифатида қафолатланган бўлса-да, ҳеч қандай мустақил қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Ҳаттоки, маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодларни тасдиқлаш, халқ хоҳиш-иродаси билан сайланган раисларни лавозимга тайинлаш, уларга маош ва мукофотларни белгилаб бериш туман ҳокими томонидан амалга оширилади.

Маҳаллага ижро ҳокимияти тизимига тааллуқли ташкилот ва муассасалар учун тасоифланган 228 та норматив ҳужжатларда қўмаклашувчи мақоми берилган. Жумладан, солиқларни йиғиш, коммунал тўловларни ундириш, мактаб ва коллежларнинг даволат кўрсаткичларини кўтаришга қўмаклашиш, маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг нечта

уй ҳайвонлари, нечта мевали дарахти борлиги, уларнинг ҳосилдорлиги ва ўртача даромадлари бўйича статистик маълумотларни мунтазам равишда йиғиб бориш, фермер хўжаликларида олиб борилаётган ишларни ташкиллаштириш ва назорат қилиш, фуқароларни қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш ҳам маҳалла раисларининг кундалик ҳаётига айланган.

Қўринадик, амалдаги қонунда фуқаролар йиғинининг вазифалар кўлами аниқ белгиланмаган. Шу боис ҳам жойларда маҳалла фуқаролари йиғинига муносиб раисларни жалб қилиш ва сайлаш осон бўлмади. Маҳалла фаолларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинмаслиги, уларнинг вазифалари ҳаддан ташқари қилиш, назорат қилувчи раҳбарларнинг санови йўқлигини эшитган баобўр ва билими кучли номзодларнинг кўпчилиги рад жавобини беришди.

«Хаммасига бизнинг аралашувимиз, ёрдамимиз керак»

Ҳақиқатан ҳам, бир қарашда олдий ва жўн кўринган маҳалла раислиги аслида жуда машаққатли иш. Кечаю кундуз халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш, унинг дардини ўзиники билиб, тинимсиз ҳаракат қилиш осон эмас. Бунинг учун катта куч ва салоҳият зарур.

— Агар одамлар раисдан норози бўлса, шикоятлар ўз-ўзидан юқори ташкилотларга етиб боради, — дейди Тошкент шаҳридаги «Катта Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наима Жабборовна. — Шунинг учун ҳам тинимсиз ишлаганга, муаммоларга тез ва муносиб ечим топишга ҳаракат қиламиз. Маҳалла раиси бежизга халқ ичидан сайланмайди. Бунда унинг шу ердаги одамлар

билан бирга яшаш, ҳамдард бўлиши назарда тутилган. Уларнинг қандай муаммоси бўлишидан қатъи назар, биз билан алоқадор. Ҳаммасига бизнинг аралашувимиз, ёрдамимиз керак. Бироз бефарқлик ва эътиборсизлик муаммолар кўламини янада кенгайтириб юбориши мумкин. Баъзида қўшимча вазифалар кўлами бир кун учун тузган зарурий режаларимдан икки-уч бора-бар кўпайиб кетади. Шунинг учун ҳам маҳалла ҳаётига кўпроқ жамоатчиликни, фидоий инсонларни жалб қилишга ҳаракат қиламиз. Маҳалла раиси ишни ўзаро ҳамкорликда ташкил этмаса, барча масалаларни қамраб олишга имкони бўлмайди. Айниқса, ҳудуддаги таълим муассасалари, савдо шохобчалари, тадбиркорларнинг кўмагига таянишга мажбур бўламиз. Агар халқ унинг ҳимоячиси эканимизни тушунса, бизга ўзлари ёрдам беради. Зеро, бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилишда ҳикмат кўп.

Барчаси маҳалла раиси ва масъул котиб зиммасидами?

Вазифаларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ҳақида гап бора-бор экан, яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни маҳалла фуқаролар йиғини олдин тўрт нафар ходимдан иборат бўлган. Ҳозирда ўзини ўзи бошқариш органларида ҳақ тўланадиган иккита штат бирлиги мавжуд бўлиб, асосий юклама уларнинг зиммасига тушмоқда.

Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинининг жамоатчилик комиссиялари ва тузилмаларининг ишини ташкиллаштириш ва ҳисоботларини тайёрлашда ҳам раис асосий жавобгар шахслардан бири саналади. Энг кизиги эса, улар

бир-бирини такрорлайди ва бир хил вазифаларни бажариб келмоқда. Жумладан, Яраштириш, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар оиладаги келишмовчиликларни ҳал қилади. Фақатгина ортиқча иш ва қозғовозлик кўпайгани қолади, холос. Эҳтимол, уларни қисқартириш, яъни оптимизация қилиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керакдир.

Санайверсак, тизимнинг шу каби муаммолари қалқиб чиқверади. Асосий мақсад эса уларга муносиб ечим топиш кераклигиди. Хўш, бунинг учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Жамиятнинг бошланғич бўғини ҳисобланган фуқаролар йиғинлари фаолиятини бир йўналишда ташкил этиш учун қандай ўзгартиришларга эҳтиёж мавжуд?

Қўшимча рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя масаласи қандай?

— Бугунги кунда жойларда ташкиллаштирилаётган ҳудудий ўқув-семинарларда маҳалла раисларига ҳақ-ҳуқуқлари нимадан иборат эканини тушуниришга ҳаракат қилиялми, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши ташкилий-услубий шўба мудири Алишер Ҳикматов. — Агар у ҳуқуқ ва мажбуриятлари яхши билса, ўз ҳақини ажратиб олишга ҳам қодир бўлади. Фақатгина шу йўл билан самарали натижага эришиш мумкин.

Маҳалла раиси уч йиллик фаолияти давомида икки мишдан зиёд аҳоли билан ишлайди. Ўз ҳудудида истиқомат қилаётган одамларнинг

дардини ўзиники билиб, тинимсиз елиб-югуради. Шундай экан, уларни моддий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Боиси маҳалла мутасаддилари бевоқифа туман ҳокимликлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Тез-тез турли тадбир ва йиғилишларга қаққиради. Бир ойлик йўл харажатларини ҳисобласак, анчагина пул бўлади. Қолаверса, бу билан маҳаллаларда қузатилаётган айрим коррупцион ҳолатларнинг ҳам олдини олган бўламиз.

Маҳалла раислигига сайланганларнинг кўпчилигини ёши катталар ташкил этади. Шундай экан, уларнинг саломаатлиги ва ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор зарур. Эҳтимол, улар касаб уюшмасининг туман бўлимига аъзодир, лекин имтиёزلардан фойдаланиш тартибини яхши билишмайдилар. Ҳеч ким бу ҳақда тушунча бермайди. Шу масалага ҳам дарс жараёнида алоҳида тўхталиб ўтаялми. Байрам саналарида қўшимча рағбатлантиришни қўриб қиқши зарур. Зеро, уларнинг меҳнати шунга арзийди.

Хулоса қилиб айтганда, шиддат билан ўзгартириш бораётган глобаллашув замониди давлатимизнинг ижтимоий, иктисодий, маънавий-маърифий ривожланиши ва ҳавфсизлигини таъминлашда ҳамда ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамиятига ўтиш даврида ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеи, ўрни, вазифалари, ваколатлари ва бошқа ҳуқуқий нормалари тизимини яратилиши лозим.

Шахноза
РАҲИМХҲҲАЕВА
«Mahalla»

Тошкент ва Варшава ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилади.

Мингўриқнинг минг бир муаммоси бор

ЁХУД АҲОЛИНИ ҚИЙНАЁТГАН МАСАЛАЛАР ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПАДИ?

Бугун пойтахтимизда амалга ошириляётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида Тошкент шаҳри янада чирой очиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораётир. Бироқ Юнусобод тумани «Бўзсув» маҳалласида мавжуд вазиятни кўрган киши юртимизда амалга ошириляётган ислохотлар бу ергача етиб келмаганими, деган фикрга боради.

Жумладан, маҳалла худудидаги Мингўриқ 2-тор кўчасида жойлашган 2 қаватли уйларда яшаётган аҳоли узок йиллардан бери ўзларини қийнаб келаятган бир қатор муаммолар билан мурожаат қилмаган ташкилотлари қолмаган. Пойдевори чўкиб, борган сари чуқурлашиб бораётган 16-уйга киришингиз билан димоғингизга урилган газ хидидан бошингиз айланади. Маҳалла ахлининг айтишича, бу бўйича мутасаддиларга қилинган мурожаат ҳеч қандай наф бермапти.

— Тўғриси айтсам, табиий газ хиди чиқиб турган бир вақтда аҳолининг четдан ёрдам кутиб ўтириши яхши эмас, — дейди «Бўзсув» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоир Султонов. — Ахир, қувурлардан чиқаётган газ нафақат исси, балки ис-

талган вақтда ёнғин келиб чиқиб эҳтимоли билан ҳам бу ерда яшаётганлар ҳаётига хавф тугдиради-ку! Шу боис бу масалани мутахассислар келишини кутиб ўтирмай ўзимиз ҳал қилишга ҳаракат қилдик. Айни пайтда газ қувури таъмирланган.

Йўлаклар тор, уйлар кенг

Мингўриқ 2-тор кўчасига бориш учун ўтиладиган ички кўчалар бўйидаги уйларнинг йўл юзига қурилгани боис йўллар торайиб кетган. Аҳолининг ўзбошимчалик билан ноқонуний тураржой объектларини қуриб олгани бу ердан кириб-чиқиб турли ноқулайликларни юзага келтирмоқда.

Табиийки, аҳоли бу масалада туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Ҳокимлик вакиллари келиб мавжуд вазиятни ўрганиб кетишганига ҳам бир йилдан ошди. Лекин хануз бирор ўзгариш йўқ. Уйлар дўнгликда жойлашгани боис қурилган ҳар қандай объект ички кўчалардан юришни оғирлаштирмоқда.

Ёмғир уйимизга ёққандек бўлади

— Баҳорда ёққан қулни ёмғир натижасида уйларимиз сувга тўлиб кетди, — дейди 16-уйда яшовчи Нина Саидмуродова. — Маҳаллага ҳам, ҳокимликка ҳам мурожаат қилдим, лекин ҳеч қим ёрдам беришни истамаяпти.

Мазкур масалага оидинлик қилиш мақсадида маҳалла раисига мурожаат қилдик. У эса вазият билан таништириш мақсадида бизни 16-уй томон бошлади. Маълум бўлишича, ўтган асрнинг 50-йилларида



қурилган икки қаватли ушбу тураржойда 7 та оила истикомат қилади. Бироқ Нина опа айтганидек, ёнғингарчилик кунларида уйга ҳеч қандай хавф йўқ. Чунки бино баландликда жойлашгани боис ёмғир сувлари шитоб билан пастликка оқиб, оқова ариғи устига ўзбошимчалик билан қуриб олинган «хужра»га боради. Омбор сифатида қурилган бу бино эса шикоят этасига тегишли экан. Маҳалла ахли бир неча йиллардан бери ушбу омборхонани бузиб, оқова ариғини тозалаб қўйиш мақсадидаги уринишлари бесамар кетмоқда.

«Ювиниш учун қўшни уйларга борамиз»

Юнусобод пойтахтнинг энг ривожланган туманларидан бири. Лекин ушбу маҳалладаги 7 та оила истикомат қилаётган 16-уйга оқова тармоғи тортилмагани қандай изохлаш мумкин?

— Бу уйлар қурилганига 70 йилга яқин вақт бўлаётганига қарамай, ҳамон яшаш учун етарли шароитлар яратилмаган, — дейди шу уйда яшовчи Туреунали Мамадалиев. — Энг алам қиладигани, уйимизни шаҳар оқова тизимидан бир неча метрлар ажратиб туради, холос. Биз эса ўз уйимизда на ҳолатхона, на ҳаммомга кириш имконига эга эмасмиз. Яхшики, маҳалла раисининг ёрдами билан рўпарамизда бир вақтлар чиқиндиҳона бўлган ҳудудни тозалаб, яшаш учун икки хонали уйлар қуриб олган эканмиз. Бугун қўмиллиш учун ўша уйларга чиқиб келамиз.

Неча йилдан бери «снос»га тушади, лекин...

16-уйнинг ташқи кўриниши зилзиладан кейинги ҳолатни эслатади. Туман ҳокимлигидан маълумот беришларича,

деворлари тўкилиб тушай деб қолган бино туман ҳокимлиги томонидан бир неча мартаба «қизил чизик»га киритилган. Бироқ маҳалла худудида бунёдкорлик ишларини бошлаш ортга сурилиб келинмоқда.

— «Бўзсув» маҳалласидаги ушбу икки қаватли уй авария ҳолатидаги тураржой сифатида рўйхатга олинган, — дейди Юнусобод туман ҳокимлиги коммунал хизмат бўлими мутахассиси Малика Қобилжонова. — Айни пайтда туманни ривожлантириш лойиҳасида бу ҳудуддан қатта йўл ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, қўчада жойлашган бинолар, шу жумладан, 16-уй ҳам бузилувчи тураржойлар рўйхатига киритилган. Аҳолига эса барча шароитларга эга тураржойлардан уй берилади.

«Маҳаллани обод қилишга хомий қидирамиз»

Мамлакатимизда фуқаролар турмуш фаровонлигини юксалтириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал қилишда янгича тизим йўлга қўйилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 августдаги «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Мазкур жараёнда ҳар бир сектор раҳбари қилинган ишлар юзасидан аҳолига ҳисобот бериши жорий қилинди. Қолаверса, йиғин фаолларининг ҳам ташаббускорлиги, айни масалада катъият билан иш тутиши, кези келганда ҳисобот талаб қилиши ҳам муаммоларни бу қадар илдириб қолганига сабаб бўлмади.

— Маҳалламизда 5 ярим минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди маҳалла раиси Тоир Султонов. — Им-

кон борица улар билан ҳам-жиҳатликда ҳудуддаги муаммоларни ўзимиз ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Ҳали у, ҳали бу масалада тадбиркорлар билан гаплашиб, уларни маҳаллани обод қилиш, муаммоларга ечим топиш ишларига жалб қиламиз. Эҳтимол бу ким учундир таъмағирлик бўлиб туюлиши мумкин, лекин очигини айтсам, мутасадди ташкилотларга қилган мурожаатларимиз ҳал бўлиши аксарият ҳолларда йиллаб чўзилиб кетиши мумкин. Шу боис ўзимиз тезроқ ечим топиш ҳаракатидамиз. Бироқ аҳоли уюшиб ҳаракат қилмаса, биргина мен ёки бир-иккита фаолнинг қўлидан нима ҳам келарди.

Дастурга киритилган, аммо...

Ҳудуддаги мавжуд муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилинган. Фуқаролар йиғини «Обод маҳалла» дастурига ҳам киритилган. Тез орада бу ерда улкан уюшиб ҳаракат бошланиб кетса, ажабмас. Аммо бир жиҳат эътиборимизни тортди. Нафақат 16-уй, балки маҳалла худудида бир талай ободончилик билан боғлиқ муаммолар борлиги кўзга ташланади. Катта харфлар билан «Бўзсув» маҳалласи деб ёзилган аркадан ўтшингиз билан йўл четига тўкиб кетилган чикинди кайфиятини хира қилади. Раис, масъул қотиб, маҳалла фаоллари минг жон қуйдиргани билан аҳоли ўз маҳалласига меҳр билан, ҳурмат билан муносабатда бўлмаса, уринишлар бари зое кетади.

Хулоса ўрнида

Фуқароларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, уларга муносиб яшаш шароитини яратиш бугун давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Бу жараёнда барчамиз ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, муаммони ажратмасдан имкон борица унга ечим изласак, олдимизга қўйган марраларга эришамиз. «Бўзсув» маҳалласидаги мавжуд муаммоларга тез орада ечим топилишига, йиғин ўз номига мос равишда гўзал ва обод гўшага айланишига ишонгимиз келди.

Фарход ТОЛИПОВ
«Mahalla»



Қарши шаҳрида «Ёш тадбиркорлар» коворкинг маркази очилди.

Намунали уйлар қачон намунали бўлади?

СИФАТСИЗ ҚУРИЛИШГА КИМ ЖАВОБГАР?

Кейинги йилларда янгиланган намунавий лойиҳа асосида арзон уй-жойлар қуриш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, йўл бўйлари, қишлоқ марказларида савлат тўкиб турган янги уй-жойлар киши ҳавасини келтиради. Чунки намунали уйлар ўз номига мос дид ва андозалар билан қурилаётгани эътибордаги ишлар сирасига кириди.

Марказий Фарғона худудига жойлашган Ёзёвон туманида ҳам соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ишлар қўлами кун сайин ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида «Баҳор» ва «Тошхўв» маҳалла фуқаролар йиғинида 90 дан ортиқ намунавий уй-жойлар қад кўтарди. Жорий йил эса яна 24 та ана шундай хонадонлар қуриш режалаштирилган. Мақсад — аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилиш ва улар учун муносиб бўлган маданий ва маиший шароитлар яратиш. Аммо ҳамма жойда ҳам намунали лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлар кўпга ибрат, намуна бўла олаётгани?

Тошхўвдаги аянчли манзара

«Тошхўв» маҳалла фуқаролар йиғини худудидagi Тошхўв массивида намунали тарзда қурилган уй-жой, томорка ва кўчаларнинг бугунги ҳолатини кўрган

киши намунавий уйлар қачон намунали бўлади, деган саволга жавоб ахтаради. Сабаби, 80 та 2 сотихли, 3 хонали арзон уй-жойлар қурилиши бошланган масивдаги бугунги манзара дилини хуфтон қилади. Хали қурилиш ишлари поёнига етмаган масканда бирорта ҳам «қимирлаган» қурувчинини учрата олмадик. Атрофи турли қурилиш чикиндилари, ўт-ўлан босган, номи ҳам зикр қилинмаган кўчалар, хонадонлар маҳалла манзарасига соя солиб турибди.

— Янги уйга кўчиб келганимизга уч ойдан кўп бўлди, — дейди шу ердаги уйларнинг бирида истикомат қилаётган Нодирахон Аҳмадиева. — Сифатсиз бажарилган қурилиш ишлари ҳақида кимга арз қилишни билмаймиз. Мутасаддилар келишади, қилиб берамиз дейишадиган жуфтакни ростлайди. Мана, қаранг, деворларимиздаги сувоқлар шундоқ кўчиб тушяпти, газ тармоғига уланмаган, Устига-устак сув, электр энергияси таъминотида юзага келаётган узиллишлар кўндалик ҳаёт тарзимизда қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда.


— Бизнинг уйдаги аҳолини ўз кўзингиз билан кўринг, — дея хонадон томон бошлади Хуршида Эшматова. — Эшикларимиз очилса ётмайди, ўрнатилган қўлфлар ишламайди. Қўрувчиларга эътироз билдирсак, «эшикларни давлат берган, бошқасини ололмаймиз», деб баҳона

қилишдан нарига ўтмайди. Қўл учиди бажарилган, чала қолган пардозлаш ишларининг бугунги аҳоли кўлаб нуқуллайликларга сабаб бўлмоқда.

Болалар учун ўйин майдончалари қачон қурилади?

Янгиланган лойиҳа асосида қурилган хонадонларда яшаётган аҳолининг арзудоди бу билан яқун топмади. Маҳалла марказидан атиги 4-5 километр олисда жойлашган ушбу масканда мактабгача таълим муассасаси, болалар учун ўйин майдонларини қуриш назарда тутилмаган, лойиҳага ҳам киритилмаган. Мактаб ёшидаги болаларнинг ўқув-машгулотларига бориб келишлари учун транспорт ажатилмаган.

— Аҳоли томонидан билдирилган эътирозлар бўлиди, — дейди Ёзёвон тумани ҳокимлиги уй-жой коммунал ишлари бўйича бош мутахассиси Дилмурод Назиров. — Айни кунда уй-жойларни белгиланган меъёрлар асосида қабул қилиш, сифатсиз бажарилган қурилиш ишлари устидан бевосита назорат ўрнатилди. Аҳоли кўндалик турмуш тарзини учун муҳим бўлган ижтимоий тармоқлар



қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу кунга қадар икки километрдан ортиқ газ ва ичимлик суви тармоқлари тортилди, 1 та сув минораси, сув

насоси ўрнатилиб, йўллар асфальтланди.

Қарс — икки қўлдан

Бу пурхикмат сўз замирида жуда катта маъно мужассам. Намунали уйларда яшаётган хонадон эгалари ҳам фақат талаб қилиш эмас, ташаббус кўрсатиш иш тутса, максалда мувофиқ бўларди. Гап шундаки, бу ердаги янги уйга кўчиб чиққан хонадон эгаларига (чўл худудига жойлашганлигини инобатга олиб) нафақат уй, балки 4 сотихдан томорка ҳўжалиги ҳам ажратиб берилган. Аммо, афсуски, бу ерда яшаётган аҳоли ажратилган томоркадан унумли фойдаланяпти, деб бўлмайди. Каттагина ер майдони қаровсиз, бегона ўтлар ўсиб ётибди. Бу ишларнинг бевосита ташаббускори бўлган маҳалла фаоллари нега бонг урмаяпти? Илгори иш тажрибаларини ҳаётга татбиқ этмаяпти? Ахир, ташаббус йўқ жойда тараққиёт, ривожланиш бўлмаслигини нахотки, тошхўвликлар билмаса?!

Коллежда 2 йилдан буён тоза ичимлик суви йўқ.

НЕГА, НИМА УЧУН?

Кўндалик ҳаёт тарзимиз, иш фаолиятимизда катта-кичик муаммолар учраб туриши табиий ҳол. Иш бор жойда камчилик бўлади, унинг ечимларига жавоб ҳам табиийдир. Демак, пашшадан фил ясашга ҳожат йўқ? Аммо масъулларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги, ўзибўларчилиги натижасида юзага келган муаммолар ечимига ким масъул?

Фарғона нефть ва газ саноат касб-хунар коллежиди тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлган муаммо масъулларнинг масъулиятсизлиги туфайли йиллар давомида ўз ечимини кутиб турибди. Нега, нима учун?

Гап шундаки, 2010 йилда қурилган, 435 нафар ўқувчиларнинг ўз бағрига олган ўқув биноси, 50 ўринли ўқувчилар ётоқхонаси ҳамда 16 ўринли буфет ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари тоза ичимлик суви билан мосуво бўлганга ҳам 2 йилдан ошибди. Масалани ойдinлик киритиш мақсадида касб-хунар коллежиди бўлди. Фарғона шаҳрини Қирғули мавзеси билан боғловчи катта автотомобиль йўли ёқасида «савлат тўкиби» турган коллежда ҳамма



нарсаси росоладагидек кўринди. Атрофи бог-роғ, гулу анбарлар билан бурканган. Бу ерда сув билан боғлиқ қандай муаммо бўлиши мумкин, деган ўй ўтди, ҳаёлимиздан.

Бугун сув келди

Касб-хунар коллежининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Икболжон Абдурахимов билан учрашдик.

— Коллежимизга бузун сув келди, — дейди И. Абдурахимов. — Аммо ҳурсандчилигимиз қанчалик давом этишини билмайман. Чунки сув босими жуда паст. Бу тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлган кўлаб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Ўқувчилар ақсариёт ҳолларда ташқаридан сув олиб келиб ичади. Юзага келган муаммоларни ўз кучимиз билан

бартараф этиш мақсадида коллеж худудида кўлбола қудуқ қазитдик. Аммо бу тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлган муаммоларга ечим бўлолмайди. Ушбу масала юзасидан «Сувоқова» давлат унитар корхонаси

вилоят ва шаҳар бўлиmlарига бир неча бор мурожаат қилдик, лекин ҳеч қандай ижобий ўзгариш бўлгани йўқ.

Ўқувчилар истеъмол қилишга мўлжалланган (хафта давомида бир ёки икки кунда бир мўддат бўлади) артезиан жўмрагидан томчилаётган сув эътиборимизни тортди. Бу жойда чанқокни кондиритиш учун бирмунча вақт сарфлаб, навбат кутишга тўғри келишни кўндек аён. Шунингдек, ётоқхона, ҳожатхонага тортилган сув тармоқларидаги манзара ҳам кишини ранжитади.

— Сув таъминотидаги муаммо туфайли яратиб берилган имкониятлардан фойдалана олмаймиз, — дейди ётоқхона тарбиячиси Зулхумор Икромова. — Ҳусусан, ошхона, ювинчи хоналари, ҳожатхоналарда сув

етиб бормайди. Бунинг натижасида иситиш тизимлари (аристон) ишламайди, ювинчи-га шароит йўқ. Сув бўлмаган жойида тозалик, санитария-гигиена тўғрисида гап ҳам бўлаши мумкин эмас.

Мутасаддилар нима дейди?

Тоза ичимлик суви тармоғига уланган тармоқда юзага келган муаммолар ечими нега пайсалга солинмоқда? Шу мақсадда «Сувоқова» давлат унитар корхонаси Фарғона шаҳар филиалида бўлди.

— Касб-хунар коллежи маъмурияти бу масалада бизга бир неча бор мурожаат қилган, — дейди «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Исомиддин Ҳасанов. — Чунки Фарғона шoҳ кўчаси орқали ўтган Қирғули мавзесида тоза ичимлик суви етказиб бериш тармоқлари 2017 йилда янгиланди. Яъни янги тармоқ Фарғона шoҳ кўчасидан эмас, Саноатчилар кўчаси бўйлаб тортилди. Натижада мазкур ҳудудларда табиий равишда сув босими пастайди. Биз сув таъминотини яхшилаш учун ҳудудга иккиламчи насос ўрнатиш зарурлиги юзасидан тавсиялар берганмиз. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлидаги «Коммунал хизматлар қонунларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 194-сонли қарорининг 2-илосави, 11-«а» бандида ис-

теъмолчиларга хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисоблангани ва сув истеъмоли учун коммунал тармоққа уланиш, узиб қўловчи қириш қўлфи ва қириш қўлфи билан ичимлик сувида уланиш, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми эканлиги белгиланган. Мазкур тартиб-қоидаларга кўра, хизмат кўрсатиш чегараси «Сувоқова» ДУК учун биринчи қудуққача ҳисоблангани кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, сув босимини оширувчи сув насосларини ўрнатиш бевосита истеъмолчилар томонидан амалга оширилиши керак.

Ўзимиз ҳал этамиз

Касб-хунар коллежиди юзага келган мавжуд ҳолат билан танишиш жараёнида коллеж директори Баҳромжон Саидов телефон қилиб, масалани ўз кучи билан ижобий ҳал этишга ваъда берди. Қизик, шунча йилдан буён муаммо бўлиб келаётган сув таъминоти нахотки бир-икки кунда ўз ечимини топса? Агар шундай бўлса, нега шу пайтга қадар бу масалада бош котирилмади, амалий чоралар кўрилмади, ташаббус кўрсатилмади?

Демак, йиллар давомида пайсалга солиб келинган ва катта муаммоларга асос бўлган мазкур масала масъулларнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли газак олиб келаётгани ойдinлашди.

Таъмагир раиснинг кирдикорлари

РАИСНИНГ БИР ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИ ТАФТИШДАН ЎТКАЗИЛГАНДА 25 ТА ҲОЛАТДА ЖАМИ 47 МИЛЛИОН СЎМЛИК НАФАҚА ПУЛЛАРИ НОТЎҒРИ ТАЙИНЛАНГАННИ АНИҚЛАНДИ



Одамнинг оласи ичиде бўлади(ми?)

Халқимиз мазкур нақлни бежиз айтмаган. Камронбек Маматов маҳаллага раис бўлгунга қадар озмунча югуриб, елмади. У ўзини ишбилармон, одамхон, халқ дарди билан яшайдиган қилиб кўрсатиш учун бошини урмаган девори, учрамаган одами қолмади, ҳисоб. Нима бўлса ҳам раисликни қўлга киритишни мақсад қилган Камронбек бор маҳоратини ишга солди. Охир-оқибат мўлжални беҳато уриб, ниятига эришди.

Камронбекдаги куйди-пишдиликни кўрган маҳалладошлар ниҳоят, уни ўзларига раис этиб сайладилар. Энди у одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиши кераклигини яхши биларди. Шунинг учун бор кучини ишга солди. Ҳашарлар уюштириб қўчаларни тартибга келтирди. Ободонлаштириш, тозалаш тадбирлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Амалнинг катта кичиги бўлмади. У курсисига мустаҳкам ўрнашиб олгач, мушук текнига офтобга чиқмади, деган нақлга амал қилди. Кимга ёрдам қўлини чўзса, шундан умидвор бўли бошлади. Ҳожабардорлик секин-аста таъмагирликка айланди.

Икки маротаба судланганини билишса-да, бунга кўз юмишди

Камронбек Маматовнинг аслида қимлигини маҳалладошлар яхши билсалар-да, тавбасига таянган, деган ҳулоса билан уни раис этиб сайлагандилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фориш тумани кенгаши мутасаддилари бўлғуси раиснинг илгари икки марта суднинг қора курсисига ўтирганини билишса-да, бундан кўз юмдилар.

Аслида биринчи марта жиноят ишлари бўйича Фориш тумани судининг 2002 йил 24 октябрь кунигада ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиш ва Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қоллиш шарти билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги «Амнияти тўғрисида»ги фармонида асосан, 2002 йил 25 декабрь кунги жазодан озод қилинган.

Афв этилган Камронбек берилган имкониятдан тўғри ҳулоса чиқармади.

Натижада иккинчи бор жиноят ишлари бўйича Пахтакор тумани судининг 2005 йил 12 августдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбдор деб топилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йиллик ахлоқ тузатиш ишларига тайинланди. Жазодан 2007 йил 20 октябрь кунги озод қилинди.

Эътиборсизликнинг оқибати янги жиноятларга йўл очди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, амал курсисига ўтирган Камронбек маҳалладошларининг қўлига қараб нафақа ва ёрдам пули тайинлайдиган бўлди. Маҳалла ахли юзга келган вазиятдан хабардор бўлсалар-да, юз-хотирга боришди. Ақли қириб қолар, инсофи, виждони уйғонар, деб умид қилдилар.

«Нафақанинг бир ойлигини харажатлар учун берасиз»

Маҳалла идорасига келган Тошматов раисга мақсадни тушунтирди.

— Бироз қийналиб турибмиз, шунга болаларга нафақа пули чиқариб берсангиз, қора қозонни қайнатишда асқатар-ми?! Тушунаман, раис бува, сизга ҳам осон эмас. Бир қўллаб юборинг. Биз ҳам қараб турмаймиз. Улушингиз тоқчада.

Тошматовнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган раис сал бўшагандай бўлди.

— Жуда қув бола кўринадан, қотибим Мавлонбойга учраш. Йўлини ўша билади.

Иш битадиган бўлганидан қувонган Тошматовий дарҳол қотибнинг қабулига кирди. Бўлаётган хангомадан қулоғи динг бўлиб турган қотиб дангал гапни айтди-қўйди. «Қисқаси, нафақанинг бир ойлигини харажатлар учун олдиндан бизга етказасиз. Ана шунда ишингиз ҳамирдан қил суғургандек осон битади. Бўлмаса, навбатга қўямиз. Даромадларингизни текшираимиз. Томоркангизни бориб кўраимиз. Хуллас, қилинадиган юмушлар талбагина. Шундан сўнггина ҳисоб-китоб қиламиз. Тўғри келса, оласиз, бўлмаса...»

— Бўлди, бўлди тушундим. Ҳаммаси сиз айтгандек бўла қолсин.

Тошматовий қувониб, атрофга бир ола-зрак қараб олди-да, чўнтагидан қогозга ўралган пулни қотибнинг стол тортмасига ташлади.

Жиноятга жазо муқаррар

Бундай хангомалар Камронбек Маматов раис бўлган маҳаллада авжига чиқди. Оқибатда катта миқдордаги давлат

маблағлари қўкка соғурилди. Кам таъминланган, ўзгалар қўмагига муҳтожлар бир ёқда қолиб, ўзига тўқ оилалар ёрдам пули, болалар нафақаларини ола бошлашди. Бир сўз билан айтганда, одамлар боқимандаликка ўрганди. Лекин «бузқоннинг югургани сомонхонагача» деганларидек, жиноятчиларнинг киниги ишлари узокка чўзилмади. Ҳуқуқ-тартибот органлари бу қилмишларга чек қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Жиззах вилояти бошқармаси ҳодимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Д.Сафаровдан уни жамоат ишларига жалб этиш учун 100 минг сўм, вояга етмаган 2 нафар фарзандига 14 ёшгача бўладиган нафақа тайинлаб бериш эвазига 150 минг сўм, жами 250 минг сўмни пора тариқасида олаётган Камронбек Маматов қўлга тушди. Шу боис унинг барча кирдикорлари ошқор бўлди.

Камронбек Маматов фуқаролар йиғини мансабдор шахси бўла туриб, маҳалла қотиби Мавлон Акимов билан тил бириктириб, хуфна иш тутди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилнинг 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом талабларига эид равишда иш юритган. Бу ҳол ўтказилган «хўжжати тафтиш» давомида маълум бўлди.

«Ҳотамтойлар»нинг бир йиллик фаолияти тафтишдан ўтказилганда 25 та ҳолатда жами 47 миллион 429 минг 314 сўмлик нафақа пуллари нотўғри тайинлангани аниқланди. Шундан 27 миллион 496 минг 913 сўмлик бюджет маблағлари орқича тўланиб, давлат маблағлари растрата йўли билан талон-торож қилинган фойш этилди.

— Жиноятга жазо муқаррар. — дейди жиноят ишлари бўйича Зафаробод тумани судининг раиси Анвар Ҳомидов. — Суд судланувчи Камронбек Маматовга нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқдор ва қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланганлигини инобатга олди. Унга нисбатан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Судланувчи Мавлон Ҳақимов 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоиз давлат даромадига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Аслида маҳалла одамларни ёмон йўлдан қайтаридиган, муаммосига ечим топиб, ёрдам қўлини чўзадиган, тарбиялайдиган маскан. Аммо шу масканнинг бошида турганлар тарбияга муҳтож бўлса, харомдан ҳазар қилмаса, ўзи қўриб турган, бечорақолининг ризкига чанг солса, бу тизимга ишонч қоладими?

ҲОЖИА

Носоз аттракцион бир инсон умрига зомин бўлди

Жиззах шаҳридаги «Истиклол» истироҳат боғида содир бўлган ҲОЖИА юртдошларимизни сергаклантирди. ҲОЖИАга гувоҳ бўлганлар ушбу ҳолатни бир ҳадик билан эслашади.

Ўша кунни музқаймоқ кафеидан чиққан бир ғуруҳ ёшлар боғ ҳудудидаги «Учар лиқопча» аттракционига ўтирдилар. Аттракционнинг секин-аста бошланган ҳаракати борган сари сезилди. Унда учаётган йиғит-қизларнинг қийқириғи самодани «Учар лиқопча»нинг парвозига ҳамоҳанг эди. Шу онда қутилмаган ҳолиса рўй берди.

«Учар лиқопча» аттракционининг тутқичи синиб, 7 метр баландликдан ерга қулаб тушди. Бу вақтда аттракционда турли ёшда бўлган 8 нафар йиғит-қиз бўлган. Оғир тан жароҳати олган 1 нафар қизни тез тиббий ёрдам машинасини кутмасдан шифохонага олиб бориш чоралари қўрилган. Афсуски, у шифохонага ҳам етиб бормай, йўлда жон берди.

Суриштирув натижасида ҲОЖИАВИЙ тарзда ҳаётдан қўз юмган қиз Шароф Рашидов тумани «Сўлоқли» маҳалласидан экан. 1999 йилда туғилган М.Ҳ.нинг ўлимига «Учар лиқопча»нинг ерга қилқилиши орқидан олинган тан жароҳати сабаб бўлган. Айни пайтда мазкур ҳолат бўйича тергов-суриштирув ишларини Жиззах шаҳар прокуратураси олиб бораётир.

— «Истиклол» болалар боғи 2001 йилда ишга туширилган эди. — дейди оромгоҳ оператори Ҳуриш Мирзамов. — «Учар лиқопча» эса шу йилнинг март ойида тадбиркор Бурхон Маматкулов томонидан ўрнатилган. Ўша кунни қутилмаганда одамлар билан харақатланаётган аттракцион қулаб тушди. «Учар лиқопча»нинг фойдаланишга яроқчилигини тасдиқловчи ҳужжатлар бор. Айни пайтда улар ҳуқуқ-тартибот органида. Тергов-суриштирув ишлари давом этапти. Экспертлар ва аттракционни ишлаб чиқарган завод мутахассислари чақиртилган. Ҳозир маданият ва истироҳат боғи ёпишган. Оромгоҳдаги бошқа аттракционлар ҳам текширувдан ўтказилаётир.

Кейинги пайтда жойлардаги муаммолар журналистлар томонидан оммавий ахборот воситаларида далиллик билан қўтариб чиқилляпти. Лекин ҳокимликлар, қорхона ва ташкилотлар мутасаддилари матбуотда қўтарилаётган муаммоларга бепасандлик билан қараяптилар. Ўтган йили «Mahalla» газетасида боғ ҳудудининг қийинчи-хонага айланганлиги, аттракционларнинг эскириб кетганлиги тўғрисида танқидий материал чоп этилган бўлса, ақиндагина «jizzax.uz» сайти боғнинг ёғи дам олинган мавсумига тайёр эмаслиги тўғрисида фотоайбнома берган эди. Шундан сўнг ҳам на боғ маъмурияти ва на Жиззах шаҳар ҳокимлиги бу масалага етарли эътибор қаратди.

Шу онда қийинчи бир савол қийнади: мутасаддилар матбуотда қўтарилаётган муаммоларни ҳал қилишга қиринсалар эди, ноҳус ҳолисалар юз бермаган, эндигина 20 баҳорни қаршилаган навқирон қиз ҳаётдан ҲОЖИАВИЙ қўз юмган бўлармиди?

Талабанинг баҳосини чўнтаги эмас, билими белгилаши керак

НЕГА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЪМАГИРЛИК, КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРДАН ҚУТУЛОЛМАЯПТИ?

Ўтган йилнинг июль ойида давлатимиз раҳбарининг «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи миқдори жорий йилнинг 1 январидан 20 фоизга, 1 июлидан эса 25 фоизга оширилди.



Бу ғамхўрлик ва эътибор олий таълим муассасаларида таълим-тарбия ишлари савияси ва самардорлигини тубдан ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг моддий шaroитини яхшилаш, талабаларга ҳар томонлама чуқур ва фундаментал билим бериш учун қулай имкониятлар яратди. Энг муҳими, ўқитувчиларнинг ўз талабаларига нисбатан таъмағирлиги ва маълум маънода «карамлиги» барҳам беради.

Хўш, 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида олий таълим муассасаларида айнан шу масалада озми-кўпми, ўзгаришлар кўзга ташлана бошландими? Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатларда шаффофлик таъминланаётirmi? Иمتихонлардан фақат мустаҳкам билим билан ўтиш тушунчаси ёшларда шаклланиб улғурдими?

Тўғри, орадаги муддат у қадар салмоқли эмас. Аммо масала фақат моддиятдан иборат, деганлар янглишади. Олий таълим тизимида ҳалол, фидойи, касбига садоқатли, меҳр-оқибатли, Ватан равнақи учун қайғурадиган кадрлар тарбиялашда шарафли фаолиятда ҳамон иллатлар, товланмачиликлар, таъмағирликлар кузатилаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Қанча аччиқ бўлса-да, ҳақиқат шуки, олий таълим муассасаларида ханузгача янгилиниш, ислохотларнинг туб моҳиятини тушуниб етиш, неча йиллардан буён қон-қонимизга сингиб кетган салбий иллатлардан воз кечиш ҳаракатлари деярли сезилмаяпти. Шу йилнинг ёзги сессияларида талабалар янги «шиорини» бот-бот такрорлашди: «ОТМда маошлар ошди, шу жумладан, муаллимларнинг иштаҳаси ҳам...»

«Диплом ишини сотиб олдим»

Андижон машинасозлик институти талабаси Толибжон Шерматов (исм-фамилияси ўзгартрилган). Аник маълумотлар муаллифга аён) билан суҳбатда ундан «Сизни аълочи, жамоатчи,

фаол талаба деб билишадди. Нега диплом ишини сотиб олдингиз?», дея сўради.

— Сабаби оддий. Агар диплом ишини ўзим ёзсам, аник ишонаманки, кузгача ҳам уни ҳимоя қилолмайман. Ундан кўра «сингалган» йўлдан борганим маъқул.

Ундан сир бўлмаса, ўқитувчингизга қанча пул тўладингиз, дея сўради.

— Бу нархни оиласи бадавлат талаба кўтара олади. Қолаверса, келишишга ҳам боғлиқ...

— У ҳолда билимингиз ҳаминқадарлигича қолмайдими? — Асло, мен ўз устимда ишлайман, иккита чет тилини ўзлаштирганман.

— Демак, магистратурада ҳам ўқимокчисиз?

— Шундай. Максадим Кореяда ўқиниш давом эттириш...

Энг ёмони, саводи «чикмаган» талабага-ку тайёр дипломни сотиб олиш қўл келар, аммо ўз фаҳму фаросати, илму ирфони билан диплом иши ёзишга қурби етadиганларнинг ҳам турли йўللار билан хафсаласини пир қилиш, осон ва лекин кингир йўлга бошлаш соддарок ифодалаганда таълимга, касбга нисбатан хиёнат эмасми?

Йигирманчи аср авлиёси Махмуд Аъсад Жўшон бежиз «Нафсни қанча қондирсанг, ёш болага ўхшаб шунча эркалайди» демаган экан-да. Улуғ зотнинг бу ҳикмати ўғитини ҳамма билади, фақат университетнинг айрим довларидан ташқари...

Таъмағир ўқитувчига ректорнинг тиши ўтмайдими?

Хўш, бу иллатлардан қандай қутулиш мумкин? Наҳотки, давлатимиз томонидан яратилadган шарт-шaroитлар, моддий-маънавий рағбатлар олий таълим ҳаётига мусаффо эпкин олиб киролмаса? Наҳотки, ёш авлод тарбияси, келажаги учун масъул шахсларнинг ўзларини тарбиялаш ёки уларнинг хизматидан бутунлай воз кечиш зарурияти

ўқитувчиси Азизбек Эгамбердиев. — Айнан шу хато туфайли талабалар билимга эмас, баҳога интиладилар. Шу боис, **биринчидан**, стипендияни табақалаштириб беришнинг янги, айнан илмга кизиктирадиган йўл-йўриklarини жорий этиш керак.

Иккинчидан, талабанинг ҳақиқий саводхонлиги, билимини аниқлаш жараёнига ота-оналар аралашуви катъий барҳам бериш лозим.

Учинчидан, рейтинг дафтarchаси талабанинг ўзида бўлсин, ҳар бир имтихондан сўнг ўша заҳоти баҳосини билсин. Ҳафталаб домлалар ортидан юриб, баҳони сунъий равишда орттиришга йўл қўйилмаслиги мақсадга мувофиқ. Ва ниҳоят, энг муҳими, ўқитувчи этикаси, талабалик маданияти бўйича ахлоқ кодексини тақомиллаштириш даври келди. Бусиз, осмонга ўқ отиб, нишонни кўзлай олмаймиз.

А.Эгамбердиевнинг айтишича, фан ўқитувчилари ўртасида кучли рақобатнинг йўқлиги айрим ҳамкасбларнинг таъмағирлигига имконият яратяпти.

Агар муаллим ўзи эгаллаб турган лавозимни кадрласа, ҳамиша изланса, ўқишдан тўхтаган, фикрлашдан ҳам тўхташини билса, уларнинг ҳаёлида илмга чуқур шўнғишдан бошқа мақсад қолмайди. Яна бир гап: кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги низомни ҳам тубдан янгилаш даркор. Бугун биз ўзимизнинг ҳам касбга лойиқлик даражамиз ҳақида муттасил ўйлашимиз, билим ва маҳоратимизни ошириб боришимиз давр тақозосидир.

Хулоса шуки, олий таълимни тубдан ислох қилиш, тизимда коррупция ва таъмағирликка барҳам бериш, профессор-ўқитувчиларнинг сифат таркибини қайта кўриб чиқиш фурсати аллақачон етиб келди. Зотан, бугун таъмағир ва нопоқ ўқитувчиларнинг пайи қирқилмас экан, нафс бандалари талабалар билимини уларнинг миёсига эмас, чўнтагига қараб баҳолашда давом этаверадилар.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ:

Дунёга машҳур университетлар

Гарвард университети — нафақат АҚШдаги, балки дунёдаги энг машҳур олий таълим муассасаларидан биридир. 1636 йилнинг 8 сентябрида асос солинган мазкур кадимий университет Массачусетс штатининг Кембриж шаҳрида жойлашган.

■ Маълумотларга кўра, Гарвард тахминан 2100 нафар ўқитувчи ва 6,7 мингта яқин талаба, 14500 нафар тадқиқотчига эга. Нобель мукофотининг 75 нафар совриндори ютуқлари айнан университет билан боғлиқдир. Ушбу университет битирувчилари орасидаги миллиардерлар сони бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Гарвард дунёдаги энг йирик мақсадли капиталга эга. Эндаументнинг миқдори 323 млрд. АҚШ долларидан зиёд. Harvard Library — АҚШдаги энг йирик академик кутубхонадир. Университет техника, гуманитар ва табиий фанлар бўйича кучли билим берувчи ва илғор тадқиқотлар ўтказилувчи бебаҳо таълим тизимига эга. Унинг таркибида 12 та коллеж ва факультет бор.

Энг илғор олий таълим

Япония олий таълим тизими дунёга намуна бўла олади. Қунчиқар юрда февраль ойида бутун мамлакат бўйлаб «Сэнта сикэн» — марказлашган битириш имтиҳони бўлиб ўтади. У бирийўла бир неча фан — инглиз тили, япон тили, математика, ижтимоий фанлардан ўтказилади. Университетларга кириш имтиҳонлари январь ва март ойларида ташкил этилади.

Япониянинг энг нуфузли давлат университетлари — Киото ва Токио университетлари. Бакалавр босқичида таълим олиш, университет турига қараб 7 000 доллардан бошланади, магистратура ва докторантурада — 7 000 доллардан 12 000 долларгача. Энг қиммат таълим — Васэда университети табиий-илмий ёки

технология факультетда академик йил(42 000 долларгача)дир.

Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотларига кўра, япон абитуриентларининг бор-йўғи 1 фоизгитина хорижда олий таълим олишни танлайди. Чунки қўшлаб соҳаларда япон олий таълим муассасаси дипломи хорижий дипломдан афзал саналади. Япония ОТМларида фақат 18 ёшдан ўкишга кириш мумкин. Уларда вундеркиндларга кизикиш йўқ. Ҳужжатлар фақат мактабдаги 12 йиллик таълимни тасдиқловчи абитуриентлардан қабул қилинади.

Энг ёрқин университет

Кембриж — Буюк Британияда жойлашган, Европанинг энг кадимий ва афсонавий университети. Кучли таълим тизими, у ерда тахсил олганларнинг муваффақиятло порлоқ истикболи боис «Ёрқин университет» сифатида танилган. Дунёда ҳеч бир университет бир жихат — деворларини беэаб турган, шу даргоҳда таълим олиб Нобель мукофотига эришган собиқ талабалари сони билан унга тенглашолмайди. Юксак мукофот эгаларининг 88 нафари шу даргоҳда таълим олган.

Кембриждаги барча коллежлар ва факультетлар бир неча ихтисослаштирилган мактабларга бўлинади. Улар: санъат ва гуманитар фанлар, биология йўналиши, клиник тиббиёт, ижтимоий фанлар, физика йўналиши ҳамда замонавий технологиялардир. Бу ерда ўқиш учун қатта маблағ зарур. Маблағ миқдори эса қатор омилларга, жумладан, ихтисослик турига боғлиқ. Ўртача миқдор эса 15 минг фунт стерлингни ташкил этади.

ГУЛҲАЁТ тайёрлади.

Ўзбекистонда йил бошидан буён биринчи марта дефляция қайд этилди.

Оналик шаънидаги қора доғ

ЎРГАНИШЛАР ШУНИ КЎРСАТМОҚДАКИ, ФОҲИШАЛИКНИ КАСБ ҚИЛГАНЛАР, АСОСАН, ОИЛАСИДАН АЖРАШГАНЛАР, НОСОҒЛОМ ОИЛАВИЙ МУҲИТДА ЯШАЁТГАНЛАР, ИШСИЗЛИКДАН ҚИЙНАЛАЁТГАНЛАРДИР

Ярим тун. Пойтахт кўчаларидан бири. Бу ерда қизғин «савдо» кетяпти. Аёл ўз танаси устида савдолашмоқда. Шарм-ҳаё, уят унга бегона. Фоҳишаликни ўзига касб қилиб олган, танасини сотиш билан ҳаром пул топиб кун кечиришни афзал билган бу аёл ушбу йўлнинг адоғида уни нималар кутаётганини тасаввур ҳам қилолмайди. Агар улардан биронтасига «нега бундай қиялпсан», деб кўринг-чи. «Тирикчилик қиялпман», «бола боқишим керак», «уйим йўқ» ва ҳоказо муаммоларни қалаштириб ташлайди. Аммо бизнинг жамиятда ҳеч ким очидан ўлгани йўқ.

Одамлар очкўзлик қурбонига айланишяпти, холос. Ўзбек аёли нега бунчалик тубанликка кетмоқда? Ахир, сабр-тоқат, вафдорлик, шарм-ҳаё аёлларимизнинг беағи эмасми? Нега аёл айнан енгил йўлни — фоҳишаликни танламоқда? Бу ролзот ботқоқидан уларни қандай қутқариш мумкин?

Аслида фоҳишалик ҳар қайси замон ва макон учун бегона эмас. Лекин ҳар бир давлат, ҳар қандай тузум унга қарши курашади, жараёнин назоратда ушлаб туришга ҳаракат қилади. Ғарбнинг энг демократик давлатларида ҳам фоҳишалар тартиббузар сифатида қўлга олинади, турли профилактик тадбирлар ўтказилади. АКШнинг айрим штатларида нафақат фоҳишалар, балки уларнинг мижозлари ҳам жавобгарликка тортилиши, жиноят қуроли сифатида автоуловлари ва турар-жойлари мусодара қилиниши ҳақидаги қонунлар ишламоқда. Бу иллатга қарши ўтказилган рейдлар натижасида қанчадан-қанча ноқонуний фаолият олиб бораётган шахслар, қуликда ушлаб турилган инсонлар аниқланади, катта жиноятлар фожия қилинади ва юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинади.

Муаммонинг илдизи анча чуқур...

— Юртимизда аёлларга берилаётган имкониятлар ва улардан самарали фойдаланиб ютуқларга эришаётганлар талайгина, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Дилором Қўзиева.

— Аммо арзимаган ижтимоий қийинчиликлар туфайли фоҳишаликни касб этаётганларнинг ҳаёти ўрганилганда, кўпчилиги турмушидан ажралган, ишсиз, яшаши жойин бўлмаган аёллар экани ойдинлашди. Улар қаерга, қандай мурожаат қилишни ҳам билишмагани боис одам савдоси қурбонига айланишяпти. Қўшмачилар учун тайёр товар сифатида қўлланилиши ачинарли. Бу йўлдан қайтиб ҳаётини янгидан бошлашга уринганлар билан бирга, аксинча қайтадан шу йўлга қираётганлар ҳам борлиги ачинарли. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, фоҳишаликка, асосан, оилавий ажраллиқлар, носоғлом оилавий муҳит, ишсизлик сабаб бўлмоқда. Ички ишлар органлари томонидан ўтказилган рейдлар натижасида қўлга олинган, фоҳишалик билан шугулланувчи аёллар билан алоҳида ишлар олиб борилмоқда. Улар биринчи навбатда тиббий кўрикдан ўтказилиб, муаммолари



Ўрганилмоқда.

Бу йўлдан қайтиш, аввало, аёлнинг ўзига боғлиқ. Унинг ўзи бу ишга нотўғри эканини англаб етиши лозим. Чунки мулоқотлар натижасида кўп аёлларимизнинг ичиди дарди борлиги, уни ҳеч кимга айта олмастлигига гувоҳ бўлди. Аёл кўпинча қийинчиликка учраса, меҳнат жамоасида, оиласида ёки кўча-кўйда ўз дардини бировга билдирмайди, унда кимдандир ёрдам олиш кўнкаси йўқ. Шу боис ҳозирда барча ҳудудларда Ижтимоий мослашув ва реабилитация марказлари ташкил қилинмоқда.

Бугунги кунга қадар мана шундай марказлар сони республикаимиз бўйлаб 160 тага етди. Марказлар ҳақида эълон қилинганда бир томондан «бизнинг аёллар уялиб, мурожаат қилмасликка мумкин» деган ҳадик ҳам бор эди, лекин адашган эканмиз. Шелтерлар очилганига ҳали бир йил бўлмаса-да, жуда кўп аёлларнинг дардига малҳам бўлди. 2018 йилнинг ўзига Ижтимоий мослашув ва реабилитация марказларига 7000 дан зиёд аёл мурожаат қилди. Жорий йилда эса ўтган 4 ой ичида 4 120 нафар аёл ёрдам кўрсатилди. Аёлларнинг марказларга мурожаати сабаблари турлича. Ҳозирга қадар қилинган натижасида мурожаат қилган 589 нафар аёлини тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтириш, 1107 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, 1000

дан ортик аёлга психологик ёрдам кўрсатилди.

22 барабарга кўпайган

— Фоҳишабозлик 2012 йилда 1017 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич йил сайин ошиб бораган, — дейди Ички ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси инспектори Рашид Раҳимов. — 2017 йилда бу рақам қарийб 3 мингга ташкил этган. Такроран фоҳишалик билан шугулланиш ҳолатлари эса 22 барабарга кўпайган. Шу боис юртимизда фоҳишалик билан шугулланганлар учун қонунан жазо чоралари қучайтирилди. Ҳаттоки, қамоқ жазоси ҳам белгиланди. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддасига ўзгартириш киритилиб, фоҳишалик билан шугулланганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч барабаридан етти барабаригача жазима солиниши белгиланди. Агарда ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг етти барабаридан ўн барабаригача миқдорда жазима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олинишга асос бор. Афсуски, қонундаги ўзгартиришлар ҳам бу иллатнинг олдини ололмаяпти. Яқинда республикаимизнинг барча ҳудудларида

тунги рейдлар ўтказилди. Тунги клублар, сауна ва меҳмонхоналарда ташкил этилган 2861 та рейд доирасида 258 нафар енгил табиатли хотин-қиз аниқланиб, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказилган. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 87 нафар шахсга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди.

Ўзбекистон 2003 йилда БМТнинг 1949 йил 2 декабрдаги «Одамлар савдоси ва фоҳишабозлиқни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилган. Чунки одам савдосининг жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар савдоси энг хавфли шакллари ҳисобланади. Тахлилларга кўра, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони республикаимизда йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг февраль ойида Туркиянинг Истанбул шаҳрида полиция ходимлари томонидан жинсий қулликда бўлган ўзбекистонлик аёллар қутқарилди. Маълумотларга кўра, ўтказилган тезкор операция натижасида Ўзбекистон ва Қирғизистондан келган аёлларни фоҳишалик билан шугулланишга мажбур қилган жиноий гуруҳ аниқланган. 50 нафар аёл ўзбекистонлик бўлиб, улар фоҳиша-ликка мажбурланган.

Хулоса ўрнида

Аёлнинг дунёдаги энг биринчи вазифаси — оналик. Аёл оналикка муносиб бўлсагина, ҳурмат-эътиборга, эъзозга лойиқ қўрилади. Аммо аёлликка ва оналикка доғ туширувчи иллат жамиятнинг ҳам оғирлиги нуктасидир. Бу иллатнинг сабаблари ва омиллари талайгина. Энг ачинарлиси, буни ўзига касб қилиб олаётганларда ор-номус, ҳаё йўқ. Шу боис муаммага нисбатан ҳеч биримиз бефарқ бўлмастлигимиз, бундай салбий ҳолатларга қарши курашда, кенг жамоатчиликни жалб этиш, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда самарали ишлар олиб боришни даврнинг ўзи тақоза этмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Фоҳишахона очган қамаладимми?

— Ҳа, унда қўшмачилик қилган ёки фоҳишахона очган кишига нисбатан қонунда қандай жазо бор?

Н.ЭРГАШЕВА.
Самарқанд шаҳри.

Паризод ЗОКИРОВА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси Тошкент вилояти бўлими етакчи назоратчи ҳуқуқшуноси:

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддасида қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш бўйича белгилаб берилган. Унга кўра, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш барабаридан эллик барабаригача миқдорда жазима ёки уч юз олтими соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади дейилган. Ҳамда фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик барабаридан еттими беш барабаригача миқдорда жазима ёки уч юз олтими соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дея белгилаб қўйилган.

ҚИСКА ХАБАРЛАР

Тошкентнинг 6 та туманида ИИББ ходимлари томонидан фоҳишалик билан шугулланишда гумон қилинган 74 нафар аёл қўлга олинди.

Яшнобод, Бектемир, Миробод, Юнусобод, Учтепа ва Чилонзор туманларида қўлга олинганларнинг 11 нафари аввал Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддаси («фоҳишалик билан шугулланиш») билан жавобгарликка тортилган. Бундан ташқари, 40 нафар аёлдан 30 нафари аввал турли қондабузарликлар учун ички ишлар бўлимига олиб борилган. Ушар ерда улар тиббий кўрикдан

ўтказилиб, ишга жойлашиш ва тураржой муаммосини ҳал қилишда ёрдам кўрсатилмоқда.

22 июнь куни соат 11.00 да пойтахтимизнинг Юнусобод туманида фоҳишахона борлиги аниқланди. Маълум бўлишича, 46 ёшли Р.М. мунтазам равишда 100 минг сўм эвазига «ёлғиз қолишни истаганларга» уйидан жой берар экан. Ушбу факт бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси бўйича («Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш») жиноий иш қўзғатилди.

Инисининг фарзандига тиғ кўтарган акага ёки велосипед ўғирлаган қарияга нима етишмаган эди?

Қариндошлар юзқўрмас бўлса...

Хаётда инсон бир-бирини қўллаб яшаганига, турмуш машаққатлари ортга чекинади. Зеро, ҳаётнинг энг қувончли дамларию ғам-ташвишли онларида ҳам фақат атрофингиздаги яқинларгина сизга ҳамдард, ҳамфикр бўлиши мумкин. Бу яқинлар эса, албатта, биринчи галда туғишган ака-ука, опа-сингил, ота-онанинг қариндошларидир.

Бирок кейинги вақтларда юз бераётган айрим воқеа-ходисаларни таҳлил қилганимизда, ана шу яқинлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари омонат чиқаётгани, арзимаган баҳонаю сабаб бир-бирига қўл кўтараётган, ҳатто жигарининг қонини тўкишгача бораётган қариндошлар учраётгани ташвишлантиради. Наҳотки, бир парча ер, арзимаган мол-мулк, пул дея шу даражагача борилса?!

Газетамизнинг жорий йил 25-сонида Наманган вилояти Чортоқ туманида юз берган муҳиш қотиллик — уқанинг бир парча ер талашиб, ўз акасининг қизларини белкуррак билан уриб ўлдиргани хақида «Навниҳол жиянлар бир парча ер қурбонига айланди» сарлавҳали мақола чоп этилган

ДАРВОҚЕ:

Наманган вилоятидаги мавжуд 775 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!», деган туйғуни ҳар бир фуқаро, аниққса, ёшлар онгида шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида, ҳар бир оила, таълим муассасаси, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш юзасидан турли тадбирлар давом эттирилмоқда. Ўтказилаётган учрашув-мулоқотларда маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган иншисизлик, ғиёвандлик, қаровсизлик, оилавий низо каби иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарурлиги таъкидланяпти. Натижада жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 524 та маҳаллада умуман жиноятчилик қайд этилмади.

эди. Афсуски, мазкур мақолада кўтарилган масала қизгин муҳокама қилинаётган бир пайтда вилоятнинг яна бир тумани — Тўрақўрғонда ҳам шунга ўхшаш фожиа қайд этилди. Очиги, интернет тармоғида тарқалган «Наманганда фуқаро мерос туфайли уқасининг хотини ва кизини пичоклаб ўлдирди» мазмундаги муҳиш хабар барчани ларзага солди.

Асл ҳолат қандай бўлганди?

Маълум бўлишича, Тўрақўрғон тумани марказида бундан уч-тўрт йил аввал бошланган ободлаштириш ишлари доирасида бузилган хонадонлардан бири 97 миллион сўмга баҳоланиб, пули ўн нафар меросхўр фарзандларга бўлиб берилди. Шу билан тўрт ини ва олти опа-сингил ўртасидаги мерос мижораси барҳам топгандек эди. Бирок қутилмаганда низо яна кучайиб, оилавий жанжалга айланди. Ҳатто ўғиллардан бири — Бахтиёрнинг бевакт вафоти ҳам бу совуқчиликни бартараф этолмади.

Шу йилнинг 24 июнь кунни тунги соат 23:00 да раҳматли уқасининг хонадонига қадам ранжиди қилган ака(исмини тилга олишни лозим топмадик)нинг мақсади ёмон эди. Бунга унинг ўзи билан пичок олиб киргани ҳам далолатдир. Даҳанаки жанг, тортишувларга айлан шу пичок якун ясади. Ҳа, оиланинг яқини — хонадон эгасининг туғишган акаси томонидан тиг оркали етказилган оғир жароҳатлар оқибатида оила соҳибаси ва унинг 1987 йилда туғилган кизи вафот этди. Эндигина йигирма беш ёшни қаршилаётган яна бир киз эса тезкор тиббий муолажалар ёрдамида омон қолди.

— Қутилмаган бу фожиа бутун маҳалла аҳлини қарат аҳволга солиб қўйди, — дейди «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Насиба Назарова. —

Очиги, бу сулолада мерос масаласи анча олдин кўтарилганда ҳайрон қолганмиз. Чунки ака-ука, опа-сингилларнинг бари ўзига туғ, қўша-қўша ҳовли-жой, машиналаригача бор. Лекин ота-онадан қолган мерос уй пулини тақсимлашда муро-сасизлик келиб чиқди. Ҳатто туманимизда чоп этилган «Давр» газетасининг ўтган йилги сонларидан бирида «Бегона айланинган қариндошлар» сарлавҳали таъкидий-таҳлилий мақола ҳам босилди. Кенг жамоатчилик ва маҳалла-қўй арасида билан орадаги муносабатлар бироз тиклангандек эди. Аммо гафлатда қолдик...

Юқоридаги ҳолатда яна маҳалла фуқаролар йиғинини айблаш фикридан йироқмиз. Зеро, бундай вазиятда ҳеч ким атайлаб ўзини четга олмайди. Маҳалланинг қайвонилари тасаввур этишганида эди, бошқачароқ йўл туттишган бўлишарди, эҳтимол. Яна бир жиҳати, ҳозиргина олдингизда бошини эгиб, қилган ишидан пушаймонлигини айтиб турган инсоннинг қалбиди нима яширин эканини қопчи билишнинг имкони бўлса. Фақат бир ҳаёт ҳақиқати борки, жажал отига миниб, боз устига, ёнига пичок олиб, уқанинг уйига кетаётган ақани қимдири кўргандир?! Демак, фожианинг олдини олса бўларди...

«Одамнинг оласи ичиди...»(ми)?!

Ушбу муҳиш қотиллик барчамизни огоҳликка қорлаб, ҳушёрликка даъват қилади. Зеро, жиноятнинг қатта-кичиги бўлмайди. Фақат бундай инсонийликка зид қилмишлар тез-тез учраб тураётгани, жиноятга қўл ураётганлар орасида эса ҳаётнинг паст-баландини кўрган, аччиқ-чучутини татиган инсонлар ҳам борлиги ачинарлидир.

Одатда одамлар гуноҳларини ювиш, Аллоҳнинг фарзларини адо этиш учун масжидга келадилар. Бу масканда бўлар-бўлмас сўзлардан, ғийбатдан тийиладилар. Чунки масжид рамзий



маънода Аллоҳнинг уйи. Буни қарангки, кўча-қўйда, ўз уйида қилаётган гуноҳлари қамлик қилганидек, Аллоҳнинг уйи, яъни масжидда ҳам ўғирлик қилишдан чўчимайдиганлар бор экан. Велосипедда намозга келадиганларни кузатиб юрган кишининг бундай нопок мақсадига «улов»ини қўлламай қилиб кетадиганларнинг ишончи айни муддао бўлди.

Хуллас, илк бор бу ҳунук иш содир этилганида одамлар ёқа ушлашди. Ҳатто ишонимасди. «Наҳотки?! Астафурulloх, болаларингиз олиб кетгандир-е», дейишди. Шу билан на арз қилиш, на қилмаслигини билган жабрланувчи ўғрини ҳудода солиб қўя қолди. Орадан бир ой ўтиб-ўтмасдан эса... Яна такрорланган ўғирлик қилишларни энди ҳайратга солибгина қолмай, ҳушёрликка ҳам қорлади. 1 млн. 100 минг сўмлик велосипеди йўқолган фуқаро эса ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Назоратга олинган объектда роппа-роса бир ойдан сўнг учинчи бор ўғирлик содир бўлди.

Ўғригина қария набиралар олдида мулзам бўлди

Ҳа, қутилмаганда ўғри топилди — ёши бир жойга бориб қолган, бундан кейинги ҳаётини ёш авлодга ибрат қилиб ўтказиши лозим бўлган кекса инсоннинг шу ишга қўл уриши қимнинг ҳаёлига келибди дейсиз. Отаҳон велосипедларни ўғирлагач, қўшни Учқўрғон тумани бозорида арзон-гаров сотиб юраверган, Уйчи туманида яшовчи фуқаро, бир неча набиранинг бобоси М.М. судда шундай илтижо қилди: «Қилмишим туфайли болаларимнинг турмуши ногина бўлди, мен билан мурасалари кетди, шарманда бўлдим, шунинг ўзи қатта жазо менга. Илтимос, енгиллик беринглар. Барчасини тўлайман, қайтараман...»

— Дарҳақиқат, ўғирланган велосипедлар топилиб, эгаларига қайтарилди, — дейди жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди Суд амалиётини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи А.Арипов. — Жабрийдалар эса даъволаридан кечдилар. Инсонпарварлик, кечиримчилик ва, албатта, одиллик тамойилларига йўғрилган суд бу жиҳатларнинг барчасини инобатга олди. М.М.га озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо берилди.

— Юз берган воқеа нафақат ёш авлод, балки ёши катта инсонлар орасида ҳам тарбиявий ишларни олиб бориш лозимлигини кўрсатди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Уйчи тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари Камолдин Низомов. — Ҳозирда тумандаги мавжуд 56 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!» шиори остида тарғибот-мушунтириш ишларини олиб бораётиз. Профилактик тадбирларга ибратли умр йўли, бой ҳаётий тажрибаси, намунали оиласи билан қўнға ўрнай қайвони отаҳон ва онахонларни жалб этганмиз.

Дарҳақиқат, ноҳуш ҳодисага тезкорлик билан муносабат билдирилгани, такрорланмаслиги учун чоралар кўрилгани яхши, албатта. Лекин халқимиз билиб айтганидек, кейинги пушаймондан фойда йўқ. Зеро, жамоатчилик жиноий ҳаракатлардан бир кадам олдинда юрмас экан, юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш осон кечмайди.

Илҳомжон РАҲМАТОВ
«Mahalla»

Маҳалланинг намунали бўлиши, жинойт содир этилмаслиги кимга боғлиқ?

ЙИГИН ФАОЛЛАРИГА ҚЎЛ-ҚАНОТ БЎЛИШДА ОДАМЛАРГА НИМА ТЎСКИНЛИК ҚИЛАДИ?

Президентимизнинг «Маҳаллани жинойтдан холи ҳудудга айлантириш»га доир ташаббуси аслида мамлакатимизнинг тараққиёти, фуқароларнинг ҳавфсиз ва фаровон яшаши, ёш авлод келажаги учун қайғуриб илгари сурилган даъватдир. Айни ташаббус доирасидаги «Менинг маҳалламда жинойт содир бўлмаслиги керак!» шiori аксарият маҳаллаларда ҳаётбахш самаралар бермоқда — биронта жинойтчилик, ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўймаган, намунали тажрибалари билан республика маҳаллаларига ўрнак бўлаётган фуқаролар йиғинлари сафи кенгаймоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари орқали юртимизда юз бераётган аяқчи воқеалар, котиликлар ҳақида ҳам хабар топтоқдамиз. Бундай вазиятда кўпинча жинойтнинг юзига келтирган сабабларга қарши курашмаган фуқаролар йиғини ходимларини айблаш, «Қаёққа қараяпти?» дея таъна қилишга ўтиб олиш, айниқса, яққол кўзга ташланади. Тўғри, ҳудуднинг жинойтдан асраш, одамларнинг лардини тушуниб, муаммосини аритиш — маҳалланинг иши. Аммо айрим йиғинларда аҳоли сони ўн минг нафардан зиёдни ташкил этишини ҳисобга олсак, маҳалла оқоиништаларини икки ёки уч-тўрт нафар ходимнинг ўзига ташлаб қўйиш ҳам адолатдан эмаслиги аён бўлади.

«Бизда ҳаммаси ҳисобга олинган»

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли ана шу ҳақиқатни англаб етди. Улар йиғин раиси Баҳодир Назаровга ҳар нисда елкадон бўлишга, ёрдам беришга интилишди. Шунинг учун ҳам раис 15 йилдан бери одамларга бош, ҳар галги сайловларда ютиб чиқди. Аслида маҳаллада 16 хил миллат вакиллари истикомат қилишди, 41 та кўп қаватли, 300 та ҳовли хонадонларда 6 минг 500 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳар бир уйга уйбошилар тайинлангани, 2 нафар профилактика инспектори билан ҳамкорликда иш юритаётгани самараси ўларок, маҳалланинг кўчалари тинч ва осуда, жинойтдан йироқ. Раисдан бундай ютуқларнинг сирини сўрадик.

— Ёз мавсуми дам олиш, уй-жойни таъмирлаш учун қўлай, — дейди «Дўстлик» ордени соҳиби Баҳодир Назаров. — Шунинг ҳисобга олиб, қўйиш ёки таъмирлаш олиб борилаётган уйларга ҳар ҳафтада кириб чиқамиз. Усталар билан танишиб, уларнинг вақтинча яшашлари давомида назоратимизда эканларини эслатамиз. Қолаверса, ҳудудимизда ижарада турувчилар ҳам кўп. Бундай кишиларнинг рўйхатини шакллантирганимиз,



уларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан бирга, мажбуриятларини ҳам эслатамиз. Бундай иш тутуми туфайли бизда паспорт режимида доир ҳуқуқбузарликлар барҳам топган.

Аслида Алишер Навоий номидаги маҳаллада вазият ўз-ўзидан яхшиланб қолмаган. 2016 йилда ҳудудда содир бўлган 26 та жинойт аҳолининг тинчлигини бузганди. Шундан сўнг йиғинда ҳар бир ҳолат муҳофама этилди, кенг жамоатчилик иштирокида суҳбат, тарғибот юритилди. Одамларнинг иллатлардан қутулиш борасидаги тавсиялари, фикрларига қулоқ тутиши оқибатида жинойтчилик кўрсаткичи кейинги йили 20 тага қайтарилди.

— Вояга етмаганларни жинойт олампидан асрашга интиламиз, — дейди ҳудуд профилактика инспектори Лазиз Жуманов. — Бунинг учун болалар майдончалари, спорт майдонларини кўпайтирдик. «Динамо» стадиони билан ҳамкорлик ўрнатиб, 100 нафарга яқин ўша-қизнинг 4 та спорт тури билан доимий шугулланишига эришдик.

Раиснинг режалари

— Мухтарам Президентимиз китобхонликка эътибор қаратганидан жуда ҳайрли бўлди, — дейди Б.Назаров.

— Бизда ҳам тез-тез китобхонлик кечалари ўтказилади. Шу пайтгача ҳудудда кутубхона йўқлиги бу борадаги савий-ҳаракатларимизга соя солаётгандек эди. Аммо замонавий кутубхона қуриш ишларида қиришдек. Насиб этса, Мустақиллик байрамига ҳаётимизни қўйиб, аҳолини хурсанд қиламиз.

Агар раис ҳудудни ободонлаштирамиз, деса, маҳаллада барча бу ишга бош қўшади. Ҳатто «ҳашар», «маҳаллачилик», «юз-юзга тушади» деган тушунчалар менталитетига ёт бўлган айрим миллат вакиллари ҳам бундай тадбирлардан четда қолмайди. Айниқса, уларнинг бирдамлиги ҳудуддаги қабристонни ободонлаштириш ишларида жуда билинди, ҳаш-паш дегунча каттагина маблағ йиғилиб, қабристон ораста ҳолга келтирилди, шийпон қурилди.

«Олмачи»да 10 минг одам яшайди

Тумандаги «Олмачи» маҳалласининг ҳудуди катта. Маҳалла раиси агар 70 гектарли ушбу йиғинни айланиб чиқай деса, 6 та бекат масофа йўл босиши керак. Аҳоли ҳам шунга яраша — қарийб 10 минг нафар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши берган маълумотларга кўра, ҳудудда фирибгарлик, ўғирлик каби жинойтлар тез-тез учрайди.

Жумладан, бир йилгит ўз буви-сининг буюмларини ўмарди, 10-синфда ўқийдиган йилгитча эса қўшнисини ўлдириб қўйди. Ичкиликка берилган аёл панд-насихатларга қулоқ тутса-да, бир-икки кундан сўнг яна ўз билганича ҳаётини давом эттирди.

Аслида ишсизлик, мақсадсизлик одамни жинойт қўчасига ундайди. Шу боис «Олмачи»да аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежларини биттирганларни ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбир билан қизиқдик.

— Ҳар бир хонадонга кириб чиқатмиз, — дейди «Олмачи» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маъна-

вий-ахлоқий кадрларнинг мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Марҳамат Рўзматов. — Бизда кўпчилик аёллар оилада бола парварishi, рўзгор юмушлари билан банд. Аммо расман ишга муҳтожлар ҳам бор. Уларнинг бирор ишининг бошини тутиши учун бош қотираётмиз. Коллеж битирувчилари масаласига келсак, ҳали уларнинг рўйхатини тўлиқ шакллантириб улгурмадик.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонида мувофиқ қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларнинг мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига кўра, мутахассис лавозими оилалар сони 2000 гача бўлган фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан жорий этилади. Аммо «Олмачи»да ҳамон бир нафар мутахассис фаолият юритмоқда. Мутахассис эртдан-кечгача меҳнат қилса-да, вазифаларининг барчасига улуғра олиши амримаҳол. Фаолларнинг айтишича, вакант турган ушбу лавозимга муносиб номзод ҳануз топилмапти.

Вазиятни ўнглашнинг имкони борми?

Шу ўринда бир мулоҳаза, 4 мингга яқин оилага эга маҳаллада наҳотки қайвони аёллар, ҳудуди учун жон қўйдирадиган хотин-қизлар топиламаса? Тўғри, маҳалла ишининг галваси кўп, машаққати бисёр, аммо инсон доимо ўз манфаатини, ўз тинчлиги ўйлаб яшамаслиги керак-ку. Бугун Президентимизнинг ўзи бутун республикани бошқача яшашга, бошқача фикрлашга, фаолликка ундаб турган бир пайтда, қолаверса, маҳалла институтига катта эътибор қаратилаётган айни ҳаётларда маҳалласидаги вазиятни ўнглашдан қочаётганлар борлиги ажабланарли эмасми?

Бундан ташқари, маҳаллаларда бирон жинойт содир бўлса, йиғин фаолларининг бошида калтак синишини ҳисобга олсак, қарийб 10 минг нафар аҳолига эга ҳудудни бошқаришнинг ўзи бўлмаслигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Чунки 2 минг аҳолига бош бўлиш қаёқдаю, 10 минг кишининг ҳамжиҳатлигини

таъминлашнинг машаққати қаёқда? Ахир, мантиқан олиб қаралса-да, бунча кўп аҳолини қамраб олишнинг имкони йўқ, демак, фаолият самараси ҳам ўз-ўзидан сусайиши аниқ. Шундай экан, гарчи катта маблағ, малакали кадрларни талаб қилса-да, 10 минг сонли аҳолига эга ҳудудлар масаласини ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда фаолларнинг меҳнати кўринади, маҳалла одамларга янада яқинлашади.

«Буюк ипак йўли» бўйлаб

«Буюк ипак йўли» маҳалласи тумандаги энг гавжум масканлардан бирида жойлашган. Айни номдаги метро бекати одамларни шаҳар билан боғлайдиган, энг серкатнов тармок. Шундай экан, 5 мингдан зиёд тургун аҳолидан бир неча баробар кўп одам айни маҳаллага келиб-кетди. Эркин Йўлдошев бошчилигидаги йиғин фаоллари эса жинойт содир этилмаслиги, ҳудуднинг номига доғ тушмаслиги учун доимо ҳаракатда. 61 та кўп қаватли уйда яшаётган оилалар ичида турли миллат вакиллари бор. Уларнинг аксарияти ёши улуг инсонлар, пенсияга чиққан. Аммо раис барибир бандлигини таъминлаш, одамларнинг фойдали ишга жалб этиш учун курашиб келмоқда.

— Ҳудудда қандай ташиқлот иш бошламасин, аввало, улар билан алоқа ўрнатамиз, — дейди Э.Йўлдошев. — Ишчи-ҳодимларни маҳалладан олишларини тавсия этиб, ҳудуд тинчлигига жавоббар эканликларни, ободончиликка ҳисса қўйишлари ҳақида келиш-дани олиш. Ҳудудни жинойтдан холи қилиш учун икки илкомиятлардан фойдаланамиз.

Дарҳақиқат, «Буюк ипак йўли»да бир аёл ичкиликка берилиб кетган, йўлидан адашган эди. Маҳалланинг эътибори туфайли аёл жамоат ишга жалб этилди, юриш-туриши назоратта олинди. Айни пайтда у ҳуқуқ-атворини тўғрилади. Икки нафар бизнес ҳамкорининг маблағ туфайли бошланган жанжални аяқчи якун топгани масаласи ҳам кенг жамоатчилик иштирокида муҳофама этилди. Одамлар бундан ҳулоса чиқариб, эгри йўллардан йироқ юришса, нотўғри қадам босаётган маҳалладошини тўғри йўлга солишда йиғинга қўмақлашса, нафақат «Буюк ипак йўли»да, балки республикамиз маҳаллаларида фаровон ва файзли турмуш барқарор бўлиши аниқ.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Талимаржон ИЭС хусусийлаштирилади.

Менинг шажарам – менинг келажагим

ШОМИРЗА, ТЎРАМУРОД, БЕРДИНАЗАР, САИДНАЗАР, МАХМАЮСУФ, АБРАХМАТ, ҚЎЧҚОР.

БУ — МЕНИНГ ЕТТИ АВЛОДИМ. СИЗ-ЧИ, СИЗ ЎЗ АВЛОД-АЖДОДИНГИЗНИ, ШАЖАРАНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Қадимгилар ўз шажара, уруғ, сулола, аждод-авлодларини яхши билишган. Шу боис халқимизда азал-азалдан ёш авлодни тарбиялашда шажаранинг ўрнига катта эътибор қаратилган. Ўсиб келаётган авлодга болалик чоғларидан бошлаб аждодларининг кимлиги, улар томонидан амалга оширилган эзгу ишлардан ғурурланиш туйғуларини шакллантирилган. Шунингдек, ўз аждодларини — етти пуштини унутмасликка уруғ беришган.

Шу мақсадда аждодларимиз бобокалонларининг номлари келажак авлодларга маълум бўлиши учун шажаралар битишган. Ота-боболарини билмаслик жамият орасида катта айб саналган. Шу билан бир қаторда, шажараларнинг миллат генофондини сақлашдаги ўрни ҳам улкан бўлган. Яъни шажарасини билиш яқин қариндошлар ўртасидаги ниҳоннинг олдини олишга хизмат қилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда ёшларда ўз шажарасини билиш кўникмаларини шакллантириш муҳим жиҳат саналади. Бу жараёнда эса маҳалла фуқаролар йиғинлари ва таълим муассасалари томонидан ташкил этиладиган турли акциялар, маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни катта. Шу мақсадда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан маҳаллалар ва таълим муассасаларидаги ёшлар ўртасида «Менинг шажарам» акцияси ташкил этилмоқда. Акцияни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича концепция ҳам ишлаб чиқилди.

— Баъзида сиздан кекса чоллар: «Ўғлим, кимнинг фарзандисиз, кимлардансиз?» деб сўраб қолади. Асло: «Фамилангиз нима?» дейишмайди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бош мутахассиси Тошғул Холқов.

— Сиз отангизнинг, нари борса, бобонгизнинг исмларини айтасиз. Савол берган чол: «Ха, новвойлардан экансиз-да», дейди. Сиз бундан хайрон бўласиз. Чунки оилангизда ҳеч ким новвойлик билан шугулланмайдиган. Уйдагилардан бориб сўраганингизда гапининг маъзини қаҳиб оласиз. Акциядан қўзланган мақсад ҳам

ёшларда оилавий қадриятларга бўлган ҳурмат, ўз аждодларидан ғурурланиш ҳиссини шакллантириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир. Ёшлар ўз шажарасини ўрганиш орқали ўзлари яшаётган маҳалла, қишлоқ ва овулнинг тарихини ҳам билиб олишади. Аждодларимиз қолдирган бой маънавий мероснинг мамлакатимиз ҳаёти, ёш авлод тарбиясидаги ўрни нечоғли муҳим эканини англаб етишади. Энг муҳими, ушбу акция ёшларни оилавий анъаналар ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, маҳалласининг тарихи, буюк аждодларимиз билан ғурурланиш ҳиссини уйғотишга, маданий-тарихий қадриятлар, миллий ўзлиқни англаш, ўз Ватанига муҳаббат ва сароқат туйғуларини сингдиришга хизмат қилади.

Акцияни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қандай?

Акция ҳар йили ёзиб таътил давомида 14-17 ёшли ўқувчилар ўртасида ташкил этилади. Акция бир-бирига боғлиқ ҳолдаги тадбирлар жаммуи сифатида узвий кетма-кетликда амалга оширилади. Акциянинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилиши Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгашлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, акцияни ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашлари, таълим муассасалари, маданият бўлиmlари ҳамкор сифатида иштирок этади.

Энг яхши иншо ОАВда эълон қилинади

Ўзбеклар Марказий Осиёдаги энг қадимий халқлардан саналади. Ер юзидаги барча миллатлар, элатлар, қабила-лар сингари ўзбек улуси ва унинг кўп сонли уруғ-аймоқлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Шулардан энг диққатга сазовори ўз аждодларини — етти пуштини унутмасликдир. Ўтмишда ўзбеклар бобокалонларининг номлари келажак авлодларга маълум бўлиши учун шажаралар битишган, ота-боболарини билмаслик айб саналган. Миллатнинг урф-одати, расм-рўсумини бузганларни тўпга қўшмаганлар. Акция доирасида



ўтказиладиган «Менинг аждодларим — менинг ғурурим» иншолар танлови ҳам иштирокчилардан ўз оилаларининг шаклланиш тарихи, ота-боболарининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар томонидан амалга оширилган эзгу ишлар ҳақида маълумот бериш талаб этилади. Шунингдек, иншо-ларда ота-боболарининг ўзлари яшаётган маҳалланинг шаклланиш жараёнидаги иштирокини очиб бериши, маҳалла ободончилиги йўлида амалга оширган сарф-ҳаракатларни ҳам баён этиши лозим. Юқори савияли, ёзиш маҳорати, унда ифодаланган фикрларнинг мантикийлиги ва стилистикасига кўра ажралиб турган иншолар акция ташкилотчилари томонидан танлаб олинб, эълон қилиш учун оммавий ахборот воситаларига тақдим этилади.

«Оилавий шажарам»

Акциянинг «Оилавий шажарам» кўрик-танлови ижодий ишлар кўргазмаси шаклида ташкил этилади. Унда иштирокчилар ўз оилаларининг шажараларини генеалогик шаклда ифодалаб беришлари талаб этилади. Улар генеалогик шаклини ишлаб чиқишда билими, фантазияси ва дунёқарашидан келиб чиқиб иш туттишлари мумкин. Иштирокчилар шажарани тузишда ота ва она томонидаги авлодларига ҳам эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу шартда ўқувчилар билан бир қаторда, ота-оналарнинг иштироки ишни баҳолашда қўшимча баҳо сифатида баҳоланади. Юқори савияда бажарилган ишлар муносиб рағбатлантирилади. Шу-

нингдек, танлаб олинган ишлардан турли миқёсдаги тадбирларда кўргазма сифатида фойдаланилади.

Яхши саҳна асарлари рағбатлантирилади

«Урф-одатлар — ўзлгимиз таъинчи» танлови жамоавий саҳна кўринишлари шаклида ташкил этилиб, иштирокчилардан ўзлари яшаётган маҳаллага хос бўлган қадриятлар, урф-одатларни саҳналаштириш ва намойиш этиш талаб этилади. Саҳналаштириш жараёнида урф-одат ва қадриятларнинг замонавий ёшлар тарбиясидаги ўрнини очиб бериш, шунингдек, бугунги ҳаётимиздаги ўрнини акс эттириш муҳим саналади. Юқори даражада саҳналаштирилган кўринишлар ташкилотчилар томонидан танлаб олинди ва рағбатлантирилади.

Мукаддас қадамжоларга саёҳат уюштирилади

Минг бор эшиттандан кўра, бир бор кўрмоқ афзал деганларидек, акция доирасидаги «Маҳалламиз қадамжолари» тадбири саёҳат ва экскурсия кўринишида ташкил этилади. Унда ёшларнинг туман (шаҳар) ҳудудидagi маҳаллаларда мавжуд бўлган тарихий қадамжолар, зиёратгоҳлар ҳамда мустиқиллик йилларида бўёб этилган иншоотларга саёҳати амалга оширилади. Экскурсиялар давомида ёшларга ушбу иншоотларнинг тарихи ва бугунги кун ҳақида маълумотлар берилади. Экскурсияларга маҳалла ҳудудида истикомат қилаётган барча ёшлар ҳамда кекса авлод вакиллари биргаликда олиб бориш катта самара беради.

Дарҳақиқат, инсоният тарихини рамзан бир бутун дарахтга киёсласак бўлади. Зеро, аждодлар қолдирган мерос биз учун илдири вазифасини ўтайди. Шу улкан маънавий бойликдан баҳра олиб, униб-ўсамиз, улағамиз. Муҳими, қомилликка эришишимиз даражадан шу хазинадан қанчалик баҳра олишимизга боғлиқ. Бу жиҳатдан ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар, нуруний кексаларнинг вазифаси янада масъулиятли. Улар новдаю япроқларга илдиздаги қувватни етказиб берувчи тана вазифасини ўтайди. Шу ўринда бу вазифа қанчалик даражада адо этилаётганини бизга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Р.Юсунов тайёрлади.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ШЕЪРҲОНЛИК БЎЙИЧА БЕЛЛАШАДИЛАР!

Аҳоли орасида китобхонлик маданиятини оширишда маҳалла институтининг роли бекиёс. Бадиятга, шеърятга ошнолик, китобга муҳаббат инсонни қамолот сари етаклайди. Бундай сифатларга эга бўлган маҳалла раислари бошқараётган маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарор, турли салбий ҳолатлардан холи бўлади.

Шу боис Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда халқимизнинг маънавий-адабий меросидан бохабар ва шеърятга ошно бўлган, ижодкор маҳалла раисларини аниқлаш ва рағбатлантириш, буюк аллома, адиб ва шоирларнинг маънавий-адабий меросини, замонавий адабиётимиз ва шеърятимизни ўрганиш орқали маҳаллаларда адабий муҳитни шакллантириш, аҳоли, айниқса, ёшларни маънавиятга қарши қaratилган ҳуружлар ҳавфидан асраш, маҳалла ахлининг китобхонлик ва шеърятга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида «Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида шеърхонлик танловини ташкил этмоқда.

Ушбу танлов барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустиқчилигининг йигирма саккиз йиллик байрамига бағишланганлиги билан ҳам

аҳамиятлидир. Яъни 2019 йилнинг июль-август ойларида ўтказиладиган, уч босқичдан (биринчи босқич - туман (шаҳар), иккинчи босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, учинчи босқич - Республика ақунловчи босқичи) иборат танловда республикадаги барча маҳалла раисларини иштирок этишга таклиф этамиз.

Танлов учта шарт асосида ўтказилади. 1-шартда иштирокчилар Ўзбек мумтоз адабиёти ижодидан намуналарини ёддан ўқиб, истеъдодларини намойиш этадилар. Танловнинг «Ифодалий ўқини» деб номланган иккинчи шартда эса иштирокчилар ўзлари истаган замонавий ўзбек шеърятини ёки жаҳон шеърятини дурдоналаридан (жумладан, ўзининг ижодидан намуналар бўлса) ўқийдилар. «Ижодим сенга, маҳаллам» деб номланган 3-шарт талабларига кўра, иштирокчи ўзи яшаб, фаолият олиб бораётган маҳалла, ундаги маънавий-маърифий муҳит ҳақида қисқача саҳна кўриниши (жамоавий) намойиш этади. Ушбу шарт фақат республика босқичида ўтказилади.

Энг ижодкор ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг билимдони, шеърятга ва бадиятга ошно деб топишган ғолиблар танловнинг Мустиқчилик байрами арафасида ўтказиладиган республика босқичида аниқланадилар ва танлов ташкилотчилари томонидан муносиб рағбатлантириладилар.

Хурматли фуқаролар йиғинлари раислари! Ушбу танловда барчангиз иштирок этинг!

Пенсия дафтарчалари энди электрон кўринишида бўлади.

Япон қизи маҳаллага ибратли келин бўлди

Япон ва ўзбек халқлари ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Жумладан, уларда ҳам оилавий қадриятлар бизнинг миллий анъаналаримизга уйғун. Япон аёли ҳар қандай ҳолатда ҳам оиласини устун билади, турмуш ўртоғи, болалари учун жонини нисор қилади. Айниқса, қайнона-келин муносабатларида бу ҳамоҳанглик яққол сезилади. Хонадонда қайнонанинг ҳурмати, обрўйини сақлаш, елиб-югуриб хизматини қилиш худди ўзбек оиласидаги каби япон келини учун ҳам умрбоқий анъана.



Хоразм вилояти Ғазовот қишлоғига келин бўлиб тушган Сугавара Микако, эҳтимол, шунинг учун ҳам урф-одатларимизга тез қўниқди. Қўниқди ҳам эмас, балки оқила уй бекаси, вафодор ёр, яхши келин бўлишга жон-дили билан интиломда.

Умр йўлдоши — бахтсиз ходиса туфайли II гуруҳ ногиронига айланган Нурбек Рўзметовга гирдикапалак, дардини аритиш учун парвона. Хоразмлик келинлар каби бошидан рўмоли тушмайди. Туман марказидан 16 км. узоқликдаги олис Ғазовотда бахтли яшаётган япон қизи хали қарасангиз ситир соғадди, хали фермер хўжалиги даласидан ижарага олинган 2 гектар пахта даласида ишлаб, овсинига қарашини учун шошади. Сахар мардондан уйғониб, қачон кенг ҳовлиқ айвонни суғуриб сув сепишга улгурганини биров билса, биров билмай қолади. Тухумбарак, хоразмча паловни шундай тайёрлайдики, ҳамма тани беради. Японча салатлар, суши, кук-си тайёрлашни қўниқушчиларга ўргатиб бўлди.

Пешонага ёзганидан қочиб бўлмайди

Дунёнинг олис нуқталарида яшайдиган икки ёшнинг тақди-

ри қандай боғлангани тарихи ҳам ғаройиб. Боз устига, Нурбек Рўзметов ҳеч қаерда ўқимаган, оддий курувчи, аниқроқ айтганда, Тошкентдан у ёғини кўрмаган бўз йигит. Микако эса олиқ маълумотли, Япониядаги энг нуфузли тиббиёт коллежини аъло баҳоларга битирган шифокор киз. Хўш, бу икки тақдирни қандай омил бириктирди?

Нурбекнинг онаси Гавхар опа Наврўзованинг айтишича, Одамбой аканинг вафотидан кейин рўзгорни тебратишни ўғиллари ўз зиммасига олган. Умиджон уйланган, аммо Нурбекнинг бошини икки қилиш керак, тўй учун пул зарур эди. Қўлларида гулдек хунарлари бор ака-ука пойтахтга отланишиди. Тошкентда қурилиш фирмасига ишга кириб, катта иншоотнинг пардозлаш ишларини бошлаб юборишиди. Шундай кунларнинг бирида, тонгги соат 4:00 да бинода ёнғин чиқди. Олов бирпасда ҳамма жойини эгаллаб олади...

Врачлар йигитларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиб, уларни касалхонага олиб кетишди. Нурбек жонлантириш бўлимида ҳушсиз ётар, унга тананинг 60 фоиз қуйиши ташхис қўйилганди.

Меҳр ҳар дардга даво

Касалхонага Япониядан уч нафар врач киз қўниқли бўлиб ишлашга келишган, улардан бири Сугавара Микако Нурбекка қараб туриш учун қўйилганди. Ана шунда Микаконинг меҳри Нурбекка тушди. Киз ўзбекчани астойдил ўрганиб, беморга эътибор берди, йигитнинг иссини, қон босимини дам-бадам ўлчаб тинимсиз муолажа қилди. Меҳр ҳар дардга даво. Нурбек шу туйғу таъсирида тузала бошлади, жуда кўп жаррохлик амалиётларини бошидан кечириб, минг бир азобга дучор бўлса-да, қарнисидаги қулиб турган ажнабий қизнинг руҳий далласидан қувват олди. Юзларидидаги чандиқлар пластик жаррохлик ёрдамида камаё бошлади. Нурбек касалхонада икки йил ётиб даволанди. Касалхонадан қўлтиқтаёқда чиқиб келди.

Аслида танасининг ярмидан кўпи қуйган, ҳаёти қил устида турган одамни севиш ақлга сиғмайдиган ҳодиса. Айниқса, бугунги аксарият қизлар қўлтиқтаёқдаги йигит билан тақдирини боғлашни ҳаёлларига ҳам сиғдиришолмайди. Соғлом, келажоғи порлок, бадавлат, боз устига, ўқимишли йигитлар кўпчилик қизларнинг орзуси экани сир эмас. Аммо ҳақиқий муҳаббат бундай ўткинчи нарсалар билан ўлчанмайди. Оғир аҳволдаги инсонни ҳаётга қайтариш, унга ишонч бағишлаш, қолаверса, унинг учун ўз орзу-хавасларидан кечиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган қаҳрамонликдир.

«Ойи, мен уни топдим!»

Микако то муддати тугаб ўз юртига қайтганича Нурбекдан хабар олиб турди.

Йиллар ўтса-да, икки ёш бир-бирини ёлдан чиқармагани рост. Акс ҳолда уларга Яратган яна бир имкон бермасди. Бахтли тасодиф туфайли улар телефон орқали яна топишиб қолишди. 2016 йили ёз тонгларининг бирида телефонида келган SMSдан уйғонган Нурбек уни очиб ўқиди-ю: «Ойи, мен уни топдим!», деб қичқириб юборди. Ўғлининг овозидан уйғониб кетган онаизор Гавхаржон опа ҳам расмга тикилиб, жигарбанди-ни ўлимдан сақлаб қолган бу ҳалоскор кизни кўриб беихтиёр қўзларига ёш келди.

Шу орада япон қизи Хоразмга саёҳат қилди. Уни Нурбек, онаси Гавхаржон опа ва акаси Умиджонлар шод-хуррамлик билан кутиб олишди.

— Болаларнинг бир-бирига бефарқ эмаслигини кўриб, ўзимиз тўйдан сўз очдик, — дейди Гавхаржон Наврўзова. — Микаконинг ота-онаси Кеико ва Такеши дастлаб қаршилик кўрсатишган бўлса-да, кейин розилик билдирдилар. Қишлоқда чиройли тўй ўтказдик. Келин ўз урф-одатлари бўйича япон миллий либосида, Нурбек бўлса ўзбекона кийиниб даврага чиққанида тумонат одам қарсақлар билан олқишлади. Яратганга шукр, шу кунларни кўрдим. Доим ўғлимнинг ҳаётидан хавотирда эдим. Аммо келиним хавас қиладиган даражада яхши қиз. Яқинда кўзи ёриди, ўғил фарзанд уларнинг турмушини янада бахтиёр этди.

Нурбек эса «Микако менда ҳаётга, яшашга иштиёқни опирди», дея қувонади.

— Мен уни Ғўзалой деб чақираман, — дейди Нурбек. — Ўғлимнинг айтишича, унинг исми ўзбекчага ўғирилса, шу маънони берад экан.

Маҳалла келинларига ибрат бўлулик

Ғўзалой зехни, чаккон киз, ўзбекча урф-одатларимизни ҳам аллақачон ўзлаштириб олган. Маҳаллошларини кўриб қолса, ибод-ҳаё билан таъзим қилиб, уларни ҳушнуд этади.

— Бу оиллага тез-тез қирамиз, — дейди Қўшқўпир тумани «Бекобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Зулфия Юсупова. — Яқинда борсақ, тандирни тўлдириб нон ёпишган экан. Ундан Японияда нон истеъмоли ҳақида сўраганимизда, японлар кўпроқ гуруч истеъмоли қилишни сўзлаб берди. Қолаверса, Хоразм гуручларини «мазали экан», дея таърифлади. Келинчақ ён-атрофга синчков, оилаларда келиннинг ўрни, қайнона-қайнонанинг ҳурмати қандайлигини аллақачон англаб олган. Шукрки, бизда 611 та оила орасида ажарлилар қуватимайди. Бундай муваффақиятни ушлаб туриш учун доимо ҳаракатдамыз

«Ўзбекистонни ғойибона севардим...»

— Ўзбекистон тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлган ғаройиб диёр эканини, ўзбек халқи эса самимийлиги ва меҳрибонлиги билан ажарлиб туришини японлар яхши билишади, — дейди Сугавара Микако. — Мамалякларимиз тарихий жиҳатдан яқин дўстона алоқаларга эга. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга бориб қолган японларга илиқ муносабатда бўлган, ёрдамлаган ва қўллаб-қувватлаган ўзбек дўстларига япон халқининг ҳурмати баланд. Шу боис ўзим қўнғили бўлиб, бу диёрда келганман. Тақдирим ўзбек йиғити билан боғлиқ, ҳар иккала халқнинг муносабатларидаги ҳисса қўишга тизим-тез келишимди. Қадимий меъморчиликнинг намуналари бўлган ноёб обидалар, бой маданият ва ўзбек халқининг юзлаб йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунармандчилик анъаналари, урф-одатлари ҳақидаги япониялик тадқиқотчилар ва сайёҳлар учун қадри ва қизиқарилиб.

Дарҳақиқат, Япония Ўзбекистоннинг муҳим стратегик шериги ҳисобланади, барча соҳаларда икки томонлама муносабатлар мустаҳкамланмоқда. Қолаверса, икки халқ характеридаги умумийлик, маънавий киёфанинг ўхшашлиги, оилавий қадриятлар борасидаги ҳамоҳанглик ҳам ўзаро ҳамкорлиқнинг ривожланишига хизмат қилади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ИНЖУЛАР УММОНИ

Билим томон йўл қисқа эмас...

Ёшларни тушунишни истасанг, кексаларга мурожаат қил!

Сирингни хизматкорингга ҳам айтма.

Инсоннинг қалби сирларни сақлайдиган энг мустаҳкам сандиқдир.

Йиғи ҳам керак, аммо у муаммонинг ечими эмас.

Бир-икки томчилардан анҳорлар пайдо бўлади.

Япон халқ мақоллари.

Тошкентда Хитойнинг Нанкин политехника институти филиали очилади.

Пойтахтдаги сирли ўғрилиқдан жабр кўрганларнинг мурожаати ички ишлар органлари ходимларини сергаклантирди. Жиноятчиларни қўлга олиш мақсадида барча видеокамера тасвирлари кўздан кечирилди. Бир ҳафта давом этган кузатув натижасида ўғрилиқ содир этган уюшган гуруҳ аъзолари яна бир жиноят устида қўлга олинди. Беш кишидан иборат гуруҳнинг барчаси ўсмирлар — икки нафари 16 ёшда, қолганлари эса 17 ёшда. Энг қизиғи, ўсмирларнинг оилаларида моддий тарафдан ҳеч қандай муаммо йўқ; барчаси ўзига тўқ, обрў-этиборли хонадонларнинг фарзандлари. Ажабо, улар ўғрилиққа муҳтожликдан эмас, аксинча кўнгилхушлик учун қўл уришган экан. Энди улар қилган жиноятлари юзасидан одил суд олдида жавобгар.



Ўсмирлар жиноятининг ҳар 100 тасидан 45 таси ўғрилиқдир

КЕЙИНГИ ПАЙТДА БУНДАЙ ЖИНОЯТЛАР ЎСМИРЛАР ТОМОНИДАН КўНГИЛХУШЛИК ЁКИ «ХОББИ» УЧУН ҚИЛИНАЁТГАНИ АЧИНАРЛИ

Маълумотларга кўра, дунёда содир этилаётган жиноятларнинг ўндан бири вояга етмаган болалар ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги беш йилда дунё бўйича йилига қарийб 100 мингта жиноят содир этилиб, шунинг 7 фоизини вояга етмаганлар (14-17 ёш) ташкил этади. Айни илм олиб, касб ўрганадиган ёшдаги ўспиринларнинг бе-баҳо вақтини ахлоқ тузатиш муассасаларида ўтказишга тегнани жуда ачинарли, албатта.

Ўсмирлар ва ёшлар ҳуқуқбузарлиги, жинояти ҳамда уларнинг жабрланувчи бўлиб қолишига икки юзга яқин омил таъсир қилади. Шулар орасида, энг асосийси, бола яшайтган оилладаги носоғлом муҳитдир. Мутахассислар ота-оналарнинг фарзанд ахлоқидаги салбий ўзгаришлар, унинг феъл-атвори, таълим-тарбиясига эътиборсиз бўлиши бола келажаги учун жиддий хавф туғдирувчи асосий омил эканини таъкидлашади. Бугунги кунда, асосан, вояга етмаганлар томонидан ўғрилиқ, тан жароҳати етказиш, қавоқлаш, безорилик каби жиноятларга қўл уриш кўп кузатилмоқда.

Жиноий жавобгарлик 13 ёшдан бошланади

— Статистик маълумотларга кўра, ҳуқуқбузарлик содир қилган ёшларнинг 62,2 фоизи бўлиш вақтларини кўчада, бемақсад ва назоратсиз ўтказишда, — дейди Ички ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси катта инспектори Нилуфар Тўрахонова. — Вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таълим этилаётган, уларнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз экани, 48,7 фоизи болаларни етарли даражада тарбиялай олмастликлари аниқланган.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар салбий ҳулқ-атворининг энг оғир шакли уларнинг жиноятга қўл уришидир. Амалдаги Жиноят кодексига жиноий жавобгарлик 13 ёшдан бошланади. Айнан шу ёшда шахс энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг аҳамиятини тушуниб, англай бошлайди. Ҳозирда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ҳар 100 тасидан ўртача 40-45 тасини ўғрилиқ ташкил қилмоқда. Катта ёшларга нисбатан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар орасида ўғрилиқнинг кўпчилиги ўсмирлардаги ўзига хос психологик жараёнлар, мақсадларига жуда тез ва осон эришишни исташлари билан изоҳлаш мумкин. Бунга мисол қилиб, вояга етмаганлар, асосан, кизикчишлари сабабли, яъни кизиккан буюмларига эга бўлиш истагида жиноят содир этишга тегнагани келтириш мумкин. Улар жиноятининг ҳар 3 тадан бири қўл телефони ва шунга ўхшаш замонавий жиҳозларга эгаллик қилиш учун содир этилган жиноятлар ташкил этади. Кейинги пайтда бундай жиноятларни ўсмирлар шунчаки кўнгилхушлик ёки «хобби» учун қилишга тегнагани ачинарлидир.

Носоғлом муҳит таъсирида бир бор жиноят кўчасига қилиб қолган бола — гарчи бунинг учун тегиниш жазога тортилган бўлса-да, «эски касалидан» буткул фориғ бўлиши осон эмас. Бундай пайтларда унга атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлови ва кўмаги, албатта зарур. У жиноятга такрор қўл урмаслиги, соғлом ижтимоий муҳитга қўникиб кетиши учун ўз ақлининг моддий-маънавий, ижтимоий-психологик ёрдамига катта эҳтиёж сезади. Эҳтиёж қондирилмаса, аҳамиятсиз қолдирилса, биринчи бор «тиканини билмай босган» бола энди ўз

ихтиёри билан жиноятга қўл уриши ҳеч гап эмас. Ана шу ҳаётий заруратни таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг бу ишга қайта қўл урмаслиги учун Ички ишлар вазирлигининг алоҳида ишчи гуруҳлари оила, маҳалла, таълим муассасаси билан ҳамкорликда доимий равишда профилактика ишларини амалга ошириб келмоқда. Бунда вояга етмаган бола ва унинг оила аъзолари билан мунтазам суҳбат ўтказилиб, янаша шароити, тахсил олаётган муассасадagi муҳит ўрганиляпти.

Ўқувчилар билан етарли даражада иш олиб борилмаган

— Ёшларимиз орасида илмга интилувланлари кўп, аммо қинғир йўللарга кириб, есазо муддатини ўтаётганлар ҳам йўқ эмас, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бўлим мудир Ақмал Алимов. — У ердаги ёшларнинг аксарияти адашган ва бунга оилавий носоғлом муҳит сабаб бўлган. Ота-оналардан бириинг ўғайлиги ёки оиллада фарзанднинг ҳаддан зиёд эркалатилиши, отаси ичкиликка, ёмон одатларга берилгани каби бир нечта сабабларни санаб ўтиш мумкин. Республика бўйича жами жиноят содир этган 39 132 нафар шахсдан 13 423 нафарини ёшлар ташкил этади. 2018 йил мобайнида 386 нафар ёш «Ёшлар қайиғлиги» асосида суд залидан озод қилинган. Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши амалий ишлар олиб борилса-да, камчиликлардан батамом холи бўла олганимиз йўқ. Жойларда ўзининг ечимини кутаётган муаммолар қўлиги сабабли ёшлар ўртасида жиноятлар умумий содир этилган жиноятларнинг 34,4 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич йўналиши-

даги ишлар сифатини ошириш, ҳамкорликини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатяпти. Ҳозирги кунда республикамизда жами 12 800 нафардан зиёд нотинч оила мавжуд, уларни соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ўтган йили Андижон, Навоий, Тошкент вилояти таълим муассасаларидаги ёшларнинг турли жиноятларга қўл уриш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таълим муассасалари ўқувчилари билан ҳам етарли даражада иш олиб борилмаганлигидан далолат беради. Бу каби камчиликларни бартараф этишда ёшлар масалалари бўйича ҳокимлик, ички ишлар, Ёшлар иттифоқи ҳамда маҳалладаги тегиниш вакиллари-нинг ҳамкорлиги иш олиб бориши учун 2019 йилги иш-режалар ишлаб чиқишган.

Дарҳақиқат, ёшлар, вояга етмаганлар масаласи бевоқиф келажагимизга дахлдордир. Шу боис маънан ва жисмонан баркамол, дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган авлодни вояга етказиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифага нафақат ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, балки бутун жамият, ҳар бир фуқаро ўзини масъул деб билиши лозим. Ана шунда вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг олди олиниб, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол улғайишига замин яратамиз.

Давлатнинг келажаги ёшлар қўлида

Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилишини инобатга олсак, бу нақадар катта куч эканини тасаввур қилишимиз ва мамлакатимиз келажаги — ёшлар тарбиясига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қарашга боғлиқ эканини кўришимиз мумкин.

ДАРВОҚЕ:

- Ўтган йили содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келган.
- Мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг 11 минг нафарини ёшлар ташкил этиб, бу кўрсаткич Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқориликча қолмоқда.
- Қашқадарё вилоятида жиноят содир этган ёшларнинг 70 фоизини ўқимайдиган ва ишламайдиганлар ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 57, Сурхондарё вилоятида 43, Жиззах вилоятида 42 фоизга тенг.
- Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида вояга етмаганлар томонидан қотиллик жиноятлари содир этилган.
- Тошкент шаҳрида бошқа вилоятлардан келиб, қаровсиз ва назоратсиз юрган 1 минг 700 га яқин вояга етмаганлар аниқланган, уларнинг 500 нафари мактаб ва 670 нафари коллеж ўқувчиларидир.

— Ҳозирда 7 мингдан ортиқ профилактик ҳисобда турувчи ёшлар «Баркамол авлод» болалар марказидаги тўғрақарларда ҳунар ўрганмоқда, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи Баҳриддин Султонов. — 13 минг нафар ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар камайди. Натижада бугунги кунда ёшлар жиноятчилиги 30,4 фоизга, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик эса 38,8 фоизга камайган.

Бола тарбиясига жавобгарлик масаласи онланинг, маҳалланинг, жамиятнинг истиқболига эътибордир. Тарбиядаги энг кичик эътиборсизлик ҳам эртанги кундаги катта кўнгилсизликларга йўл очиб бериши мумкин. Бугунги кунда ёшлар, асосан, танбаллик, осонгина бойиб кетиш ҳаваси сабаб жиноят йўлига кириб кетмоқда. Ўғрилиқнинг содир этилиши бирининг мулжига эгаллик қилиш майлидан бошланади. Агар фарзанд бу майлдан вақтида қайтарилмаса, жиноят тубсизлигига кириб кетаверади. Ёшларни ҳаётеварлик руҳида тарбиялаш, китоб мутолаасига ҳамда уларнинг кизикчиларига қараб касб-ҳунар тўғрақларига ва ҳар хил мусобақаларга жалб этиш турли йил иллатларининг илдизини кесади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

«Ўзбекнефтьгаз» бошқаруви Қаршига кўчиб ўтди.

Инсоннинг қандай касб-эгаси бўлиши кўп-жиҳатдан оила муҳитига боғлиқ. Буни биргина санъат соҳасидан ижод қилаётган ака-ука, опа-сингиллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Тўғри, ижодга меҳр туғма қобилиятдан яралади, тинимсиз меҳнат эса уни сайқаллаб бораверади. Бирок оиланинг барча аъзолари ҳам ижодда бирдек муваффақиятга эришавермайди. Бунга уларнинг ижро йули ва маҳорати бир йилда, бир-бирига ўхшаши сабабдир балки.

Отабек МУҲАММАДЗОҲИД:



«Санъат хоҳлаган одам келиб-кетадиган бекатга айланмаслиги керак»

Аммо улар орасида шундайлар ҳам борки, ҳар бири санъатда ўз муҳлиси, ўз овози ва ўз услубини топа олади. Отабек Муҳаммадзоҳид ва Гулсанам Мамазоитовага нисбатан айни шундай фикрларни билдириш мумкин. Ижодда бир-бирига маслаҳатлаш ва елкадаш ака-сингил бугун миллий эстрадамизда ўз ўрнига эга ижодкорлар ҳисобланади. Сахифамизнинг бу галги меҳмони танқид ва таҳлилдан чўчимайдиган, қалбда не бўлса, тилга чиқарадиган ростўй ва истиснодли хонанда Отабек Муҳаммадзоҳид бўлди.

Иктидорли ижрочи учун битта соз ҳам етарли

Ўзбек эстрадасининг бугунги ҳолати мени ташвишга солади. Қўшиқ сўзининг иккинчи даражага тушиб қолганини эса савиясизлик, деб баҳолайман. Кераксиз оҳанглар, кофиясиз сўзлар, зўрма-зўрак тақлидларни яна қандай аташ мумкин? Аслида яхши қўшиқни битта рубоб билан ҳам қуйлаш мумкин. Оҳанг ва шеър эса унга жио бериши керак.

Ҳар бир ижодкор қўшиқда сўз залворини ҳис қилиши, уни танлашда эътиборли бўлиши лозим. Афсуски, бугунги санъаткорлар бу масалага деярли эътибор қаратмапти. Нимага? Чунки биз

маълум вақт китоб мутолаасидан четда қолдик. Интернет, ижтимоий тармоқларда бекорчи вақт ўтказдик. Натижада халқимиз енгил-елпи нарсаларга ўрганиб қолди. Шунинг учун ҳам маъно-маънавий бўлмаган қўшиқлар бугун тинланмоқда, муҳлислар томонидан қабул қилинмоқда. Бунга, аввало, шу соҳада ижод қилаётган ҳар бир санъаткор айбдор.

Асл санъатимиз жар ёқасида

Дунёдаги қўл билан санарли давлатларнинг миллий санъати бор. Улар орасида она Ватанимиз санъати ўз ўрнига эга. Юртимиз мезбонлик қилган халқаро мақом ва бахилик фестиваллари ўзимизгагина хос бўлган ижод муҳитини яна бир бор жаҳонга намойиш этди. Бу миллий санъатимизни асраб-авайлаш, уни сақлаб қолиш борасида қилинаётган ишларнинг амалдаги исботи.

Бирок бугун санъатга энди кириб келаётган ёшларнинг фарба қўр-қўрона тақлид қилаётгани, кийиниши, ўзини тутиши, қўшиқ ижросида улардан андоза олаётгани ҳам айни ҳақиқат. Афсуски, уларнинг баъзилари замонавийликни очик-сочиклик, андишасизликда деб билипти. Санъатга бундай қараш,

бундай муносабатда бўлиш, ундан ўзини реклама қилиш учун фойдаланиш нотўғри.

Битта қўшиқ тайёр бўлиши учун қанча маблағ сарфланади?

Ақсарият ёш ижодкорлар тақлид қилаётган Европа санъаткорлари тўйга бормайди. Улар маблағни концерт дастурлари ва аудио альбомлари тақдиротидан топишади. Бу уларнинг янги қўшиқ ёзиши, яшаши ва ижод қилиши учун бемалол етади. Бизда-чи, ёшу катта санъаткор тўйга чиқиб, ижод қилиш учун пул топади. Уларнинг бундан бошқа чораси ҳам йўқ. Телевидениега чиқиб санъатга умуман алоқаси бўлмаган баъзилар «Қўшиқчилар тўйга фалон сўмга боради», деб иддао қилишади. Нима учун улар қўшиқ бино бўлиши учун кетган маблағ ҳақида бирон сўз дейишмайди.

Бугун энг арзон мусиқага ишлов берувчи учун 300 АҚШ доллари, студияда ёздириш учун 350 АҚШ доллари, чолғу асбобларини чалгани учун ҳар бир созандага 50 АҚШ долларидан пул сарфланади. Бу қўшиқнинг энг арзон аудио кўриниши тайёр бўлиши учун кетадиган сарф-харажат. Оддийгина мусикали чикиш тайёрлаш учун 2-2,5 минг АҚШ доллари гача пул керак. Ҳаммаси 3,5 минг АҚШ доллари бўлади.

Бу ҳали ҳолваси, асосий харажатлар энди бошланади. Тайёр бўлган қўшиқни истаган тижорий каналнингизга олиб бориш, бир марта кетиши учун 160 АҚШ доллари сўрашади. Энг паст нархларда ҳисоблаганда шунча маблағ

«MAHALLA» МАЪЛУМОТИ:

➔ Отабек Мамазоитов (Муҳаммадзоҳид) 1974 йил 23 январда Фарғона вилоятида туғилган.

➔ Оилада тўнғич фарзанд, икки нафар синглиси бор.

➔ 1992-1994 йилларда Туркиянинг "Saliq" университетининг мусиқа факультетида пианино ва уд чолғуси йўналиши бўйича таҳсил олган.

➔ 1996 йилда Фарғона давлат университетининг ўзбек маданияти ва санъати факультетини тамомлаган.

➔ Ўзбекистон халқ ҳофиз, профессор Таваккал Қодировдан санъат сирларини ўрганган.

➔ Хонанданинг 3 нафар фарзанди бор.

➔ У бўш вақтида китоб ўқишни ёқтиради. Сўнгги ўқиган китоби Тоҳир Малиқнинг «Одамлилик мулки» асари.

Ижодкорни саҳнага пул эмас, халқ меҳри чиқариши керак

Киши қайси соҳада фаолият юритишдан қатъи назар, аввало, ўз касбини севиши, ундан завқ ола билиши керак. Қандайдир манфаатни кўзлаб ёки кимнингдир кистови билан танланган йўлнинг келажаги йўқ.

Минг афсуски, бугун санъат ана шундай хоҳлаган одам келиб-кетадиган бекатга айланиб қолган. Иктидор, билими борми-йўқми, фарқи йўқ, ташқи кўриниш ва пул билан бир юмалаб санъаткорга айланиб қолишмоқда, саҳнага чиқишмоқда. Аслида ижодкорни саҳнага пул эмас, халқ меҳри чиқариши керак. Лекин бугун бу мезон ўз қадр-қимматини йўқотган. Инсон қачон танлаган йўлидан охиригача боришга қўзи етса, ўшанда ундан ўзи ҳам, бошқалар ҳам фойда кўради.

Таклиф ва тавсия

Бугуннинг ёшлари билагон, ҳар соҳада, ҳар йўналишда. Аммо кучли иктидор ҳам маълум ўзига солинимаса, охир-оқибат йўқолиб кетади. Битта қўшиқ билан элга танилган ёш хонандаларни ана шундай кўз очибкоқ ўзанини топа олмаган жигдаларга ўхшатаман. Улар «Мени эл таниди, санъаткор бўлдим», деб ўз устидан ишлагандан, ўрганишдан тўхтаб қолмоқда. Баъзилари бирон устоздан бориб маслаҳат сўрашни уят ҳисоблайди. Натижада бир-икки йилда исзис йўқолиб кетади. Шунинг учун ҳам «Устоз-шогирд» аъёнасини давом эттириш, иктидор эгаларининг маҳоратини ошириб бориш керак.

Садокат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.


Ҳаж ва Умрага борадиганларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби ўзгарди.



Аввалроқ «Хусусий киностудиялар томонидан олинган фильмлар «оммавий маданият»ни тарғиб қилади», «Ёшлар шулардан ўрناق олапти», «Бир-иккита машҳур кўшиқчини ўйнатиб, кассабоп кино ишламоқчи бўлибди» каби фикрлар кўп бора қўлғимизга чалингани рост. Тўғри, шу кунга қадар «хусусий киностудия» дейилганда олди-қочди мавзулардаги картиналар кўз ўнгимизда гавдаланарди.

Жаҳонгир АҲМЕДОВ:

«Бугун ўзбек киносининг қуни кинначиларга қолган»



бу давлат, бу хусусий киностудия деяр ажратиларди. Сифатли, савияли, техник жиҳатдан мукамал фильмлар давлат студиялари томонидан ишлаб чиқарилади, хусусий киностудияларда савиясиз, енгил-елпи картиналар тайёрланади, деган нотўғри қараш шаклланиб қолган. Натижада хусусий киностудияларга фақат ёмонлик тарғиб этувчи сектор сифатида қараларди. Аслида эса вазият унчалик ёмон эмасди.

Миллий қаҳрамонларни ким яратди?

Хўш, сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар бу қарашларни ўзгартирмайдими? Аслида бу каби фикрлар қанчалик ҳақиқатга яқин? Шу каби саволларга жавоб топиш, қолаверса, соҳада бўй кўрсатаётган ўзгаришлар одими ҳақида бир нечта фильмлари билан халқимиз кўнглидан жой эгаллаган кинорежиссёр Жаҳонгир Аҳмедов билан суҳбатлашдик.

Хусусий киностудиялар ҳақида нотўғри қараш шаклланибди...

Хар қандай соҳада муаммо ва камчиликлар бўлгани каби кино соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Бойси йўналиш йилдан-йилга такомиллашиб борар экан, бу унинг олдида янги талабларни қўяди. Бундай шароитда камчиликлар бўлиши тайин. Тан олиш керак, сўнгги йилларда юртимизда ёш киночиларга катта эътибор қаратиляпти. Бунга ўз фаолиятимизда кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Ўзим хусусий киностудияда иш бошлаганман. Авваллари биз давлат буюртмаси асосида фильм олиш имкониятига эга эмасдик. Чунки у пайтлар

Томошабинлар аввалига хориж фильмларини севиб томоша қиларди. Тан олиш керак, хусусий киностудиялар томонидан ишлаб чиқарилган картиналар қайсидир маънода уларни ўзбек фильмларига қайтарди. Аввалига ҳинд актери Шохрух Хонга меҳри тушган муҳлис қалбини кўп ўтмай, ўзимизнинг Фаррух Соипов, Улғубек Қодиров, Раъно Шодиева, Дилноза Кубаева сингари иктидорли ёшларимиз эгаллади. Демак, бундай студиялар киночилигимиздаги кадрлар алмашинувида ҳам катта аҳамият касб этди.

Кино, бу — бизнес

Сўнгги пайтларда ҳукуматимиз томонидан миллий кинематографияни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор бизни янада руҳлантирмоқда. Айниқса, «давлат» ва «хусусий киностудия» деган тушунчалар ўрнига «миллий кино» атамасининг муомаласига киритилиши соҳа ривожига муҳим кадам бўлди. Очик айтиш керак, шу кунгача кинога саноат эмас, санъат сифатида қараларди. Аслида эса у — бизнес, ҳақиқий бизнес бўлган жойда рақобат бизга келади, ривожланиш бўлади. Бу сифатлини сифатсиздан ажратиш имкони

ни беради. Рақобат майдонида ўз ўрнини топиш эса бозорни ўрганиш, томошабин фикри билан қизиқишни талаб қилади. Яъни талаб ўрганилиб, таклиф шакллантирилади. Натижада босқичма-босқич сифат ва жараён ривожланиб боради.

Соҳадаги муҳим янгиликлардан бири, бу — давлат буюртмаларининг хусусий киностудияларга берилиши бўлди. Хусусан, бизнинг «Эзу фильм» киностудиямиз томонидан ҳам «Исломуҳжа» фильми суратга олинди. Зиммамизда икки қарра масъулият бор эди — билдирилган япончи оқлаш ва томошабинга қизиқарли бўлган фильм суратга олиш. Биз бунда хусусий кинода орттирган меркенинг бўйича тажрибамиздан фойдаландик. Томошабин эътиборини қозониш учун уларнинг сеvimли актёр ва актрисаларини фильмга жалб қилдик. Ахир, тарихий фильмларни зерикарли, деб ҳеч ким кўрмаса бундан нима наф? Бундай картиналар ёшларимиз тарихни билиши учун яратилади-ку ахир. Шунинг учун фильмларимизни архив учун эмас, аввало, ёшлар тарихимизни ўрганиши учун яратдик.

Натижани бугундан кутиш нотўғри

Нафакат кинода, балки барча соҳаларда ҳам олиб борилаётган ўзгаришлар, берилаётган имкониятлар маҳсулини бугундан кутиш нотўғри. Ниҳол ўтказилгач, бир-икки кундан сўнг мева кутиш мантиққа тўғри келадими? Худди шундай ислохотларнинг қандай мева беришини вақт кўрсатади. Аслида шовмашовларлик сабаб миллий киночилигимиз кўп нарсани йўқотмадими? Фильмларимиз сифатсиз бўлиб қолмадими? Афсуски, баъзи иззатталаб, ўз имиджини оширмоқчи бўлган, қузатувчилари сонини кўпайтириш иштиёқидаги кишилар тушунса-тушунмаса, киномани танқид қилмоқда.

Яратилган тарихий фильмларга ҳам тошлар отилди. Корея, АҚШ ёки турк сериаллари билан бу картиналарни солиштириш нотўғри. Ахир,

бизда шу пайтгача бу бўйича бирон тажриба бўлмаган, ҳеч ким чет элда малакасини ошириб келмаган. Шу боис бугун киноижодкорлар зиммасида катта масъулият бор: тарихий фильмни суратга олишимиз, ўрганишимиз, ўрганганларимизни шу ернинг ўзида амалиётга татбиқ қилишимиз керак.

Миллий кинематографиямиз ўзининг инкирозидан чиқиш даврида. Соҳага янги қарашлар ва янги фикрлар кириб келмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш керак, ҳоло. Биринчи қадамдан қавалаб ҳеч нарсаси эришиб бўлмайди. Ахир, иккинчи, учинчи қадамлар учун ҳам иштиёқ ва куч бўлиши керак-ку.

Оғрикли нукта

Киночиларимизни қийнайдиган энг оғрикли нукта, бу — кадрлар етишмаслиги муаммосидир. Камчиликлар айтилгани билан уларга ечим топилаб, бундан ҳеч кимга фойда йўқ. Ихтисослашган университетлар очилиши ҳақида гап кетяпти, аммо мавжуд кадрларни сақлаб қолиш масаласи эътибордан четда қоляпти. Битта актёр етишиб чиқиши учун қамиди 10 йил, чироқ устаси учун 15 йил, оператор учун ҳам шунча вақт керак бўлади. Биз борларидан фойдаланмай, янги кадрлар тайёр бўлишини кутсак, яна шунча вақт йўқотамиз.

Мавжуд кадрларимизда тарихий фильмлар яратиш бўйича тажриба, кўникма йўқ эди. Фильмлар олиш жараёнида маҳорат шаклланади. Соҳада «устоз-шогирд» аънаналари йўқлиги бизга панд бериб. Масалан, «Исломуҳжа» фильмида асосий пардоз устасига 6 нафар иктидорли ёшлар бериқтирдик. Бугун уларнинг 4 нафари бошқа фильмларда асосий пардозчи бўлиб ишлаяпти. Бошқа кадрларда ҳам айтиш шундай тажрибани қўллаш керак. Бугун кино соҳасида ижод ва рақобат бошланган. Ҳамма ишлаяпти, архивлардан тарихимизни ўрганилмоқда. Бир-биримиздан ўзинишга ҳаракат қилаямиз. Фақат бундай вазиятни бўғиб қўйиш керак эмас.

«Қуни» кинначиларга қолган

Афсуски, айтиш пайтда кино соҳасини қилиб-билмай танқид қиладиганлар кўп. Айримлар хатто «Ўзбек киносини кўрманг, савиясиз, болангизнинг тарбиясини бузади», деб жар солишди. Натижада томошабинлар фильмларимизни кўрмай қўйди. Ваҳоланки, кино ўз йўлида давом этаётган. 50 дан ортиқ хусусий киностудия фаолият юритади, уларнинг ҳар бирида 30 нафардан ортиқ ёш ишларди. Бу киностудиялар томошабинларнинг меҳрини қозона олган. Мана шу тайёр платформани сочиб ташлаш нега керак бўлди? Афсуски, бу платформадан фойдаланилмади. Уларни қўллаб-қувватлаш, имкониятлардан унумли фойдаланиш, савиясини кўтариш билан шуғулланиш мумкин эди-ку? Аксинча хусусий киностудиялар фильмлари Бадий кенгашдан ўтмади, савиясиз деб топилди. Натижада томошабинлар киносаройлардан узоқлашди.

Бугун кинога соҳани яхши биладиган салоҳиятли, ҳос танқидчилар керак. Улар берган фикр режиссёрни ўйлашга мажбур қилиши, нимадир олишига ёрдам бериши керак. «Кичкина табиб» фильмида айтилганидек, «Қуни» кинначиларга қолган», билан-билмаган, тушунган-тушунмаган борки, киномани танқид қилади. Уларнинг фикри на асосли, на бир фойдали. Соҳани мидан-сиригача биладиган мутахассислар келса, майдонда асоссиз фикр берадиганлар ўз ўзидан четга чиқади. Ҳақдан тортми, режиссёр ишигача тафтиш қила оладиган мутахассислар бўлса, киномиз ҳам ривожланади. Киномани ўз тили, ҳос муҳити пайдо бўлади. Ҳос ва муносиб баҳосини бера оладиган мутахассислар билан манфаат учун танқид қилмайди, ижод маҳсулига мутахассис сифатида баҳо беради.

Салокат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.

Ўзбекистонда илм-фанга оид грант лойиҳаларига дастлабки хусусий инвестиция киритилди.

Теридаги оқ доғларнинг давоси борми?

КАСАЛЛИКНИ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ОРҚАЛИ ДАВОЛАШ — МЕЛАНОЦИТАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯ УСУЛИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ ОРАСИДА ФАҚАТГИНА ЎЗБЕКИСТОНДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН



Кўпчилик терисида оқ доғлар пайдо бўлса, даҳшатга туша бошлайди. Сабаби, одамлар қадимдан бу дарднинг давоси йўқ, насл суради ёхуд юқумли касаллик сифатида баҳолаб келишган. Хўш, аслида-чи? Теридаги оқ доғлар — витилиго касаллиги қандай келиб чиқади? Унинг давоси борми? Айни саволларга жавоб топиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Улуғбек СОБИРОВНИ суҳбатга қорладик.



Нима учун тери ранги оқариб қолади?

Мазкур касаллик қадимдан инсониятга маълум бўлиб келган. Уни кўпинча моҳов ёки ўлат билан адаштиришади. Аслида терида оқ доғларнинг пайдо бўлиб, кўпайиб бориши билан характерланган ушбу касаллик инсон саломатлигини кўра, кўпроқ унинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатади. Ҳозиргача фанга унинг келиб чиқишининг аниқ сабаблари маълум эмас. Аммо бу уни даволаш иложсиз дегани эмас. Витилигони 70-80 фоиз ҳолатда даволаш, оқ доғлар кўпайишини тўхтатиш мумкин.

Маълумки, тери ранги унинг таркибидagi 4 та пигмент ҳолатига боғлиқ бўлади: кўк дезоксигемоглобин, қизил оксигемоглобин, сарик каротин, жигарранг меланин. Уларнинг орасида меланин пиг-

менти муҳим роль ўйнайди. Турли ирқлар (қора, сарик, оқ) терисининг ранги айнан меланиннинг теридagi миқдори ва тарқалиши билан белгиланади. Витилиго касаллигида ана шу меланин пигменти нобуд бўлиб, айни шу соҳада оқ доғлар пайдо бўлади.

Касаллик терида унча катта бўлмаган пушти ёки сутранг нуқталар пайдо бўлиши билан бошланиб, кўкрак, юз, кўз ва оғиз атрофида, бўйин, қўл ва оёқларда ривожланади. Аста-секин майда нуқталалар кенгайиб, ўзаро қўшилиб ва йирик «рангсиз майдон»га айланади. Агар бундан бош териси зарарланса, сочлар ҳам ўз-ўзи билан рангини йўқотиб, оқаради.

Касалликни қандай омиллар келтириб чиқаради?

Юқорида таъкидланганидек,

хали касаллик пайдо бўлишининг аниқ сабаблари топилмаган бўлса-да, «бўёқчи» тери тўқималарининг гойиб бўлиши танада ниманингдир юз бераётганидан биринчи даражидир. Меланин турли сабабларга кўра, жумладан, ички секреция безлари алмашинуви ёки ҳазм қилиш тармоғининг бузилиши, гоҳида бош мия зарарланиши, кон ва гижжа касалликлари туфайли «ўлади». Шунингдек, витилиго ҳомиладорлик пайтида ҳомиланинг гипоксия (кислород ва бошқа озик моддаларнинг етишмаслиги)га чалиниши, туғилиш вақтида боланинг бош миёси жароҳат олиши, ошқозон-ичак тизими, гижжа, иккиламчи юқумли касалликлар, буйрак, сийдик йўллариининг яллиғланиши каби бир қанча сабабларга кўра ҳам келиб чиқиши мумкин. Оқ доғлар

олатда 10-35 ёш атрофидаги одамларда учрайди.

Витилигони даволаш мумкинми?

Ҳозирча витилигонинг давоси бутунлай топилиб, деб айта олмаيمиз. Чунки касалликни даволашдаги барча терапевтик, консерватив (дори воситалари, физиотерапевтик муолажалар) даво усуллари ҳар доим ҳам қўтилган натижани беравермайди. Ҳозирги вақтда касалликни тарқалишини олдини оладиган ёки бўлмаса, келажақда чиқмаслигини таъминлайдиган дори воситаси ҳам йўқ. Бундан ташқари, халқ табобатида ҳам айнан витилигони даволашга қаратилган самарали даволаш усули мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳасталикни даволашда жар-

роҳлик усули ишлаб чиқилган ва у кўп ҳолатларда яхши самара бермоқда. Жумладан, бизнинг Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам ушбу усулдан самарали фойдаланилмоқда.

Бунда беморнинг соғлом тери соҳасидан терининг энг устки қавати, яъни эпидермис қавати олиниб, эпидермис ичидан махсус замонавий юқори технология усул ва аппаратлар ёрдамида меланоцит хужайралари ажрати-либ, беморнинг оқ доғ соҳасига кўчириб ўтказилади. Бу тери кўчириш амалиёти эмас, балки терига ранг берувчи хужайралар, яъни меланоцит хужайраларини кўчиришдир. Бу даво усули МДХ-да фақатгина Ўзбекистонда йўлга қўйилган.

Ушбу даволаш усулининг усту-нлиги шундаки, тананинг барча соҳасидаги (юз, бош, бўйин, тана, қўл, оёқ, қовоқлар, жинсий аъзо териси) оқ доғларни даволаш мумкин. Кўчириб ўтказилган оқ доғ соҳасида 2 ойдан 6 ойгача бўлган муддатда даво самарадорлиги кузатилади. Бу амалиёт витилигони даволашдаги жарроҳлик усуллари орасида энг янги бўлиб, барқарор ҳолатдаги витилиго ва куйишдан кейинги (иссиклик ёки лазердан куйиш) депигмент доғларни даволашда қўлланилади.

Организмни ташқи томондан қоплаб турувчи тери ўзига хос саломатлик кўзгусидир. У соғлигимиз тўғрисида «сўзлаб» туради. Инсон терисига тошма топиши, доғ тупиши сингари ўзгаришлар моддалар алмашинувининг бузилгани, витаминлар етишмовчилиги, асабийлашиш, нотўғри овқатланиш, носоғлом турмуш тарзи туфайли пайдо бўлади. Ўзгаришлар пайдо бўлиши билан дарҳол шифокор-дерматологга мурожаат этинг. Зеро, ўз вақтида мутахассис назоратида бўлган беморларнинг соғайиб кетиш кўрсаткичи анча ортади.


Тирноқ этга қараб ўсса...

БОРДИО МУОЛАЖАЛАР ФОЙДА БЕРМАСА, ТИРНОҚ ЭТГА ҚАРАБ ЎСИШДА ДАВОМ ЭТАВЕРСА, МАЛАКАЛИ ЖАРРОҲГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

Тирноқлар билан боғлиқ ҳасталиклар ичида энг кўп учрайдигани — онихокиптоз (тирноқ пластинкасининг эт ичига ўсиши) ҳисобланади. Ўсган тирноқ терини шикастлаши натижасида юмшоқ тўқималарда яллиғланиш кузатилади. Кейинчалик қизариш, бармоқ шиши ҳамда сезиларли оғриқ билан давом этади. Энг ёмони, онихокиптозга нисбатан бепарво бўлинса, яллиғланиш зўрайиб, тирноқ атрофидаги терида йиринг пайдо бўлиши мумкин.

Касаллик сабаблари нималардан иборат?

Асосан, тирноқни нотўғри олиш ва сифатсиз педикюр бу касалликка сабаб бўлади. Айниқса, у тор учли, катта ва кичик оёқ кийимлар кийишдан келиб чиқади. Шунингдек, наслдан-наслга ўтадиган мойиллик, оёқ бармоқлари шаклининг ўзгариши (орттирилган ёки туғма маймоқлик, яссиоёқлик), замбуруғли оёқ касалликлари, бармоқларнинг шикастланиши, бармоқ



атрофида турли яралар пайдо бўлиши, оёқда кон айланишининг бузилиши ҳам касалликка замин яратаяди.

Уйда даволаш мумкинми?

Тирноқ этга қараб ўса бошлаганида ихчам пойабзални кенгроғига алмаштириш ва имкон қадар ялангоёқ юриш тавсия

этилади. Йиринг йиғилиши ва яллиғланиш авжига чиқмасдан уй шароитида ҳам эҳтиёт чораларини кўриш мумкин. Бунда оёқни кайноқ сувда ванна қилиб, эт ҳамда тирноқ юмшаганидан сўнг педикюр қилиш фойда беради.

Тери яллиғланиб, йиринг ҳосил қилган бўлса, аввало, у яхшилаб тозаланади. Инфекцияга қарши турли маз ва лаклар тавсия этилади. Тирноқнинг ёнлари эҳтиёткорлик билан олиниб, йиринг кетгандан сўнг махсус тамб қўйилади. У тирноқнинг яна ўз ҳолига қайтишига ёрдам беради. Хар ўн беш кунда тамб алмаштирилади. Жараён токи тирноқ тўғри ўсадиган бўлгунча давом этади. Бордию муолажалар фойда бермаса, тирноқ этга қараб ўсишда, тери яллиғланишда давом этаверса, малакали жарроҳга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Қандай ҳолларда жарроҳлик амалиёти қўлланилади?

Шифокор оғрикисзлантириш усулида тирноқнинг этга қараб ўсган қисmini



Назира РАСУЛОВА, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази дерматолога.

жарроҳлик йўли билан олиб ташлайди. Шундан сўнг теридаги шикастланиш ва юмшоқ тўқималар яллиғланиши оз бўлса-да, камаяди. Бир неча ойдан сўнг тирноқ яна ўз шаклига қайтади.

Этга ўсган тирноқни даволашдаги энг самарали ва кам оғрик берадиган усул, бу — лазер билан даволашдир. Бу усулда тирноқнинг этга ўсган қисми ҳамда ўсадиган қирралари лазер нури билан қуйдирилади. Тирноқни олиш билан бирга, яллиғланиш ўчоғи ҳам бартараф этилади. Бу муолажадан сўнг тирноқнинг этга қараб ўсиши муаммосидан бутунлай қутулиш мумкин.

Сирасини айтганда, кўп касалликлар эътиборсизлик туфайли келиб чиқади. Ўз вақтида мутахассисга мурожаат қилмаслик эса уларнинг янада зўрайиб кетишига сабаб бўлади. Соғлиқ инсон учун энг катта бойлик экан, демек, унга эътиборли бўлиш, қадрлаб яшаш зарур.

Саҳифани «Mahalla» мухбири Санжар ЭШМУРодов тайёрлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК паркига бешинчи Boeing 787-8 Dreamliner етиб келди.

Диарея болалар учун қанчалик хавфли?

ВАКТИДА ЧОРА КЎРИЛМАСА, БОЛАНИНГ АХВОЛИ ОҒИРЛАШИБ БОРАДИ ВА ИЧ КЕТИШИ ТЕЗЛАШАДИ, ТАНА ҲАРОРАТИ ЯНАДА КЎТАРИЛАДИ

Ёз фаслида кузатиладиган энг кўп касалликлардан бири — диареядир. Бу хасталик, асосан, болаларда кўп учрайди. У алоҳида касаллик эмас, балки кўп ҳолларда организмнинг овқат ҳазм қилиш тизимидаги умумий бузилишдан дарак берадиган қатор патологик жараёнлар кўринишида намоён бўлади.

Қандай белгилари бор?

Инфекция таъсирида аксарият ҳолларда тўсатдан қоринда оғриқлар (бола йиғлайди, оёқларини силкитади) ва ич кетиши (баъзан шиллик, қон, яшил рангли моддалар ва бошқа қўшимчалар) бошланади. Одатда у ўз-ўзидан ўтиб кетадигандек туюлади. Бирок баъзан касаллик шунчаки вақтинчалик «бекинади» ва қулай фурсатни пойлайди. Гоҳида эса касаллик шунчалик кучли намоён бўладики, зудлик билан даво чораларини кўрмаса бўлмай қолади.

Бола организми жуда тез сувсизланиб қолади, кўп миқдорда суюқлик йўқотиш оқибатида

тида модда алмашинув жараёни ва бошқа аъзолар фаолияти ҳам бузилади. Биринчи галда асаб тизими ва ошқозон-ичак тракти иши зарар кўради. Кўкрак ёшидаги болаларда касалликнинг илк белгилари иштаҳа пасайиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, қайт қилиш, ич келишининг бузилиши кабилардир. Вақтида чора кўрилмаса, боланинг ахvoli оғирлашиб боради ва ич кетиши тезлашади, тана ҳарорати янада кўтарилади. Бемор сувсизланиб, тери ва шиллик каватлар қуруқлашади.

Ич кетишига ошқозон, ингичка ичак шиллик каватида пайдо бўладиган бактериялар, вируслар, паразитлар ёки дориларнинг ноҳўя таъсири,



ферментлар етишмаслиги, ошқозон-ичак трактининг сурункали хасталиклари сабаб бўлиши мумкин.

Олдини олиш учун нима қилиш керак?

Агар фарзандингиз эмизикли ёшда бўлса, эмизишда давом этинг! Она сuti гўдакни инфекциялардан ҳимоялаб, диареянинг олдини олишда ажойиб восита. Агар болага сунъий озука берсангиз, бифидобактериялари борини

танланг. Сут махсулотлари, мева-сабзавотлар истеъмолида эътиборли бўлинг. Агар фарзандингизнинг териси қуруқлашганини сезсангиз, у бош оғриғи, бош айланишидан шикоят қилса, оғзи қуруқлашса, кучли чанкаса, бу организмнинг сувсизланиши аломатлари. Йўқотилган суюқлик ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилинг, яъни имкон қадар кўпроқ суюқлик ичириш лозим. Оғир бўлмаган ҳолларда газсиз сув бериш мумкин.

Барча даво чоралари бо-

ланинг ахvoli, касаллик даражасига қараб белгиланади. Диареяда қўлланиладиган дориларнинг аксарияти шифокор рецептсиз сотилади. Лекин ота-оналар кимнингдир тавсиясига биноан, дуч келган «қорин оғриғига қарши» дорини болага беравермаслиги керак. Катталарнинг дориларини болага берманг, ҳатто у ўзингизга қачондир ёрдам берган бўлса ҳам. Ҳар қандай вазиятда шифокор маслаҳатига кулоқ солган маъқул.

Тозалик — диареяни йўқотади!

Ҳар қандай касалликнинг олдини олишда вирусларга қарши курашиш яхши натижа беради. Рўзгоримизда, биринчи навбатда, истеъмоли қилинадиган суюқликлар, яъни сув, сут кабиларнинг яхши қайнатилишига эътибор бериш керак. Шунингдек, мева-сабзавотларини тоза сувда обдан ювиш, сўнгра қайноқ сув билан чайиб ташлаш касалликка чалинишининг олдини олади. Идиш-товоклар тозаллиги, уй саранжомлиги саломатлигимиз учун хизмат қилишини унутмаслик зарур.



Мурод МУЗОҚОВ,
олий
техники
шифокор.

Ўт қопида тош қаердан пайдо бўлади?

ЖУДА ОЧ ЮРИБ, КЕЙИН БИРДАНИГА ТЎЙИБ ОВҚАТЛАНИШ, КАМҲАРАКАТЛИЛИК, АСАБИЙЛАШИШ НАТИЖАСИДА ЎТ-ТОШ КАСАЛЛИГИ ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Ўт пуфаги жигар ишлаб чиқарган суюқликнинг қопга жойлангани бўлиб, овқатланиш вақтида ўт суюқлигини ўн икки бармоқли ичакка ҳайдаб бериш вазифасини ўтайди. Ўт суюқлиги овқат ҳазмига ёрдам беради. Одам узоқ вақт оч юрса, ўт димланади. Давомли қуюқ овқат истеъмоли қилинса, ўт қопидаги сафро қуюқлашиб, кристаллар ҳосил бўлади.



унинг вазифасини ўт йўллари бажаради. Бунда овқат ҳазм қилишда бироз ўзгаришлар кузатилади. Шу сабабли мунтазам парҳез бузурилади.

Аслида ўт қопидаги тош деярли сезилмайди, аммо у ҳаракатланиб ўт йўлига тикилиб қолса, жуда кучли оғриқ пайдо бўлади. Касал одам ўзининг ўт пуфагида тош борлигини узоқ вақт билмай юриши мумкин. Лекин тошлар кўпинча бу аъзоларнинг яллиғланишига сабаб бўлади, ўт йўлига тикилиб қолади. Бунда қайталанадиган оғриқ пайдо бўлиб, механик сариклик, панкреатит (ошқозон ости безининг яллиғланиши) ва турли йирингли оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Тош тикилиб қолганида ўт (сафро) баданга сурилиб, бадан саргайди. Гоҳида ўт пуфаги ёрилиши ҳам мумкин. Шу сабабли ўт пуфагида оғирлик сезган заҳоти шифокорга мурожаат этиш зарур.

Қандай даволаш мумкин?

Уй шароитида ўт-тош касаллиги билан оғирганлар оз-оздан, тез-тез

овқатланиши, гўштни қайнатиб ёки буғда пишириб истеъмоли қилиши, лавлаг, редиска ва бошқаларни кириб ейиши тавсия этилади. Шўр, аччиқ, ширин, ёғли таомлар, спиртли ичимликлар, тамаки мумкин эмас. Умумий соғломлаштириш гимнастикаси билан шугулланиб туриш, ичакнинг равон бўлишига туришига эътибор қаратиш лозим.

Тош пайдо бўлганида ўт ҳайдовчи гиёҳлар, дорилар мумкин эмас. Чунки улар тошни кўзатиб, кучли оғриқ пайдо қилади. Ўт пуфагида тош бўлмасдан безовта қилганда (сурункали тошсиз холециститда) қўшимча жўхори попути, наъматак, ўлмасўт, газандаўт, дастарбош, айир, маккаи сано, мойчечак даммаларини ичиб туриш керак. Ўт пуфаги фаолиятини тоғ райхони, далачай, ялпиз қучайтиради.

Ўнг қовурға ёйи остида тўсатдан кучли оғриқ безовта қилганда дарҳол жарроҳга мурожаат қилиш ва текширишлар натижасида ўт қопида тош аниқланганда уни оператив йўл билан олиб ташлаш тавсия этилади.



Камол САИДУМРОДОВ,
тиббифанлар
номзоли.

БИЛАСИЗМИ?

ТАРВУЗНИНГ ҚАНДАЙ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ БОР?

Ёз фаслини тарвузсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳам хуштаъми, ҳам чанқоқни босиши билан у ҳаммамизнинг дастурхонимиздан жой олади.

Тарвуз 90 фоиз сув ва шакاردан таркиб топган. Унда кўп миқдорда фолат кислотаси мавжуд бўлиб, қон яратишда, организмда кислота-асос балансини мувозанатлаштириб туришда қатнашади. Тарвуз шарбати холестеринни эритиб, организмдан чиқариб юборади. Шу боис ҳам тарвузнинг жигар касалликларида, гипертония ва атеросклероз касаллигида фойдаси катта.

Тарвуз шарбати буйракларни ювади, майда тошларни эритади ва тузаларнинг организмдан чиқишига ёрдам беради. Тозаланган буйраклар организмнинг тозаланиши учун ҳам зўр бериб ишлайди. Бўғимлар оғриғи қолади, артрит ва артрозлар ўтиб кетади.

Пиелонефрит касаллигида тарвуз шарбати жуда яхши наф беради. Бирок буйрак етишмовчилиги бор бўлган беморларга тарвуз шарбати тавсия этилмайди.

Тарвузнинг териға ҳам фойдаси катта. Қуруқ ёки янги узилган тарвуз пўчоғидан дамланган чой ёшлик гўзаллигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Тарвуз юз терисини ёшартириб, рангини тозалайди, шу билан бирга, териға эластиклик бахш этади. Косметологияда тарвуз пўчоғидан никоблар тайёрланади.



Ўт пуфагида тош ўз-ўзидан пайдо бўлмайди

Жуда оч юриб, кейин бирданига тўйиб овқатланиш, ҳамирли, ёғли, аччиқ ва ширин таомларни кўп истеъмоли қилиш, камҳаракатлилик, асабийлашиш, қорин дам бўлиши, қабзият натижасида ўт димланиб қолиб, ўт-тош касаллигига олиб келади.

Ўт пуфаги димланганининг биринчи белгиси, бу — овқатлангандан сўнг ўнг қовурға остида оғриқ бўлиши, кўнгил айнаиши, наҳорда оғиз бўшлиғида тахирлик сезилиши ва ҳолсизликдир. Агар бунга эътибор қилинмаса, тошлар пайдо бўлади. Ўт қопи ўткир ва тез-тез қайталанувчи сурункали тошли холециститда, ўт пуфаги истисқосида, ўт пуфаги ўсмаси аниқланган ҳолатларда олиб ташланади. Ўшанда

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир илмий-тадқиқотлар рағбатлантирилади.

Саҳифани «Mahalla» мухбири Ёрмамат РУСТАМОВ тайёрлади.

Аёл эр рухсатисиз уйидан чиқса...

ДИНИЙ МАЪРИФАТ

Уйкуга ётишдан олдин доимо яқинларимизга яхши тушлар кўринг, дея тилак билдираимиз. Аммо тушларнинг яхши-ёмони бўладими, бўлса улар қандай бўлади? Умуман, нега инсонлар ухлаганда туш кўради? Ислонда туш ҳақида, унинг табири тўғрисида нима дейилган? Қуйида шулар ҳақида сўз юритамиз.

«Энг рост туш сахар вақтида кўрилган тушдир»

Туш сирли ва илохий ходисотдир

Қуръони карим ва ҳадислардаги туш талқинларидан шу нарсга аён бўладики, туш, энг аввало, сирли ва илохий ходисотдир. Киши ўз тақдирига нима ёзилганини билмагани каби, қандай туш кўришини ва унга қимлар, нималар киришини ҳам олдиндан билмайди. Бироқ бу кўриладиган тушнинг эгасига мутлақо алоқаси йўқ, дегани эмас.

Имом Бухорийнинг «Ҳадис» китобида Расулulloх (с. а. в.) тушларида кўрган боши тош билан мажакланаётган, лунжи-бурнидан то кўзига қадар шилинаётган, тандирга ўхшаш чуқурда оловда ёнаётган, дарёда сузиб юриб, тош ютаётганлар каби ҳолатлар шундай таъбир қилинади: «Боя сен кўрган боши тош билан мажакланаётган киши авваллар Қуръон тиловат қилиб юриб, кейин ташлаб қўйган ҳамда фарз қилинган намозларни ўқимай, гафлат босиб ухлаган бўлган. Кейинги — лунжини бурнидан то кўзига қадар шилинаётган киши эрса, уйдан чиқиб, ёлгон гапларни айтар эди, унинг бўхтонлари ҳатто уфққа қадар тарқалгандур. Тандирга ўхшаш чуқурдаги яланғоч эркак ва аёллар — зинокорлардир. Дарёда сузиб юриб, тош ютаётган одам ҳусусига келсак, ул судхўр (порахўр) бўлган»...

Хар ким тушни таъбир қилавермайди

Ҳадиси шарифда тушга кенгрок шарҳ берилган. Унда кундузги ва тунги кўриладиган тушлар бир-биридан ажратилган. Бироқ уларнинг иккиси ҳам бир хил талқин этилади. Бундан ташқари, ҳадисда тушлар билан боғлиқ ранглар, ҳар бир предметга алоҳида ургу берилган. Мисол учун: кўзёш — яхши амал, сут — мусулмонлик, қўйлақ — дин, яшил ранг — эътиқод мустаҳкамлиги, қалит — мартаба, чодир — ислон дини ва ҳоказо.

Қуръонда зикр қилингандек, тушларни таъбир қилиш жоиз. Лекин тушни ҳар қандай инсон таъбир қилавериши мумкин эмас. Таъбирчи Аллохнинг китоби Қуръони каримни, Ҳадиси шарифни, ўз она тили, араб-форс тилларини, мақол-маталларни, илми нужумни, урф-одат ва маросимларни яхши билимоғи керак. Таъбирчи ҳар бир тушнинг таъбирини сир сақлаши, ундаги яхши ва ёмон жиҳатларни фарқлай билиши зарур.

Ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳ айтди: «Таъбирчи учун шарт шуки, у тушни эшитаётган пайтда таҳоратли бўлиши, туш айтётган душмани бўлса, душманлиги сабабли нотўғри таъбир қилмаслиги, бир одамнинг сирини билса, бошқаларга ошкор қилмаслиги керак».

Демак, тушни нотўғри ёки ёлгон таъбир қилишнинг ҳам ўз жавобгарлиги бор. Юсуф алайҳиссалом зиндондаги шерикларидан бирининг тушини таъбир қилар экан, унга яхши сўзлар айтиб, тушни нотўғри таъбир қилиши мумкин эди. Бироқ у тушни тўғри таъбир қилади ва новвойта: «Сени уч кундан сўнг зиндондан чиқариб, дорга осадилар», дейди.

Яхши ва ёмон туш қандай бўлади?

Масжид-мадрасаларда юриш, ҳавода учини, сувда сузиш раҳмоний (яхши) тушлардир. Кабрлар, ўтлар орасида, сўйилган гўштлару ифлос жойларда юриш шайтоний (ёмон) тушлардир. Баъзи ривоятларда боғу бўстонларда юриш, дўстлар даврасида суҳбат қуриш, инсон хурсанд бўладиган нарсаларни кўриш зиёда умрдан ҳисоб қилинади, дейилган. Абу Саъид ал-Худрийнинг ривоят қилишича, Расулulloх (с. а. в.): «Энг рост туш сахар вақтида кўрилган тушдир», деган.

Абдурахмон ибн Саъиддан шундай ривоят этилади: «Яхши туш Аллох таолоданур, кимки, яхши туш кўрса, уни фақат ўзи яхши кўрган одамларга айтсин, башарти, ёмон туш кўрса, унинг ва шайтоннинг ёмонликларидан Аллох таолодан паноҳ тилаб, уч бора (чап тарафига) тузбурб қўйсин ҳамда кўрган тушнинг ҳеч кимга айтмасин. Шундай қилса, туш зарар келтирмайди!».

Тушга нисбатан шаръий назарнинг қисқача мазмуни шу. Ҳеч ким шу вақтгача тушни шаръий далил сифатида зикр қилмаган. Ҳеч ким тушни бирор шахснинг ёки иншининг афзаллиги учун далил ҳам қилмаган. Тушда кўрган нарсага қараб эмас, туш ҳақида шариатда келган далилларга қараб иш юритиш лозим.

Таваккал КЕНЖАЕВ,

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги Эшонбобоҳон жоме масжиди имом-хатиби.

Динимизда оила муқаддас ҳисобланади. Чунки у жамият биносининг ғишти, бир бўлагидир. Агар бионинг ғишлари соғлом бўлса, бино ҳам мустаҳкам бўлади, емирилиш ва қулаш хавфи остида қолмайди. Айнан шунинг учун динимизда оила масаласига бениҳоя жиддий эътибор қаратилади, унинг мустаҳкамлиги, эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат давомийлигини таъминлаш учун ўзига хос қонун-қоидалар жорий қилинган.

«Эркаклар хотинлар устидан қоним турувчилардир...»

Динимиз таълимотида эр-хотиннинг бир-биридаги ҳақларини, тинч-тотув, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлиб яшаш учун нималарга эътибор қилиш кераклиги аниқ баён қилинган. Уларга асосан, аёлига чиройли муомала қилиш, озик-овқат ва кийим-бош қабилар билан таъминлаш эр зиммасидаги мажбурият саналади.

Аллох таоло шундай марҳамат қилади: «Улар (аёллар) билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсалар Аллох (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин» (Нисо сураси, 19-оят). Бу илохий буйруқда эрнинг хотинига яхши муомалада бўлиши, аёли табиатидаги айрим ноқисликларга сабр қилиши, баъзи хатоларига эса кўз юмishi лозимлиги айтилган.

Бошқа бир оят қаримада Аллох таоло: «Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоним турувчилардир. Сабаб — Аллох уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортик қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришлари» (Нисо сураси, 34-оят), деб марҳамат қилади.

Уламолар ушбу оят тафси-



рида эркакларнинг аёллардан айрим жиҳатларда устуниги — жисмоний куч-қувват, оила нафақасига масъуллиқ, ақлу идрок, хотира ва тафаккурнинг зиёдалиги каби жиҳатларини ҳам келтиради.

Эрнинг аёлига бераётган нафақаси миннат ва таънасиз бўлиши керак. Чунки нафақа бериш эркакнинг хотинига қилган марҳамати эмас, балки зиммасидаги вожибдир. Албатта, аёли зарур нафақа билан таъминлаш миқдори эрнинг иқтисодий ҳолидан келиб чиқиб белгиланади.

«Ўз уйларингизда қарор топингиз!»

Қўп оилаларнинг пароканда бўлишига аёл кишининг эрига итоатсизлиги ҳам сабаб бўлаёттир. Хусусан, бир оилада рўзгорини бутлаш учун ишга чиққан эрнинг йўқлигидан фойдаланган аёл икки боласи билан эридан берухсат тез-тез онасиникига кетиб қоладиган одат чикаради. Эр қайта-қайта насихат қилиб, танбех берса, фойда бўлмайди. Ҳатто айби учун кечирим сўрашини ўзига эп деб билмайди. Балки «мехрибон» яқинларининг гапига учиб турли баҳоналар билан эрнинг мол-мулкни ундириш пайида бўлади. Нон-лож қолган эр ажрашишдан ўзга йўлни кўрмай қолади.

Динимизда аёллар зиммасига ҳам эрига итоатли бўлиши, унинг розилиги билан кўчага чиқishi, Аллох таоло эрига берган насибага рози бўлиши, унинг мулкига омондор бўлиши ва инжиқлик қилмаслиги сингари мажбуриятлар юкланган.

Аллох таоло Қуръони каримда аёлларга хитобан: «Ўз

уйларингизда қарор топингиз!» деган (Ахзоб сураси, 33-оят). Набий (с. а. в.) шундай марҳамат қиладилар: «Эрнинг хотини устидаги ҳақки аёлининг эр рухсатисиз уйдан чиқмаслигидир. Агар шундай қилса, (яъни эр изнисиз кўчага чиқиб кетса) то тавба қилгунча ёки уйга қайтгунча Аллох ундай аёлни лаънатлайди» (Имом Байҳақий ва Имом Таълисий ривоятлари).

Албатта, бу оят ва ҳадислар аёл кишининг умуман кўчага чиқishi мумкин эмаслигини аниқламайди. Балки бу — уйнинг ишларини зое қилган ҳолда бесабаб, эрига айтмасдан кўчага чиқиб кетавериш, саёқ юрадиган бўлиб қолиш каби салбий ҳолатларга тааллуқли.

Битта оиланинг ажралиши — фақат икки кишининг ҳаёти издан чиқishi билан яқунланиб қолмайди, балки қула-анда-лар юз кўрмас бўлиб кетиши, қариндош-уруғлар боши ҳам бўлиши, жамиятда боқувчисини йўқотган аёл, ота ёки она меҳридан мосуво етим болалар пайдо бўлиши каби аянчли оқибатларга олиб келади.

Қолаверса, оилаларнинг ажралиши одам боласининг очик-ойдин душмани бўлган шайтон (алайҳи лаъна)ни энг кўп хурсанд қиладиган ишдир. Шу боис муаммоли оилаларга яқин қариндошлар, қўни-қўшни ва маҳалла-қўй ўз вақтида эътибор қаратиб, оила осойишталигини асраб қолишга қатъий ҳаракат қилиши зарур.

Абдуллаҳон МИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилояти
Денов туманидаги
Мухаммадқўл жоме
масжиди имом-хатиби.

Бу — спортнинг қўл жанги бўйича икки карра жаҳон, икки карра Осиё ва бир неча марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритган 18 ёшли Асадбек Тошпўлатовнинг хулосаси. Яқинда қахрамонимиз Президент фармони асосида «Мард ўғлон» Давлат мукофоти билан ҳам тақдирланди. Биз уни айти шу ҳаяжон оғушида суҳбатга чорладик.

Асадбек ТОШПЎЛАТОВ:

«МАРД ЎҒЛОН» — ШУНЧАКИ МУКОФОТ ЭМАС, У КЕЛАЖАК УЧУН БЕРИЛГАН ИШОНЧДИР

«ХАЁТ — ТАҒТИ. У МАРД, ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРИ ЙЎЛИДА АСТОЙДИЛ ИНТИЛГАН, ЮҚСАЛИШ САРИ ТИНИМСИЗ ХАРАКАТ ҚИЛГАН ИНСОНЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ, УЛКАН ИНЪОМЛАРИ БИЛАН СИЙЛАЙДИ»

— Рости, ҳали ҳам ҳаяжонданман, — дейди А.Тошпўлатов. — Жаҳон чемпионлигини қўлга киритган пайтимда ҳам бу қадар ҳаяжон босмаганди. Барчаси кутилмаганда юз берди. 30 июнь куни эрталаб Ёшлар иттифоки Навоий вилояти кенгашидан кўнгирок қилиб, «Ёшлар куни»га бағишланган тadbирда сўзга чиқишим кераклигини айтишди. Тайёргарлик кўриш учун кенгашга келдим. Кун бўйи ҳеч ким менга мукофот олганимни айтмади, факат: «Галаконцертга ота-онангиз ҳам келишсин, сўзга чиққанингизни кўради», дейишди. Онамга кўнгирок қилиб, концертга таклиф қилганимдаёқ улар: «Болажоним, Худо хоҳласа, сен бугун «Мард ўғлон»ни олсан, кўнглим сезиб турибди», дедилар. Тантанали тadbир бошланиши олдида ҳаммаси маълум бўлди, шунда бу ростлигини, оналарнинг кўнгли алдамаслигини яна бир бор англадим.

Мукофотдан бошим осмонга етди. Уни қўлга олар эканман, ўзимга ўзим савол бердим: мен ҳали Ватаним учун нима қилдим? Юртим, Юртбошим мени шунчалар қадрласа... Энди бу ишончини, албатта, ортиғи билан оқлайман. Зеро, ҳали биз, ўзбек ёшларининг дунёга айтар сўзими кўп, насиб этса, ана шундай имтиёзу имкониятлар оғушида барча марраларни забт этамиз. «Мард ўғлон» шунчаки мукофот эмас, у келажақ учун берилган ишончдир.

— Нега айнан спортнинг қўл жанги турини танлагансиз?

— 10 ёшимдан спорт билан мунтазам шугулланаман. Аввалига машқлар натижасида мушакларим каттик оғир, шундай пайтларда: «бўлди, эртага машғулотга бормаيمان, спорт мен учун эмас», деган қарорга ҳам келганман. Аммо орийат, табиатимдаги қайсарлик туфайли бошлаган ишимни

ташлаб кетолмаганман. Кейинчалик спорт умр мазмунимга айланди, энди машқларимиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман.

Илк бор катта акам Навоий шахридаги «Кимёгар» спорт клубига олиб борган. Беш йил давомида шу ерда шугулландим. 2015 йилда эса илк катта ютуғим — Сурхондарёда ўтказилган мамлакат чемпионатида олтин медални қўлга киритдим. Шундан сўнг терма жамоага жалб қилиниб, устозим Карим Холиков қўл остида шугуллана бошладим. 2016 йил мен учун, айниқса, омадли келди. Аввалига Ўзбекистон чемпиони бўлдим, Молдовада ўтказилган жаҳон чемпионатида шохсупага кўтарилдим. Ушанда ватанпарварлик аслида инсоннинг қонида бўлишини илк марта ҳис қилганман, байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янтраганида кўзларимда севинч ёшлари қалқиган.

— Ғалаба ўз-ўзидан келмайди, муваффақият замирида мағлублик сабоқлари ҳам бўлади. Эсингиздан чиқмайдиган мағлубият ҳам бўлганми?

— Албатта. 2015 йилда Тошкент шахрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида фарғоналик тенгдошимга ютказиб қўйганман. Ана шу мағлубият асло эсимдан чиқмайди. Очиги, мусобақада ўзимга ишонган эдим, ўзига ишониш яхши, аммо рақибнинг имкониятларини, маҳоратини тан олиш ҳам керак экан. Шу мағлубият менга катта дарс бўлган. Зеро, шундан кейинги кетма-кет эришган ютуқларим — Тожикистондаги Осиё, Руминиядаги жаҳон чемпионатларидаги ғалабалар ана шу дарс сабоғи, дейишим мумкин.

— Ҳозирда сиз Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Навоий академик лицейи ўқувчисисиз. Ўқиш ва спортни бирса олиб бориш қийин эмасми?

— Келажақда Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқиш ниятиданман. Шу боис мазкур академик лицейга ўқишга кирдим. Тўғри, лицейда тартиб-интизом кучли, дарс қолдириш мумкин эмас, шунингдек, дарсларни ўзлаштиришга ҳам талаб юқори. Биласизми, одам ҳаракат қилса, астойдил хоҳласа, ҳаммасига улгуради. Имкон қадар спорт билан тунда шугулланаман. Катъий кун тартибига амал қиламан. Эрталаб енгил бадантарбия ва нонуштадан кейин дарсга отлансам, ўқишдан қайтгач, бироз дам олиб, кейин дарс тайёрлайман. Ҳар куни кечки пайт тўрт соатгача спорт билан шугулланаман. Ўз номи билан қўл жанги, катта-кичик жароҳатлар олган пайтларим ҳам бўлади, аммо ҳеч қачон машғулотларни ташлаб қўймайман. Устозларим Карим Холиков ва Искандар Каримовга ҳам раҳмат, улар мен танлаган режим асосида машғулот ўятапти.

— Спортдан ташқари яна нималарга қизиқасиз? Масалан, сизнинг тенгдошларингиз ижтимоий тармоқларда фаол...

— Ижтимоий тармоқлар орқали мусобақаларда танишган дўстларим билан боғланиб тураман. Аммо телефонга муккасидан кетмаганман.

Оиламизда спорт билан бир қаторда, санъатга ҳам қизиқиш юқори. Онам — Ҳабиба Абдуллаева Навоий шахридаги «Ширин» маданият саройида бадний раҳбар бўлиб ишлайди. Отам — Зоҳиджон Уматов тadbиркор. Онамнинг касбини жуда хурмат қиламан, шу боис санъатга қизиқишим баланд. Лицейда тенгдошларим билан рақс гуруҳи тузганмиз. Шунингдек, теннис, шашка-шахмат ҳам ўйнаб тураман.

— Суҳбатингиз учун таъкидлар!

СПОРТ

Навоий вилояти марказидан 300 километр олисдаги Учқудуқда жаҳон ареналарида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган уч полвон қиз истиқомат қилади. Булар — Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари — Ирода Жуманова, Дилноза Камолова ва Маҳлиё Манноновадир.

Учқудуқнинг уч полвон қизи

Ирода дзюдо бўйича спорт устаси, Осиё очик кубоги ғолибаси. Дилноза ҳам дзюдо бўйича спорт устаси, уч карра Осиё очик кубоги ғолибаси. У дзюдо, миллий кураш, самбо бўйича 13 карра Ўзбекистон, бир марта Осиё чемпиони ҳамдир. Маҳлиё эса дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, 2014 йилда Хитой ва 2015 йилда Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатларида кумуш, ўтган йили Индонезияда бўлиб ўтган Ёзи Осиё ўйинларида олтин медаль соҳибасига айланган.



Ҳеч бир соҳада, жумладан, спортда ҳам ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Тинимсиз машқлар, қатъият ва ирода спортчини ғолиблик шохсупаси сари етаклайди. Албатта, бунда маҳоратли ва фидойи мураббийлар йўлчи юлдуз каби йўл кўрсатади. Уч «Зулфиячи» қиз Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Лочин» спорт мажмуасининг олий тоифали мураббийи Алишер Шодмонов қўл остида шугулланиб, чемпионлик даражасига етган.

— Тарихда Шарқ аёллари қандай қахрамонлиқлар кўрсатган бўлса, мен ўзбек қизлари Тўмарис авлоди сифатида мардлик кўрсатишини хоҳлайман, — дейди А.Шодмонов. — Уларнинг ғалабасидан қанча қувонсам, мағлубиятидан қаттиқ изтиробга тушаман. Менга бу жуда оғир ботади. Навбатдаги мусобақани кутиш учун қанча вақт кераклигини ўйлайман. Беллашувлар олдида кўпроқ ўзим ҳаяжонланиб, туни билан ухлай омайман. Қизларни ўз қучига ишонтириш учун руҳлантирувчи сўзлар излайман.

Бугун уч полвон қизнинг ҳар бири мураббий даражасига етган ва ўз шогирдларига эга. Нозик жисмида жафосат ила шижоат, латофат ила матонат уйғунлашган бу қизлар юртимизда болалар спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга, устозлари каби жаҳон ареналарида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган чемпионларни етиштиришга аҳд қилишган.



«Катта йигирмалик» яна бир синовдан ўтди... ми?

САММИТ АЪЗО ДАВЛАТЛАР МАВЖУД ҚИЙИНЧИЛИК ВА
ТЎСИҚЛАРНИ БИРГАЛИҚДА БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚОДИРМИ-ЙЎҚМИ,
ДЕГАН САВОЛЛАРГА ОЙДИНЛИК КИРИТИШИ КЕРАК ЭДИ. БИРОҚ
ҲОЗИРЧА БУ САВОЛНИНГ ЖАВОБИ ОЧИҚ ҚОЛМОҚДА

Жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари Япониянинг Осака шаҳрида «Катта йигирмалик» мамлакатлари етакчиларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Ушбу воқеалик халқаро жамоатчиликнинг алоҳида эътиборида бўлди. Зеро, саммит глобал рақобат кучайган, савдо протекционизми кескинлашган бир шароитга тўғри келди. Давлат раҳбарлари халқаро ҳаётнинг энг муҳим, долзарб муаммолари, савдога тааллуқли масалаларда келишувга эриша оладими, деган савол кўпчилиكنи қизиқтирарди, албатта. Айниқса, АҚШ ва Россия, АҚШ — Хитой етакчиларининг учрашувлари йигирминг энг муҳим ҳодисалари сифатида тилга олинди.



Ташкилот ҳақида нималарни биламиз?

«Катта йигирмалик» клуби глобал молиявий ва иқтисодий инкирозларни бартараф этишга қўмаклашиш, жаҳон мамлакатларига тангликдан чиқиш маслаҳатини бериш мақсадида 1999 йил ташкил этилган. 1975 йилда тузилган «Катта еттилик» клуби тангликдан чиқиш йўлини тополмагач, Европа, АҚШ, Осиё ва Африка қитъаларининг йирик давлатларидан иборат гуруҳни шакллантириш ташаббусини илгари сурган. 1999 йилдан 2008 йилгача асосан, кучли йигирмаликнинг молия ва иқтисодиёт вазирлари, банк мулозимлари йиғилиб турган бўлса, 2008 йилдан эътиборан, давлат раҳбарларининг саммитлари ўтказиладиган бўлди.

Саммит ҳар йили бўлиб ўтади. Унда аъзо давлатлардан ташқари, мезбон мамлакат раҳбари таклиф этадиган бошқа бир неча давлат раҳбарлари ҳам иштирок этадилар. Талбир доирасида иштирокчи давлатлар дунёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳолатларни муҳокама қиладилар. Шунингдек, дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар юзасидан таклифлар билдирилади, ечимлар таклиф қилинади.

Қарорлари тавсиявий ҳусусиятга эга бўлган клуб ўтган йиллар мобайнида молиявий таназзулдан чиқиш йўлини топа олмади. Чунки клубдаги ва жаҳондаги кучли таъсирга эга давлатларнинг ҳар бири Криловнинг масалига такқос қиладиган бўлсақ, «аравани ўз томонига торттишга интилади». Саммит давлат раҳбарларининг ўз муаммоларини ечиш мақсадида икки томонлама учрашувларни ўтказишга имконият маскани бўлаётгани билангина кўнгилларга таскин бўлган, холос. Бу гал ҳам шундай бўлди.

АҚШ — Россия: вазият яхшиланадими?

Қўшма Штатлар президенти Дональд Трамп Россия етакчиси Владимир Путин билан учрашди. Бир ярим соатлик мулоқот давомида пре-

зидентлар икки давлат ва бутун дунё микёсидаги муносабатларни муҳокама қилишди. Хусусан, учрашувда Эрон, Сурия, Венесуэла ва Украинадаги вазият муҳокама қилинди. Бундан ташқари, Путин ва Трамп қуролланиш устидан назоратни такомиллаштиришга ҳам келишиб олган.

Қайд этиш керак, ҳар икки мамлакат ўртасидаги мулоқотлар ҳеч қачон бир текисда кечмаган. Дунёнинг турли минтакаларида таъсир доирасига эга бўлишга интилиш, манфаатлар тўқнашуви алоқаларга доимо соя солиб келган. Телеэкранлар қаршисида табассумлар, қўл сикишлар ҳаммаси рисоладак кечаётганини англатмайди. Кўпгина олий даражадаги музокаралардан кейин ҳам барчаси «эски тос, эски ҳаммом»лигича қолаверган.

Аммо жорий йилнинг май ойида АҚШ давлат котиби Майк Помпеонинг Сочида Россия президенти Владимир Путин ва ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашувидан кейин дунёдаги кескинлик оҳанги бироз пасайди. Айниқса, Венесуэладаги ҳукумат ва муҳолифат зиддиятида «пауза» пайдо бўлди. АҚШ Суриядан қўшинларини олиб чиқишга киришди. Украина шарқида тинчлик ўрнатишга қаратилган «Минск-2 келишуви» доирасида Украина ва Донбассдаги айирмачи расмийлар ўртасида музокаралар қайта тикланди. Нихоят, Молдовадаги сиёсий инкирозга биринчи марта Россия, Европа Иттифоқи ва АҚШ воситачилигида ечим топилди.

АҚШ ва Россия президентларининг учрашувида Эрон масаласи ҳам асосий мавзулардан бўлгани аниқ. Таъкидлаш жоиз, Қўшма Штатлар Эронни минтақада кучсизлантириш ва ичидан емиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларини давом эттирмоқда. Жазо чоралари туфайли биргина охириги икки ой очида Эрондаги озиқ-овқат нархлари 56 фоизга қимматлашди.

АҚШ — Хитой: савдо уруши барҳам топадими?

Савдо уруши олиб бораётган АҚШ

ва Хитой етакчилари — Дональд Трамп ва Си Цзиньпиннинг учрашуви ҳам саммит доирасидаги энг муҳим воқеаликлардан бири бўлди. Учрашувда чуқурлашётган савдо келишмовчиликларини ечиш борасида бирор келишувга эришилмаган бўлса-да, янги божларни вақтинча жорий этмаслик ва бу йўлдаги музокараларни давом эттиришга аҳдлашиб олинди.

Шунингдек, кейинги вақтда икки мамлакат ўртасидаги соғуқчилик мавзусига айланган «Huawei» компанияси билан боғлиқ муаммо ҳам ечимини топгандек бўлди. Сабаби, Дональд Трамп Америка компанияларига «Huawei» қурилмаларини сотишига рухсат берилишини айтди.

Қайд этиш ўринли, геосиёсий ўйинларнинг кучайиши бизнес учун хавотир уйғотади. Миллий хавфсизлигига таҳдид туғилиши иддаоларига таянган Қўшма Штатлар Хитой сармоялари йўлига баланд тўсиқ қўйиш мақсадида Европа, Япония, Австралия, Канада, Жанубий Корея ва Тайванга кучли босим ўтказаетир. Ҳозирча АҚШ босимига Малайзия, Австралия, Тайван каби давлатлар ён беришга улгурди. Бироқ бу каби савдо урушлари илмий тадқиқотлар ва стратегик соҳалардаги савдога, сунъий интеллектдан тортиб, 5G тармоқларига бўлган тизимлар ривожига ҳам соя солишини унутмаслик керак.

Ҳақиқат шуки, Чин мамлакати бутун Европадан тортиб, Америкагача, Осиёдан тортиб, Африкагача бўлган катта ҳудудларга сармояси билан кириб бўлди. Хитойнинг илгор давлатларни авиакосмик соҳа ва замонавий электрон узаттичлар соҳасида қувиб ўтишга интилишлари АҚШни кибермақонда янада шиддаткор сиёсат юритишга мажбур этмоқда. Шубҳасиз, АҚШ ва Хитой раҳбарларининг учрашуви натижалари икки мамлакат иқтисодий муносабатларидаги савдо-иқтисодий алоқалар келажакни белгилаб беришга қолмай, жаҳон иқтисодиёти ва савдосининг барқарор ривожига таъсир кўрсатади.

Мавжуд қийинчилик бартараф этиладими?

Саммит доирасида «Катта йигирмалик» мамлакатлари раҳбарларининг жаҳон иқтисодиёти тараққиётига оид муаммолар бўйича самарали музокаралар ўтказиш, глобал иқтисодиёт бошқарувини такомиллаштириш ва кўп томонлама савдо тизимини ислох қилиш борасида бир тўхтамга кела олиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Кузатишлар натижасига ҳам Япониядаги саммитнинг бош мавзуси — жаҳон иқтисодиёти, савдоси ва сармоялари, инновацион тараққиёт, атроф-муҳит муҳофазаси ва энергия ресурслари муаммолари, аёللар ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар бўлганини тасдиқлайди. Марказий банклар раҳбарлари ва молия вазирларининг макросиёсат ва қарзлар масаласидаги қарашлари мос келмагани очик эътироф этилди, аммо келишмовчиликларни ечиш учун позициялар яқинлашган.

Савдо ва сармояларга тааллуқли масалаларда эса зиддиятлар бундан катта. Аксарият давлатлар фикрича, АҚШнинг тарифлар сиёсати жаҳон савдосининг соғлом ривожини савол остига қўймоқда. Глобал савдо тизимига ҳужумларнинг олдини олиш учун томонлар Вашингтонни эркин савдо режимида қайтишга чақирдилар. Аммо «аввало Америка» шиорини илгари сураётган Трамп бу чақирикларга қўлоқ тутадиган кўринмайди.

Мухтасар айтганда, ушбу саммит «Катта йигирмалик» мамлакатлари етакчилари учун жиддий синов бўлди, улар мавжуд қийинчилик ва тўсиқларни биргаликда бартараф этишга қодирми-йўқми, деган саволларга ойдинлик киритиши керак эди. Ҳозирча бу саволнинг жавоби очик қолмоқда. Воқеаларнинг ривож бартараф ойдинлик киритади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сёсий шарҳловчи.

Орол денгизидаги махфий худуд сири нимада?

**ЎТГАН АСРНИНГ 40-ЙИЛЛАРИДАН ТО 90-ЙИЛЛАРИГАЧА ДУНЁДАГИ
МАХФИЙ ХУДУДЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚОҚ
МАРКАЗИДАГИ ВОЗРОЖДЕНИЕ ОРОЛИ ҲАМОН СИРЛИЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА.
ТАЖРИБА-СИНОВЛАРИ ТУГАГАНИГА 27 ЙИЛ БЎЛГАН БЎЛСА-ДА, БУ ЕРДА
ҲАМОН ЗАҲАРЛИ САРҚИТЛАР САҚЛАНИБ КЕЛАЁТГАНИ АЙТИЛАДИ**

Возрождение ороли — XVI-XVII асрларда Орол денгизи сатҳи пасайган вақтда ҳосил бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан «Қантубек» деб номланиб келинган ушбу жой 1848 йилда лейтенант Алексей Бутаков экспедицияси томонидан кашф қилинган. Кейинчалик Возрождение номи билан атала бошланган. Атрофи феруза рангли сув билан ўралган оролда минглаб сайёқлар тўдасини учратиш мумкин эди.

Қадимдан балиқчилар макон қилган сўлим манзарали орол ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб биологик қуролларни синовдан ўтказадиган худудга айлантирилди. Шу пайтдан бошлаб балиқчи ва бошқа одамларнинг худудга яқинлашиши тақиқланди. Шартли равишда бу ер «Бархан» ёки «Аральск 7» деб номланган ва дунёнинг ҳеч бир харитасида акс этмаган. Авваллари бу ерда ҳеч ким келмасди. Жорий йил бошидан мазкур худудда қудуқлар казилиб, саксовуллар экилиб, яшил майдонлар пайдо қилиниши баҳонасида «арвох» шаҳарда бўлди. У ҳақда топган маълумотларни сизга ҳам илдиник.

Тажриба маймунларда олиб борилган

Шаҳар тарихи Қанатжан Алибеков томонидан ўрганилган. Аниқланган маълумотлар эса ўз вақтида бутун дунёни ҳайратга солган. Қ.Алибеков олим, иммунология ва инфекцияцион касалликлар бўйича мутахассис, ҳарбий шифокор, полковник, биология ва биотехнология фанлари доктори бўлган.

У 1975 йилдан бошлаб собиқ иттифокда биологик қурол яшаш ва синов билан шуғулланадиган «Биопрепарат» ташкилотидан раҳбар лавозимларида фаолият юритади. 1992 йилда АҚШга кўчиб ўтиб, «Biohazard» номи китобини чоп этади ва унда Возрождение оролининг бор сирини тўлалигича очиб ташлайди.

Жумладан, муаллиф: Менинг раҳбарлигимда Степногорск шаҳрида ясалган «Сибирь куйдиргиси»нинг дунёдаги энг кучли штамми ушбу оролда синовдан ўтказилди», дея айтиб ўтади.

Қ.Алибековнинг таъкидлашича, кичикроқ тажрибалар ўтказиш мақсадида маймунлар боғланиб, уларнинг тепасидан «Сибирь куйдиргиси»ни келтириб чиқарадиган биологик «бомба» сочиб юборилган. Шундай қилиб, махсус ўлчов асбобида юқумли штаммларнинг очик осмонда қандай қилиб тарқалиши, қанча вақтда тажриба маймунларга етиб бориши ва уларга қандай таъсир қилиб, қандай ўлишигача ёзиб олинган.

Энг даҳшатлиси, бу каби синовлар бактериялик аэрозолнинг атмосферага тарқалиш қўламини тадқиқ қилиш учун Возрождение оролининг устки ҳаво қаватида ҳам олиб борилган. Шундай пайтларда орол атрофида, асосан, жанубий қисмида юриш жуда хавфли бўлган. Тажриба ўтказилган пайтларда атроф яшил рангда туманлашиб кетган.

Антракснинг 10 килограмми битта шахарни йўқ қилиши мумкин эди...

Оролдаги фавқулодда вазиятлар 70-йиллардан бошланади. 1971 йилда денгизда сузиб юрган талкиот кемаси шамол кучи билан қирғоқдан узоклаб кетади ва қалин яшил туманга кириб кетади. Экспе-



диция таркибидаги ёш олима аёл касалланиб қолади. Уйга келгандан кейин унинг касаллиги чечак диагнози қўйилади. Кўп ўтмай, у тузалса-да, касаллик 9 кишига юкиб улгуради ва улардан 3 нафари вафот этади.

Орадан бир йил ўтиб, Орол соҳилидан қайғи билан го-ийиб бўлган икки балиқчининг жасади топилади. Уларнинг ўлимига ўлат сабаб бўлгани маълум бўлади. Бирмунча вақт ўтгач, маҳаллий аҳоли денгиздан минглаб ўлик балиқларни тортиб олади. Нима содир бўлганини ҳеч ким тушунамади. 1988 йилнинг май ойида эса орол яқинидаги чўлда 50 минг бошдан иборат қатта сайёқ подаси 1 соат ичида нобуд бўлгани қайд этилади. Ушбу ҳодисаларга оролда олиб борилган бактериологик қуролларнинг синов-тажрибаси сабаб бўлди, деган хулоса чиқарилади.

Хавфли антракс қуролнинг собиқ иттифокда яшлаб чиқилаётгани ҳақида тарқалган хабар эса халқаро можароларга сабаб бўлади. 1988 йилда Россиянинг Свердловск шаҳри қошида ишлаб чиқарилган юзлаб тонна «Сибирь куйдиргиси»ни келтириб чиқарувчи қуроллар зангламайдиган махсус контейнерларга жойлаштирилади ва устига хлорли оҳак қўйилади. Кейинчалик минглаб километр йўл босиб, Возрождение оролига кўмилади.

Баъзи маълумотларда антракснинг 10 килограмми 300 минг одам яшайдиган битта шаҳарни бир тунда йўқ қилиб ташлаши мумкинлиги айтилади. Возрождениеда эса 24 та вагон антракс кўмилган. 1999 йилда «New York Times» газетаси ушбу кўмилган антракс қуроли бутун дунё аҳлини бир неча бор йўқ қилиб юборишга қодир, денгиз суви қуриб кетяпти, орол келгусида ярим оролга айланса, у ердан кемирувчилар ва қушлар орқали касаллик тарқаб кетиши мумкинлиги ҳақида бонг уради.

Оролда полигон фаолияти тўхтатилгандан кейин Пентагон (АҚШ) мутахассислари ва бошқа илмий экспедициялар томонидан бир неча бор талқикотлар ўтказилган. Лекин шу қунгача талқикот олиб борган қатор экспедициялар хулосасига кўра, худудда эпидемиологик хавф қузатилмаган.

Одамлар нима дейди?

Мўйноқлик ёши улуг балиқчилар ушбу худудда ҳарбий кемаларга кўп маротоба дуч келишганини айтишди.

— Бир кунни Қозғистоннинг Орол шаҳридан баржага ортилган юкни Мўйноққа олиб келаётгандик, — дейди Олмос Тобашев. — Шунда кемамизга трос илиниб, юрмай қолди. Анча овора бўлдик, лекин трос

ёзилмади. Ёрдамга чақирувчи қизил SOS ракетабини учирдик. Орадан 2 соат вақт ўтгандан кейин ёнимизда ҳарбий катер пайдо бўлди. Бу ерда бироз вақт кемамиз тагига илашган тросларни ёздириб, қайтадан судраб, аввалги жойимизга олиб келишди ва бу худудга қайтиб яқинлашманг, деб буюрди.

— 1970-75 йилларда Орол денгизида бакрабалиқ кўп бўларди, — дея эслади учсойлик Адилбай Бигелдиев. — Бакрабалиқ, асосан, денгизнинг ўртасида бўларди. Бир кунни қалин туманда денгиз ўртасида компасимиз ишламай қолди. Анча вақт адашиб юрдик. Шу пайт ёнимизда ҳарбийлар кемаси пайдо бўлди. Компасимизни тузатиб, қайси томонга юришимизни кўрсатди. Кейин билсак, биз адашиб, ўша пайтларда энг махфий саналган худуд — Орол денгизи ўртасидаги Возрождение оролига яқинлашиб қолган эканмиз.

Шаҳар энди хотираларда қолади

Возрождениега кириб борар эканмиз, саҳро табиатининг гўзаллиги бизни лол қолдирди. Қуён қўп, саксовул қалин бўлиб ўсиб кетган. Худуд икки қисмдан иборат: шимолий қисмида бир ярим мингга яқин полигон хизматидаги ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва аскарлар яшаган, жанубий қисмида эса лабораториялар фаолият юритади.

Аҳоли яшаган қисмини 4 соат айланиб юрганимиз билан ҳаммасини қўриб чиқишга улгурмадик. Бизга ҳар бир объект кизик эди. Ҳа, бу ерда мактаб, шифохона, болалар боғчаси, ошхона, дўкон, ҳаммом-кирхона комбинати, омборхона, автобаза, хаттоки, турма ҳам бўлган. Мактаб билан шифохона бутунлай қўриб олиб кетилган. Шаҳарнинг ғарбида қамиди 40 тонна келадиган қўмир уюндиси қолиб кетган. Автомашиналар, хатто танклар ҳам ташлаб кетилган. Бугунги кунда уларнинг фақат «скелет» қолган.

Хавфли худуд бўлган бўлса-да, бу ерда аҳолининг яшаш учун жуда яхши шароит яратилгани яққол кўзга ташланади. Атрофи денгиз билан қуршалган худуд ҳақиқий гўзал манзарарга эга бўлгани аниқ. Ташландик шаҳарда қизикарли объектлар кўпки, уларни бир кун ичида айланиб чиқиб бўлмайди.

«Арвох» шаҳардан энди фақат хотиралар қолиши мумкин. Чунки яқиндан бошлаб бу шаҳарда демонтаж ишлари бошлаб юборилди. Возрождениега яқин жойда, яъни Шағала массивида қудуқлар казилиб яшил оазис барпо қилинмоқда. Мақсад — сайёҳлик салоҳиятини кўтартиш. Возрождение эса номига мос тарзда қайта уйғонмоқда.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
журналист.



Ўзбекистонда 72 ёшли аёл олий таълим муассасасига ҳужжат топширди.

ИМТИЁЗ

«Гаровсиз кредит олсам бўладими?»

— Чорвачилик билан шуғулланмоқчиман. Бунинг учун эса кредит олишим керак. Бироқ гаровга қўядиган мулким ҳам, кафил бўладиган одам ҳам йўқ. Менга кредит ажратиладими? Уни қандай олсам бўлади?

Содиқжон АЛИЕВ.
Қашкадарё вилояти.

Сарвар ОЧИЛОВ,
«Халқ банки» матбуот
хизмати раҳбари:

— Мазкур масала «Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади. Унга мувофиқ, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шахсий томорка участкаларида маҳсулот етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланиш учун банклар томонидан туман (шаҳар)даги сектор раҳбари, ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан бериладиган тавсиянома асосида аҳолига 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бара-вари миқдоригача йиллик 7 фоиз ставкада 3 йил муддатга микрокредитлар ажратилади.

Бунда банклар ички кредит сиёсатида мувофиқ, қарз олувчиларга таъминот турларидан бирини (гаров, кафил, сугурта полиси) талаб қилмасдан бланкли (ишончли) кредит бериш ҳуқуқига эга. Мазкур микрокредитлар пул ўтказиш йўли билан ажратилади. Шу билан бирга, мақсаддан келиб чиққан ҳолда микрокредит суммасининг 30 фоизи миқдоридagi қисми нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

ТИББИЁТ

«Бобом тиббий хизматдан бепул фойдалана оладими?»

— Бобом II гуруҳ ногирони. Соғлигидаги муаммо туфайли бир йилда уч марта даволанишига тўғри келади. Айтинг-чи, бундай тоифадаги шахслар учун тиббиёт соҳасида қандай имтиёзлар мавжуд?

Исоқжон БЕГИМОВ.
Самарқанд вилояти.



Камол НОРҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти адлия бош-
қармаси масъул ходими:

— Албатта, қонунчиликка асосан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Жумладан, улар барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида бепул даволанади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинади. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида эса бепул ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, уларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга бепул йўлланмалар берилади. Хусусий тиббиёт муассасаларида (стоматология ва косметология хизматлари кўрсатувчи муассасалар бундан мустасно) бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



МУАССИС:
ФУҚАРОЛАРИНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

MAHALLA — AQLOL TAPQIZO

Mahalla

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7013

7798104701000

ХУҚУҚ

Телефон таксометр ўрнига ўтадими?

— Таксичилик фаолияти билан шуғулланаман. Айтишларича, эндиликда машина рангини бўяш шарт эмас экан. Шунингдек, телефондан таксометр сифатида фойдаланиш ҳам мумкин дейишяпти. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Алишер КОДИРОВ.
Тошкент шаҳри.

Дилмурод
РАЖАБОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими:

— Дарҳақиқат, жорий йилнинг 1 июль санасидан йўналиш-сиз такси рангини қонун ҳужжатларида талаб қилинган ранг-га мувофиқ ҳолга келтириш учун (вилоят-ларда сариқ ва Тошкент шаҳрида фил суяги



ранги) ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади, уларни бўяш шарт эмас. Шунингдек, бундай таксилар автобуслар учун ажратилган махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда «Тўхташ тақикланади» белгиси амал қилиш ҳудудида тўхташи мумкин.

Йўналишсиз таксилар учун талаб этиладиган тўлов терминаллари, ҳисоблагич-таксометрлар ва радиоалоқа воситалари функцияларини махсус иловалар орқали (уяли телефонлар, планшетлар, электрон тўлов тизимлари) амалга ошириш мумкин.

КОММУНАЛ СОҲА

Иссиқлик таъминоти яхши бўлмаса...

— Кўп қаватли тураржойда яшайман. Кўз-қили мавсумида иссиқлик таъминоти уйни яхши иситмайди, шу боис хонадонимни иситиш тармоғидан уммоқчиман. Лекин «Тошиссиққувати» ДУК ходимлари мумкин эмас, дейишяпти. Шу тўғрисида?

Ноҳира ХОЛОВА.
Тошкент шаҳри.



Барҳаёт
МЕЛИЕВ,
Тош-
кент
шаҳар
уй-жой
коммунал
хизмат
кўрсатиш
бош бош-
қармаси бошлиғи ўринбосари:

— Истеъмолчига кўп қаватли уйнинг иситиш ва иссиқ

сув таъминоти тизимидан иситиш асбобларини демонтаж қилиш орқали узиб қўйиш тақиқланади. Бу Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Кўп квартиралли уйлarda иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари»да белгиланган.

Шу билан бирга, истеъмолчи иссиқлик таъминоти хизматлари зарур сифат ва тартибда кўрсатилмаганда қайта ҳисоб-китоб амалга



оширилишини талаб қилиши мумкин. Зарур сифат дейилганда, иситиш даврида тураржой хоналари ҳавосининг норматив ҳарорати камида 20°C бўлиши назарда тутилган. Уйда ҳаво ҳарорати ушбу кўрсаткичдан паст бўлганда ҳароратдан четта чиқишнинг ҳар бир даражаси учун тўлов миқдори амалда белгиланган тўловнинг 0,15 фоизига камаяди.

НОТАРИАТ

Уйда туғилган болага гувоҳнома қай тартибда берилади?

— Синглим тоғли ҳудудда яшайди. Марказдан олисдалиги боис биринчи фарзандини уйда дунёга келтиришига тўғри келди. Айтинг-чи, шифоҳонадан ташқарида туғилган болаларга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нима асосида берилади?

Ҳолида ШОЕВА.
Фарғона вилояти.

Умида ЖАЛИЛОВА,
Тошкент шаҳри Сергели тумани ФХДЭ бўлими мудираси:

— Тиббий муассасадан ташқари жойларда тиббий ёрдамсиз туғилган болага туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотнома ҳудуд шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан берилади. Бунда маълумотномани беришга боланинг шу ондан туғилганлигини тасдиқловчи камида иккита гувоҳ иштирокида тузилиб, худуд шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан тасдиқланган далолатнома асос ҳисобланади.



Далолатномада гувоҳларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига оид маълумотлар кўрсатилиши ва уларнинг кўрсатмалари ўз имзолари билан тасдиқланиши шарт. Худди шу маълумотнома асосида болага гувоҳнома берилади.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОВРОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов
Мусахҳиллар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: Ф. Толипов
Дизайнерлар: Э. Муратов
И. Болтаев

Нашр кўрсаткичи: 148

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси қилишилган нархда.

Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон қўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табкок,
22 953 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-745
Топширилди — 00:50